

Ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнал

VATAN

2024 йил
1-сон

Йўл бўшат, замона!
Йўл бўшат, жаҳон! –

**ЎЗБЕК
КЕЛАЁТИР...**





Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР..

*Яна хаёл узра ташибеҳлар хил-хил,
Бир пайғом васлига талпинар дадил.
Илҳом парисининг хушхабаридан
Сархуш сандуғочдай яйрамоқда дил –
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

*Асраб наърасини, янгроқ сасини –
Қадим Хоразмнинг хазинасини,
Икки ярим, уч минг йиллар наридан
Отичлаб Авесто дафинасини,
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

*Бир қанот – Алтомиш, бир қанот – Широқ,
Бир ён – Алп Эр Тунга, енгилмас тупроқ.
Ўт олиб мангулик самандаридан,
Тўмарислар қалбин ёритган чироқ –
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

*Даҳосининг сонсиз меваси билан,
Самарқанд, Бухоро, Хиваси билан,
Қанча тош битикнинг ўйиқ бағридан,
Шошга тенгдош бўлган шеваси билан,
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

*Азалдан заковат нурига ёлчиб,
Зулматларга ирфон ёғдусин сочиб,
Туриб, туну куннинг туташ еридан,
Не-не сайёралар, қитъалар очиб,
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*


*Чиқариб нурафшон йўлга карвонин,
Бошига кўтариб тенгсиз сарбонин,
Куч олиб истиқлол зафарларидан,
Яна юлдузларга тақаб нарвонин,
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

*Йўл бўшат, дилларда музлаган армон!
Йўл бўшат, менсимай хор қилган нодон!
Яна минг йилликнинг тонготаридан,
Йўл бўшат, замона! Йўл бўшат, жаҳон! –
Ўзбек келаётир тарих қағридан!*

**Акиф БАҒИР,
озар шоири**

*Суратда: Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
давлат ташрифи билан Хитой Халқ
Республикасидан қайтиши онлари.*

Фото: president.uz



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

ИМТИҲОН

*Сен Ватан ҳақида берма кўп савол,
Лоф урма Ватаннинг муҳаббати деб.
Уни мансаб каби айлама хаёл,
Ёхуд маърузанга эмасдир у зеб.
Ватан танангдаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*


*Бу улуг севгида илоҳийлик бор,
Ватанни чин фарзанд фаромуш этмас.
Менга ўз туйғумни ўргатма зинҳор,
Инчунин, кибрнинг бозори ўтмас.
Рост гапни ёлғондан фарқлар ондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Асл қаҳрамон ким ёруғ дунёда?
Гоясин таъмага алмашмаган зот.
Чуғурчуқ кўпайса ҳаддан зиёда,
Бургут бўлиб яшаш олий мукофот.
Қул ҳам юртин севса шоҳдир, хондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Гарчи кўҳна замин умум макондир,
Инсоннинг ҳар жойда ёнсин чироғи.
Мўъжаз бўлса ҳамки, кулбанг ошёндин,
Она даргоҳидек унинг қучоғи.
Сен учун поёнсиз қаҳқашондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Азал мусофирдир дунёда одам,
Руҳим гарчи собит, муаллақ таним.
Бир умр кўйинингда муқим турсам ҳам,
Соғиниб яшадим сени, Ватаним.
Меҳр бир, нафрат ҳам бир томондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Майли суймасинлар мени ғанимлар,
Йўлимни тўссинлар рақиблар ҳатто.
Ватан ҳар қайда ҳам маёқдек имлар,
Ғурурим юксалар самогача то.
Ҳеч кимга бергувсиз доврўғ, шондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

A portrait of Abdurauф Фитрат, a man with a mustache, wearing a suit and tie, looking slightly to the right. The background is dark.

Барчамизга аёнки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли – билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Абдурауф ФИТРАТ



*Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?
Темур била Чингиз қони тошди томримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Ёв суқғали келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол кўксуми — қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?*

ЮРТ ҚАЙҒУСИ — бу шеър аруз вазнида ёзилган бўлиб, «Хуррият» газетасининг 1917 йил 29 декабрдаги 62-сонида ilk марта эълон қилинган.

«Хуррият» газетаси Самарқандда 1917-1918 йиллари нашр этилган. 1917 йил 27-сондан бошлаб Фитрат муҳаррирлик қилган. Бу нашрда Фитратнинг қирққа яқин публицистик мақоласи ва тўртта ўзбекча ва икки форсий шеъри эълон қилинган.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

[Сочма]

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!
Сенга не бўлди? Холинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг*,
Отиллаларнинг** шонли бешиклари!

Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар? Қуллик чуқур-
лариға недан тушдинг?!

Дунёни «урхо»лари билан титраткан йўлбарс
юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга уч-
ратурған тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товуш-
лари чиқмайдир?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир
туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетди-
лар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар?
Нечун... Нечун... нечун..? Гапур менга, эй Улуғ Турон,
арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурма-
дингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуг

хоқонларини сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчоғи!
Эй қахрамонлар туғойи!*** Қани у чақмоқ чақишли
ботир хоқонларинг? Қани аввалғи ўқ юрушли, отли
бекларинг? Нечун «урхо»ларинг эшитилмайдир?


Дунё халқини бўйсундирмаган салтанатларинг не-
чун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остинда
олган хоқонлиғнинг нечун кучи ўлди? Кучингми кет-
ди? Кимсасизми қолди?

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз
эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бутун ер юзида саксон
милйун**** боланг бор. Буларнинг томирларидаги
қон чингизларнинг, темурларнинг қонидир. Булар-
нинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски
йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч би-
ри йўқолмамишдир.

Ёлғиз... Ох, ёлғиз... тарқалмишдир.



*ЮРТ ҚАЙҒУСИ (сочма шеър). Фитратнинг ўз сўзлари билан айтганда «мансура» («Адабиёт қо-
идалари»), «Хуррият» газетасининг 1917 йил 28 июлдаги 26-сонида эълон қилинган. Қайта нашри:
«Фан ва турмуш», 1990, 9-сон, 7-бет (табдилчи Акбар Аъзам Хожа).*

** Ўғузхон — хунлар давридаги қадимги турк хоқонларидан. Асл исми Мусахон Теоман йўғлидир, ва-
фоти исовий 174-йил. Туғилган санаси аниқ эмас. Ўттиз беш йил ҳукмронлик қилган.*

*** Отилла — Хун хоқони Минжуқ йўғли (395–453). Акаси Велданинг йлиmidан сўнг (422 й.) хоқон-
ликни тўла ўз қўлига олиб, умрининг сўнгига қадар хоқонлик қилган. Қайта нашрда «Отилла» сўзи
«оила» деб нотўғри ёзилган.*

**** туғой — туғилган жой.*

***** саксон милйўн — ўша йиллари ер юзида туркий қавмга мансуб 80 миллион аҳоли бор эди, шу
рақам назарда тутилади.*

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

[Бир ўзбек тилидан]

Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршумда мунгли бир хаёл келиб турадур!
Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийим йўқ.
Бош-аёғлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқадан ботған, бақирурға товуши, қутилуғга кучи қолмаған!..

Қарайман: кимсасизлик юкиндан ориғланган танда золимона урулган қамчиларнинг яраси бор. Қўраман:
жоҳилона қилинган эмлардан носулға* қайтган яралариндан қонлар оқиб турадур!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан?

Эй ғамли она, нечук мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан?

Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг, у ёш ёмгурларин нечун тўкадир? Зулм занжирлари билан
боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан?..

Оҳ... Билдим... Билдим... Англадим!

Сен менинг Ватанимсан,

Ватанимнинг мунгли хаёлисан.

Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма.

Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.

Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир,

Паноҳим, саждагоҳим, умидим!

Ёвларинг сени шу кунгами солдилар?

Тилагим, истагим, саодатим!

Болаларинг сени шу ҳолдами кўйдилар?

Суйунчим, овунчоғим, ўчоғим!

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак қилурға ҳозир.

Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози.

Қоф тоғлари йўлимда тушса;

Тамуғ** оловлари қаршумдан чиқса, яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса,

Оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса,***

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса,

Зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқарарман.

Мен сенинг учун тирилдим,

Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман.

Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!

Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,

Нафрат сени кўмгани келганларга!

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (бир ўзбек тилидан) — ушбу сочма ҳам «Хуррият» газетасида чоп
этилган (1917, 18 август 31-сон). Қайта нашри: «Фан ва турмуш» ж., 1990, 9-сон. 7 бет.

* носулға — тузалмаган, қайта касалланган.

** тамуғ — жаҳаннам.

*** сорилмоқ — ёпишмоқ.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

[Темур олдинда]

Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним!

Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этакларингга тўқарга келдим.

Қоронғуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғали келдим.

Номусини бад кишиларнинг аёғлари остинда кўриб турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари каби сочрағай.

Лекин ўз кучсизлигин англаб қайтиб ўтирган ва қон йиғлаган туркнинг ҳолини айтарга келдим, хоқоним!

Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди.

Турк учун қўйдиғинг давлат битди, турк остига қурдиғинг хоқонлик ёғийгами кетди. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг аёғлари остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди.

Туркнинг билгиси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди.

Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди. Сенинг кучинг билан дунё хўжаси бўлган турк қарлуқ темурларига* кирди.

Хоқоним!

Туркликка хиёнат қилганлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқизмоқ сенинг муқаддас одатингдир, ётма, тур!

Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур! Султоним!

Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ руҳониятинг мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз бир боласининг шу ҳолига ғазабли кулуб турубдир.

Биламан, шу чоғда сенинг тўлқунли денгизларга ўхшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўғлингнинг шу кўринишиндан нафрат қиладир.

Чунки юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим,

Сенинг Туронингни ўзим талатдим,

Сенинг турклигингни ўзим эздирдим,

Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим.

Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлмасам эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди.

Мен қўлимга топширдиғинг қилични ташлаб, чолғуни олмасам эдим, Туроним таланмас эди!..

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўқмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқроп этарга келдим, **ХОҚОНИМ.**

Мени қўйма!

Мен ёлғиз ёзиқларимни иқроп этарга эмас, Туронга бердигим зарарларни тўламоқ учун келдим, **ХОҚОНИМ.**

Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони!

Меним ёзуқларимдан ўт,

Мени қўлимни тут,

Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлиғини қайтармасдан бурун аёғларингга ўтирмасман.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (Темур олдинда). Сочма. «Хуррият» газетасининг 1917 йил 31 октябрь 47-сонида ilk бор эълон қилинган. Қайта нашири: «Фан ва турмуш» ж., 1990, 9-сон, 7-бет.

** қарлуқ темурлар — темир панжаралар.*





Ўзбегим

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

*Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёнишон, ўзбегим.*

*Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўхна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.*

*Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим.*

*Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча хоҳон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.*

*Тоғларинг тегрангда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашиминг,
Чашми гирён, ўзбегим.*

*Қайсару Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тиғига
Кўкси қалқон, ўзбегим.*

*Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошинга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.*

*Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эмадинг,
Сен – Муқанна, сарбадор – сен,
Эрксевар қон, ўзбегим.*

*Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, на санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон, ўзбегим.*

*Маърифатнинг шуъласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.*

*Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Кўйди нарвон ўзбегим.*

*Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.*

*Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.*

*Мирза Бобур – сен, фиғонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди тугён, ўзбегим.*

*Шеъриятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.*

*Йиғлади фурқатда Фурқат
Ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афғон
Қилди афғон, ўзбегим.*

*Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта достон, ўзбегим.*

*Ортда қолди кўхна тарих,
Ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.*

*Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуришиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуълаафшон, ўзбегим.*

*Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул.
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон ўзбегим.*

*Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон ўзбегим.*

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.*

*Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.*

*Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.*

*Қайга бормай, бошда дўптим,
Ғоз юрарман гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.*

*Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ сугу туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим!*



“ВАТАН” ҲАҚИДА...

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати аъзоси

Киши бугунги дунёга, атрофда бўлаётган воқеа-ходисаларга теран назар ташлар экан, кўнглида бир хавотирли ўй кечиши шубҳасиз: инсониятни яқин истиқболда нималар кутади, эртанги ҳаёт қандай бўлади?

Жаҳонда кундан-кун авж олаётган турли даражадаги низолар, қонли тўқнашувларнинг охири борми? Буюк тамаддунлар ижодкори, ҳаёт гултожи бўлган банибашарнинг кибру ҳавоси ва кўздан пана турфа амбициялари ўз уйи – она сайёрамиздаги ҳаётни оёқлатиб қўймайдими? Тинчлик, ҳамжиҳатлик ва глобал фаровонлик қачондир бир кун ер юзида ҳақиқатга айланадими?..

Албатта, ушбу ўйлар одамга оғир ботади, қалбини оғритади. Аммо айни пайтда кўнглидан бундай кечинмалар кечаётган одамни пессимист, деб айблаб ҳам бўлмайди. Зотан, дунёнинг бугунги манзараси бунга изн беради.

Учинчи минг йиллик – интеллектуал аср. Буни айни дамда закий олим ҳам, оддий одамлар ҳам бирдек тан олади. Инсоният ақлбодар қилмас ихтиролар, мўъжизалар яратувчиси сифатида ўзининг энг юксак камолот нуқтасига эришди. Гарчи бугун ҳам халқаро вазиятга нисбатан “нотинч”, “қалқиб турибди”, “олдиндан ҳеч нарсани тахмин қилиб бўлмайдиган” сифатлари қўшиб ишлатилаётган бўлса-да, ҳарқалай ўтган минг йиллик “совуқ уруш асри”га яқун ясади: инсоният икки қутбли

дунё “қолипи”ни синдириб, глобал тараққиёт сари юзланди. Хўш, шу билан олам гулистон бўлиб қоладими? Энди хотиржам яшаш мумкинми?

Ғарбдаги нуфузли ақл марказлари, кўплаб атоқли олимларнинг келажак ҳақидаги фикри шуки, эндиги урушлар жанг майдонларида, қурол-яроғлар воситасида эмас, балки тамаддунларо тўқнашувлар фонида кечади. Бу, шубҳасиз, билим, илм-фан ва техника, инновациялар ривожига билан боғлиқ масаладир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм ва таълим тарбия ҳақида, фарзандларимизнинг китоб ўқиши, замонавий илм-фан, дунё тилларини пухта ўзлаштиришлари ҳақида кўп ва куйиниб гапиришининг асл сабабини айни шу омиллардан қидирсак, тўғри бўлади. Ва ниҳоят миллат лидери томонидан илгари сурилган тарихий ғоя – “Учинчи Ренессанс” айнан шу – замонавий дунёда кечадиган эврилишлар, янгиланишларга мослашиш билан бирга инсоният ҳозирлик кўраётган глобал маданият – янги умумтамаддунга интеграция бўлиш мақсадини ҳам ўзида ифода этади.

Илм-фан, миллатнинг интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва маданий тафаккурини юқори босқичга кўтариш Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади этиб белгиланишининг асосий сабаби ҳам шу аслида.

Бугун биз сизга тақдим этишга жазм қилаётган “Ватан” журнали муҳтарам Президентимиз олдимизга қўйган бу муқаддас ғояни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишда восита вазифасини бажаради, дея ният қиламиз. Зотан, илмий-оммабон, ижтимоий-сиёсий форматдаги ушбу журнал ўз саҳифаларида мамлакатимиздаги энг илғор фикрли зиёлилар, олим ва сиёсатчилар учун жой беради.

Бундан ташқари, журнални ташкил этишдан кўзланган яна бир муҳим мақсад борки, буни айтиш, албатта, бизнинг вазифамиз: барчамиз кўриб, билиб турибмиз, бугун давлатимиз ўзгарди. Бугунги Ўзбекистон кечагисидан тубдан фарқ қилади. Буни, энг аввало, давлатнинг, жамиятнинг очиқлигида, одамларимизда эркин фикр ва дунёқараш шаклланаётганида кўриш мумкин.

Президентимиз бошлаган ислохотлар бугун нафақат сиёсий мазмунда, балки мафқуравий маънода ҳам ВАТАН сўзига, туйғусига ўзгача, янги маъно бахш эта олди. Эндиликда илгари ёпиқ бўлган чегаралар оша мусофирликда ёки тақдир тақозоси билан бошқа элларда яшаётган ватандошларимиз, миллатдошларимиз учун ҳам Ўзбекистон очилди. Улар энди бизга бегона эмас – ватандош, миллатдош ва маслакдошдир.

Айни дамда кўнглимдан кечаётган бир ўйни айтмасам бўлмас, деб ўйлайман. Ватанпарварлик, элпарварлик ва миллатпарварлик каби туйғулар гарчи азалий ҳодиса бўлса-да, юқорида айтганимиздек, бугун уларнинг моҳияти хийла теранлашди. Биз бу қутлуғ тушунчаларни эндиликда нафақат минбарлардаги баландпарвоз маърузалар матнида, балки бир мўъжиза ўлароқ ўз ҳаётимизда кўра ва ҳис қила бошладик. Бундай тарихий эврилиш эса, шубҳасиз, миллатпарвар Юртбошимизнинг ўз халқига, Ватанига бўлган сўнмас муҳаббати ижобати, деб биламан. Зеро, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон”ни қуриш ғоясида халқимизга фаровон ҳаёт яратиш, унинг кадр-қиммати, ғурури ва шаънини улуғлашни асосий мақсад қилиб олган, десам адашмайман.

Журнал саҳифаларида хориждаги ўзбекистонликларнинг ижодига, илмий ўй-фикрларига, Ватан ҳақидаги дил сўзларига ҳам кенг ўрин берамиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу нашр азиз Ўзбекистонимизни ўзига Ватан билган, унинг дарди билан яшаётган, қувончу ютуқларини қалбидан ўтказиб, шу азиз юртга садоқатини, меҳру муҳаббатини кўрсатишни истаган ҳар бир Ватан ўғлонига минбар беради.

Зеро, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад жонажон юртимиз – Янги Ўзбекистон имижини кенг жамоатчилик ва академик доираларда оширишга ҳисса қўшиш ҳамда ўқувчиларни бугун дунё илм-фанида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида кечаётган тенденциялар билан яқиндан таништиришдир.

Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, барча зиёлиларимиз, олимларимизни янги нашр – “Ватан” билан ҳамкорлик қилишга чақириб қоламан.



Долимжон САЙФУЛЛАЕВ,
Қозоғистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

*Ёзувчи, педагог, тар-
жимон.*

1969 йилда Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилган.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Маърифат маскани”, “Қозоқча – ўзбекча луғат”, “Ўзбекча – қозоқча луғат”, “Адабиёт ва абадият”, “Бир этак юлдуз”, “Одил Ёқубов. Ҳаёти ва ижоди” китоблари муаллифи.

Қозоқ адабиётидан кўплаб адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Айни вақтда Қарноқдаги Маҳмуд Қошғарий номидаги мактаб-лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Баъзида одатий кўринган муносабатлар ҳам теран мушоҳадаларга чоғлаши мумкин. Яқинда жияним билан кечган қисқа суҳбат бунга мисол бўла олади:

– Анов куни сизни қидирсам, янга Ўзбекистонга кетган деди. Яхши бориб келдингизми?

– Шукр, раҳмат, – дедим мен. – Ақсуатлик дўстим Нурланнинг тоби қочган экан, операция қилдириб келдик.

– Ие, – деди у ҳайратини яширмай. – Дўстингизни операция қилдиргани Ўзбекистонга бориб-келдингизми?

– Ҳа, – дедим мен. – Намунча ажабланмасанг? Мен Европа ё Хитой демадим-ку! Тошкентга бориш ҳозир ўзимизнинг Нур-Султан ёки Олма-отага бориб-келишдек гап бўлиб қолибди-ку!

– Тўғри-куя, – деди у қимтинибгина. – Аммо бегона жой, бегона юрт...

Мени чуқур ўйлашга чорлаган нуқта суҳбатнинг мана шу жойида эди. Тўғри, Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақил, суверен давлатлар. Аммо бу қўшни халқларни бирини-биридан “бегона”лаштирадиган, “ўзга”лаштирадиган омил эмас. Ҳолбуки, аجدодларимиз неча минг йиллар давомида аралашиб, қуданда бўлиб яшаб келишган. Ҳозир ҳам Қозоғистонда юз минглаб ўзбеклар, Ўзбекистонда кўплаб қозоқлар яшашади. Жиянимдаги тафаккур тарзига эса орадаги 10-15

йиллик нимрасмий совуқчилик сиёсати асорати ўлароқ қараш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, давлатларимиз ўртасида анча муддат совуқ бўлмаса-да, бегоналикни, хавотир ва ишончсизликни ифодаловчи муҳит ҳукмронлик қилди. Буни совдо-социкдаям, чегараю сув масалаларидаям ва ҳатто қўшни халқларнинг “борди-келди”сида ҳам кўриш мумкин эди.

Хўш, бугун-чи? Бугун вазият мутлақо бошқача. Янги Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ҳоки-

миятга келган дастлабки йилларданок қўшни мамлакатлар билан баҳели масалаларга ечим топишга киришди. 2017 йилда Қозоғистон билан Ўзбекистон чегараларининг туташган ҳудуди тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Натижада эса йиллар давомида ёпилиб қолган йўллар очилиб, автобус, темир йўл ва ҳаво транспорти бўйича янги-янги қатновлар йўлга қўйилди. Тақдир тақозоси билан икки давлат ҳудудида яшаб қолган опа-сингил, ака-укалар, қариндошуруғ ва дўсту биродарлар бир-бирлари билан эркин дийдор кўришиш имконига эга бўлди.

Ўзаро ишонч ва самимиятга асосланган дўстона ҳамкорлик муносабатлари изчил кенгайтири. Савдо-иқтисодий алоқаларимиз максимал даражага чиқаяпти. Хусусан, 2023 йилнинг январь – сентябрь ойларига кўра, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ташқи савдо айланмаси қарийб 3,5 млрд. долларни ташкил қилди.

Албатта, бундай кўрсаткич ва имкониятларнинг юзага келишида, шубҳасиз, Юртбошилар – Қасим Жомарт Тоқаев ҳамда Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббускорлиги, ирода ва қатъияти алоҳида ўрин тутмоқда.

Бундан бундан дунё ҳақли равишда эътироф этмоқда. Ҳатто, Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатларини “Марказий Осиёда етакчилик учун кураш”га йўйган айрим таҳлилчилар ҳам бугун мамлакатларимизаро ўзаро фаол муносабатларни кўриб, “минтақавий ҳамкорликнинг янги тўлқинлари” юзага келганини таъкидлашмоқда.

Бу, ҳеч шубҳасиз, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини

мустаҳкамлаш Қозоғистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам манфаатли эканини яққол намоён этади.

Президентимиз Қасим Жомарт Тоқаев бу ҳақда фикр билдираркан, жумладан, шундай деган эди:

“Биз биродар қўшни Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз, буни Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг жуда муҳим омили деб биламиз”.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор барча соҳаларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқотлар кўпайди. Томонлар қонун ижодкорлиги, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида мунтазам равишда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини амалга оширмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам жадал ҳамкорлик олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йили Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”, деб эълон қилинди. Бундан қарангки, ўша йили Ўзбекистон раҳбарининг буюк шоир ва мутафаккиримиз Абай Қўнонбоев ижодий меросини ушбу юртда кенг ўрганиш ҳамда тарғиб этиш тўғрисида қарор имзоланганини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас. 2019 йилда Ўзбекистонда ҳам “Қозоғистон йили” кенг нишонланди.

200 дан ортиқ мамлакатлараро турли кўргазмалар, концертлар, театр гастроллари, маданият ва кино кунлари ташкил этилди.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчи ва талабалар, ўқув-услубий материаллар алмашинуви кескин кўпайди. Айни вақтда Қозоғистон университетлари Ўзбекистоннинг 50 дан ортиқ олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларига эга.

Бундан ташқари, транспорт-коммуникация соҳасида ҳам истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. Учқудуқ-Қизил-Ўрда участкасида янги йўлак барпо этилаётгани, “Туркистон-Тошкент” тезюрар темир йўлининг ишга туширилиши шулар жумласидандир.

Умуман олганда, Қозоғистон ҳам, Ўзбекистон ҳам барқарор тараққиёт йўлидан жадаллик билан одимлаб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг азму шижоати мамлакатларимиз раванқига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

Дарвоқе, дўстим Нурлан ҳақида ёзганим. Бугун у оиласи бағрида ҳаётдан мамнун бўлиб яшамоқда. Ва бунинг учун ўз оғанилари – ўзбекистонлик шифокорлардан миннатдор.

Илоҳо, мана шундай ҳамжиҳатлигимиз боқий бўлсин!

БИЗНИНГ ҲАМ ЖУРНАЛИМИЗ БЎЛАДИ

Ўрта Осиёни Ҳиндистон, Эрон, Яқин Шарқ, Хитой ва Ўрта ер денгизи ҳаврасидаги мамлакатлар билан боғлаб туришда муҳим аҳамиятга молик бўлган Хўжанддан Темур Малик, Абдумажмуди Хўжандий, Маҳасати Хўжандий, Камол Хўжандий, Муҳаммадаминхўжа Кошиф, Абдулло Фаёз, Тошхўжа Асирий, Ҳожи Юсуф Мирфаёзов, Муҳаммад Осимий сингари ҳарбий саркардалар, олимлар, шоирлар етишиб чиққан.

1897 йил Хўжанд шаҳрида косиб оиласида туғилган Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий Ўзбекистон Фанлар Академияси биринчи президенти эди. 1924 йилда педагогика техникумининг биринчи битирувчилари кейинчалик ўзбек маънавияти ва ўзбек таълими баҳорини жаҳонга олиб чиқувчи “ўн уч қалдирғоч” номи билан тарихда қолди. Бу ўн уч қалдирғочга академик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий парвоз баҳи этган эди. “Улуғбек ва унинг илмий мероси” фундаментал йирик асари унга катта шуҳрат келтирди. Ўз халқи-га муҳаббат, фидойилик, маърифатпарварлик ғоялари билан “Ўзбекистон зиёллари оқсоқоли” номини олган Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий 1970 йилнинг 17 мартида Тошкентда вафот этган.



Илҳом ЮСУПОВ,
Тожикистон Республикаси
Суғд вилояти “Ўзбеклар
маънавият ва маърифат
маркази” раиси,
педагогика фанлари номзоди

Адиб, педагог, жамоат арбоби.


1962 йилда Суғд вилояти Спитамен тумани Лангар қишлоғида туғилган. 1985 йилда Ленинобод давлат педагогика институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Сирдарё давлат педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлаган. Мазкур таълим муассасасида 2000 йилларгача ишлаган. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат маркази» Сирдарё вилоят бўлимининг раҳбари сифатида ҳам фаолият юритган. Кейинчалик Тожикистонда тижорат-шибилармонлик билан шуғулланган. «Суғд ёғдуси» журналида ишлаган. Ҳозир Тожикистон Республикаси Суғд вилояти “Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” жамоатчилик ташиклоти раҳбари.

Ҳа, ҳам жуғрофий, ҳам маданий-маърифий жиҳатдан икки республика ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган Хўжанд Янги Ўзбекистоннинг ислохотчиси сифатида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Ягона тарих – умумий келажак” ғояси нечоғли аҳамиятга молик эканининг амалдаги исботидир.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали каби икки тилли бир халқ шоирлари тараннум этган ўзбеклару тожикларнинг самимий ва соф дўстлиги Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларидаёқ дунё аҳлига намоён бўла бошлаган эди. Самарқанд шаҳрида Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўзбек ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари – Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийга ҳайкал ўрнатилган бўлса, Душанбе шаҳрида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда икки буюк сиймонинг ҳайкали қад ростлади.

“Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” вилоятимизда 2010 йилдан бери фаолият юритиб келаётган бўлса-да, сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев эътибори ва хайрихоҳлиги таъсирида янгича қарашлар шаклланди, истиқболга ишонч ортди. Зеро, миллий маънавиятимиз равнақи, халқ маърифатининг юксалтирилиши Тожикистонда яшаётган ўзбекларни ҳам жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан бахраманд этиш имконини яратади. Бугун шу мақсадлар йўлида “Маънавият” газетаси, “Шарқнома” журнали ўзбек тилида чоп этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Хўжандга ташрифи чоғида замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари – антологияларини нашр қилишни таклиф этган



эди.
Бугун-
ги кунда
Ўзбекистонда

чоп этилиши ният қилинаётган “Ватан” журнали ҳам, шубҳасиз, ўзимизники бўлади. Насиб этса, янги журнал билан ўзимизнинг “Маънавият” газетаси, “Шарқнома” журнали ўртасида алоқалар боғлашга, бир-биримизнинг қизиқарли материалларимизни кўчириб босишга, шу тариқа қулочни янада кенгроқ ёйишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бу муқаддас замин барчамизники. Қадим-қадимдан елкадош, қондош-қариндош халқлар қалбида яшаган Ватан яна бардавом эканига ишончимиз комил.

Янги нашр билан ҳар икки республикадаги ўқиб-ўрганишга иштиёқманд мухлисларни, ижод аҳлини самимий табриклайман. Муборак бўлсин!





Бегижон АҲМЕДОВ

Ёзувчи, тарихчи, драматург, таржумон. Қирғизистон ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаларининг аъзоси. Қирғиз Республикаси маданиятининг аълочиси. Халқаро Кувайт ва Бобур номидаги Андижон давлат университетларининг фахрий профессори. 18 та китоби нашр этилган, асарлари жаҳоннинг ўн та тилига таржима қилинган, “Сайёҳ” асари Қирғизистонда “2020 йилнинг энг яхши китоби” деб расман эътироф этилган. 300 дан ортиқ илмий-оммабоп мақоланинг, пьеса ва ҳужжатли фильм сценарийсининг муаллифи. Мавлоно Румий номидаги Халқаро илмий-маърифий фонднинг раҳбари.

БИЗ ТУРКИСТОН ТОҒЛАРИ ВА КЕНГ ЧЎЛЛАРИДА БИРГА ЯШАЙМИЗ

Марказий Осиё республикалари ҳали ўз мустақиллигини қўлга киритмаган кезларда, 1988 йилда марказий “Правда” газетасида таниқли адиб Чингиз Айтматов “Омонлик дарахти” деб номланган тарихий мақоласини эълон қилган эди. Мақоладаги “Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини қўҳна Византиянинг қадимги Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган шундай ҳурматга лойиқ”, деган сўзлар ҳанузгача халқларимиз қалбида мустаҳкам ўрин олиб турибди.

Қирғиз элининг буюк оқини, Қирғизистон халқ шоири, Қирғизистон Фанлар академияси академиги Али Тўқумбоевнинг “Алишер Навоий” деб номланган шеъри ҳар икки халқ шеърият мухлис-ларига ёд бўлиб кетган.

*Алишер, сенинг тилинг — менинг тилим,
Алишер, сенинг дилинг — менинг дилим.
Кел, бирга жўр бўлайлик, орзуларинг
Очилди чаман бўлиб мана бугун.*

Ўзаро самимий муносабат, меҳру муҳаббат, тил ва дил бирлиги икки қондош ва жондош халқнинг оддий турмуш тарзидан тортиб дунёнинг глобал муаммоларини ҳамжиҳатликда ҳал этишда ҳам намоён бўлади.

“Ватан” журнали чоп этилаётганини эшитиб нега қувондим?

Интернет, ижтимоий тармоқларнинг ўргимчак сингари бугунги глобал дунёни қамраб олиб, оммавий маданиятнинг урчиши енгил-елпи қарашлар билан барчани банд этиб қўйди. “Ватан” сўзининг ўзиёқ муқаддас тушунча сифатида кишини ҳушёр торттиради. Биз киммиз? Қаёққа қараб боряпмиз? Мақсадимиз нима?

Ўйлайманки, бугунги кунда инсониятни қийнаётган бундай саволларга жавоб топишга “Ватан” журналининг ўз ўрни бўлади. Шу йўлда унинг барча ижодкорларига муваффақият тилайман!



Жаббор ЭШОНКУЛ,
филология фанлари
доктори, профессор

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетини тугатган (1991). 1996 йили «Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини» мавзuida номзодлик, 2010 йилда «Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини» докторлик диссертациясини ёқлаган.

«Асрларга тенгдош қўшиқлар» (1991), «Фольклор: образ ва талқин» (1999), «Эпик тафаккур тадрижи» (2006), «Алпомиш» достонининг изоҳли луғати» (2006), «Шабнамдаги ой акси» (2006), «Рустамхон» (2008), «Малика Айёр» (2009), «Ойчинор» (2009), «Наврўз нашидаси» (2009), «Наврўз қўшиқлари» (2010), «Ўзбек фольклори библиографияси» (2010) каби китоблар ва 200 дан ошиқ илмий мақолалар муаллифи.

Айни вақтда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори.



УНДАН АЙРО БАХТ БЎЛМАС

Ватан ҳақида кўп ва ҳў ёзилган. Бу саволга турли даврларда турлича жавоб берилган, турлича англатилган, англанган. Ҳамма ўз жавобини излаган, ҳамон жавоб изланади. Кимдир она юрт кенгликларидан, тарихий ашёлардан, археологик топилмалардан, яна кимдир она алласидан, бошқа биров эса бахшилар куйлаган достонлардан...

Ватан сарҳадлари кўнгилдан бошланиб, кўнгилда тугайди, дейилади бахшиларимиз куйлаган достонларнинг бирида. Шунинг учун ҳам, балки аجدларимиз кўнгил тарбиясига кўпроқ эътибор бергандир? Тилидаги сўзи, айтган қўшиғи, афсонаю эртакла-

ри, куйлаган достонлари кўнгилдан чиққан, кўнгилларга етиб борган.

Бахшилардан мерос бўлиб келаётган “Алпомиш” эпоси қандай достон эди, сўралса, содагина қилиб, боболаримиз ардоқлаб келган макон – муқаддас юрт ҳақида деб жавоб бериш мумкин. Бахшилар

тили балан айтганда: Ватандан айро бахт бўлмас...

Халқ дostonларида барча қаҳрамоннинг сафари ўз юртидан, ўзга юртга бўлади, барча қаҳрамонликлар Ватан учун бўлади. Ватан учун жон олади, Ватан учун жон беради. Ватанни унутганда фожеаларга юз тутади, Ватанга қайтганда бахтини топади.

Бойсун, Қўнғирот шунчаки бадий тўқима эмас. Бу қадим аждодларимизнинг муқаддас Ватан ҳақидаги қадим тушунча ва тасаввурларининг ҳосиласи. Қаҳрамон тақдири ҳамиша Ватан билан чамбарчас боғланган бўлади.

“Алпомиш” дostonидаги энг катта фожеа нима? Ички адоват, майда манфаатлар, миллий низолар туфайли эл орасида тотувликнинг йўқолиб, пароканда ҳолга келиши, юртнинг вайрон бўлиши. Кейин эса шу элни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган Алпомиш каби қаҳрамонларнинг туғилиб, элда тинчлик, осойишталик ўрнатилади. Ҳазонга юз тутган боғлар яна гулга киради, қулаган тоғлар юксалади. Эл яна ўз қаддини тиклайди. Юрт обод, эл фаровон бўлади.

“Алпомиш” дostonида Алпомиш туғилиб, маълум бир баҳоғат ёшига етгунга қадар Алпинбийдан қолган камон кўлда занг босиб ётган ҳолда тасвирланади. Камон бу салтанат, давлатчилик тимсоли. Халқ катта бир давлатчиликни, юксак бир тамадунни бошидан кечирган. Чунки улкан бир давлатчиликни бошидан кечирмаган халқнинг “Алпомиш” каби эпоси бўлмайди. Эпос давлатчиликни бошидан кечирган халқлар тарихининг бадий ҳужжатидир. Шундай бўлмаганида аждодлардан келаётган муқаддас тарихни бахшиларимиз кейинги авлодга бундай бус-бутун ҳолда етказмаган бўларди. Зеро, эпик ижод ҳар бир халқнинг бадий тарихидир. Ҳали ёзув кашф этилмасдан олдин аждодларимиз ўз тарихини жонли СЎЗГА – бахшиларимиз ижро қиладиган дostonларга муҳрлаганлар. Бу дostonлар оғзаки ижро этилган, оғзаки тарзда

мерос қолдирилган. Бу санъатнинг энг муҳим жиҳати, бахшиларимизнинг жонли ижросида ТИРИК СЎЗ тимсолида олис ўтмишдан бугунги кунимизгача яшаб келаётганидир.

Дostonнинг илк жумласидаёқ аждодларимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ тасаввурлар мустақкам ўрин олган. Демак, мазкур ҳолат дostonнинг мифологик қатлами, юзага келиш даврига ҳам маълум даражада аниқликлар киритади. Бошқача айтадиган бўлсак, халқнинг кўп минг йиллик тарихи, тафаккур тарзи ҳақида жуда бой ва қимматли маълумотлар беради.

Дostonларда ишқ-муҳаббат, инсоний муносабатлар, оила мавзуи муҳим ўрин тутади. “Алпомиш” дostonида бир оила тарихи

асосида бутун бир уруғнинг, миллатнинг тарихи ҳикоя қилинади. Турли хил сабаблар туфайли парчаланиб кетган миллат оғир синовлардан сўнг яна қайта бирлашиши, оила бахти, миллатнинг, юртнинг ор-номуси, шону шавкати учун кураш қаҳрамонлик эпосининг бош ғоясини ташкил этади.

“Алпомиш” дostonида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланади. Зеро, туркий халқлар тарихининг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган. Ўзаро бўлинишлар, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира ол-





ган Алпомишга ўхшаш янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих сахнасидаги олдинги юксак мавқеи яна қўлга киритилган. Худди шу каби воқеаларнинг, қадим мифологик тушунча ва тасаввурларнинг бадиий ифодаси “Алпомиш”нинг асл моҳиятини ташкил этади.

“Алпомиш”даги мифологик қатламнинг қадимийлигини, нафақат ўзбек, балки барча туркий халқларнинг ғурури ва фахри бўлган бундай асарлар жаҳон адабиётининг нодир намуналари, деб ҳисобланган “Одиссея”, “Калевала”, “Махобхорат”, “Небулинглар қиссаси” каби асарлар билан бир қаторда тура оладиган, улар билан бўйлаша оладиган буюк асарлар эканлигидан далолат беради.


Кейинги пайтларда мамлакатимизда халқ оғзаки ижодига, бахшичилик санъатига жуда катта эътибор берилляпти. Шу қисқа вақт мабойнида Термиз, Нукус ва Гулистон шаҳарларида Халқаро бахшичилик санъати фестивали кенг миқёсда ўтказилди, ихтисослашган санъат мактаблари ташкил этилди, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” кўп жилдлиги нашр этиляпти. Буни кейинги йилларда мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди, маданият ва санъатимизга бўлган юксак эътиборнинг бир нишонаси, деб айтишимиз мумкин.

Бахшичилик санъати мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси бўйича репрезентатив рўйхатига киритилди. Яъни бахшилари-

миз томонидан ижро этилган дostonлар, шу соҳада мамлакатимизда олиб бориляётган ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилди.

“Алпомиш”да халқимизга хос бўлган, мардлик, жасорат, эрка бўлган ташналик, бағрикенглик, яратувчанлик каби хислатлар ўз ифодасини топган. Халқимизнинг қадим турмуш тарзи, маданияти, тафаккур тарзи, давлатчилик билан боғлиқ қарашлари ушбу нодир достонимизда муҳрланган. Бу дostonни жаҳон адабиётининг энг ноёб намуналари билан қиёслаб битта хулосага келиш мумкинки, бахшилари-мизнинг эпик билими, хотираси, Ватан ҳақидаги боқий тасаввурлари ҳайратланарли даражада.

Бахшиларимиз томонидан куйланиб келинаётган “Алпомиш”га ўхшаган дostonлар шунчаки бадиий сўз санъати намунасигина эмас, балки халқимизнинг кўҳна тарихи, ўтмиши, бугуни ва келажакни ўзида мужжасам этган қомусий қадрият, миллий маънавиятимизнинг асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.



Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириши билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишига қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашига доимо даъват этиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўлаган табригидан

БУЗИЛМАС ҚҰРҒОН

Қозоқбой Йўлдош,
педагогика фанлари доктори,
профессор



XX асрнинг бошларида ҳам миллат тушунчасининг тил бирлиги, ҳудуд бирлиги, бозор бирлиги, маданият бирлиги, психологик бирлиги сингари бешта белгиси бор эди. Глобаллашув қарқини (суръати) бугунга келиб, очундаги кўпчилик миллатлар учун бу бирликларнинг тўрттасини деярли йўққа чиқарди. Ҳозирги кунда ёлғизгина тил миллатнинг миллатлигини сақлайдиган қўрғон бўлиб турибди. Агар қайсидир этнос шу бирликни ҳам бой берса, ўз миллий қиёфасидан маҳрум бўлади. Шу боис бугун ҳар бир миллий тил ҳар доимгидан ҳам кўпроқ ҳимоя ва парваришга муҳтож.

Ўзбек учун тил ҳеч қачон фақат алоқа воситаси бўлмаган. Азалдан миллатимиз тилга ахборот бериш-

дан, алоқа қилишдан ташқари, тилак, муомала-муносабат, орзу-истак сингари яна кўпгина вазифаларни бажарадиган сирли ва илоҳий ҳодиса тарзида ёндашиб келган. Халқимиз сўзни ўта нозик ҳис этган, уни жуда эҳтиёткорлик билан ўйлаб ишлатган. Сўзнинг тўғрилигидан ҳам қўра, унинг ўрнида ва керагидай айтилиши муҳим саналган. Шу боис боболаримиз имкон қадар ёмон маъноларни англаувчи сўзларни қўлламакликка, уларни юмшоқроғи билан алмаштириб ишлатишга уринганлар. Ўзбекда “ўлим”, “касал” сўзлари деярли ишлатилмаган. Халқ ҳеч қачон “фалончи ўлибди” демаган, албатта, “фалончи қайтиш қилибди” ёки “пистончи бўмай қопти” деган. Ўзини биладиган ўзбек шу вақтга қадар “касал бўлдим” ёки “касал экан” деган эмас. У

ҳамиша “тобим қочди”, “мазам бўлмади” ёхуд “тумовлабди” каби юмшатовчи сўзларни қўллаган. Худди шу каби ўзбекнинг эркаги аёлини “хотиним”, аёли эркагини “эрим” демаган. Улар бир-бирларини “келинчагим”, “аёлим”, “онаси”, “келинингиз”, “синглингиз”, “опангиз” ёхуд “кўёвим”, “хўжайиним”, “отаси”, “укангиз”, “акангиз” дея атаганлар. Бугунги кунга келиб тилимиздаги мана шу табиий майинлик (эвфемизим) ўрнини Кунботишга хос яланғочлик, пардасизлик олиб бораётгани ташвишлидир. Бугун аёллар бемалол “эрим”, эркаклар эса “хотиним” дейишдан тортинмагани каби “касалман” деган сўз ҳам салкам ифтихор билан айтиладиган бўлиб бораётир. Холбуки, тилнинг бузилиши руҳнинг бузилишидан белгидир.



Оммавий маданият қай бир даражада омманинг маданийлашувига ҳам туртки беради. Ана шу маданийлашувнинг сифат ва савияси қандайлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар бу маданийлашув миллий илдизлардан озикланган ҳолда очун тамаддунига хос эзгу жиҳатларни ўзига сингдирган ҳолда юз берса, миллатнинг даражаси юксалади. Мабодо, маданийлашув кўр-кўрона тақлидга асосланиб, ўзгаларга эргашиш йўсинида борса, шаксиз, маънавий таназзул рўй беради. Мана, ўзбек тили давлат тили сифатида қонун ҳимоясига олинганига ҳам ўттиз тўрт йил бўляпти. Очик айтиш керакки, ўтган давр мобайнида миллий тилнинг тараққиёти учун қилинган ишлардан кўра ҳали қилинмаганлари кўпроқлигича турибди. Ёмони шундаки, ота тилимиз қўлланишининг кенгайиши ва тараққиётга бирор

ташқи омил эмас, балки фақат ички факторлар тўсиқ бўлмоқда. Оммавий ғурурсизлик, миллатнинг ўзлигини билдирадиган қадриятларга нисбатан лоқайдлик ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайиши, ифода тарзининг гўзал бўлишига халақит бермоқда.

Тил миллат тафаккури ва руҳиятининг даражасини аниқ акс эттирувчи барометрдир. Ҳар қандай миллат руҳияти ва тафаккурининг савияси ягона миллий тилнинг мавжудлиги ва жамият аҳлининг ундан қай йўсин фойдаланилаётгани билан белгиланади. Агар тил ўз миллий қонуниятлари асосида ривожланаётган бўлса, миллий руҳият ва тафаккур ҳам соғлом ўсиш жараёнини кечираётган бўлади. Агар тилда унга ёт унсурулар кўпайиб кетса, миллий тафаккур ва руҳият ўз илдизидан узоқлашгани ойдинлашади. Шу маънода бугун ўзбек тили ҳимояга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Ачинарлиси шундаки, бугунга келиб ўзбек тилини бошқалардан эмас, ўзбеклардан ҳимоя қилишга тўғри келмоқда. Миллий тилнинг ҳолатига оммавий бепарволик, ундан фойдаланишдаги савиясизлик ва пала-партишлик, кўпчилик амалдорларимиздаги ғурурсизлик, ўз тилида ҳужжат тайёрлашга уқувсизлик, ўзини уринтиргиси келмай, ялқовлик билан тайёр қолиплардан фойдаланишга ўчлик ўзбек тилининг қўлланиш кўлами кенгаймаслигига сабаб бўлмоқда. Ҳеч қандай ташқи зуғум бўлмагани ҳолда ўз тилига эътиборсизлик ва нописандлик авж нуқтасига етганлиги мустақил юртнинг аҳолисида ҳали фикр ва руҳият мустақиллиги

тўла қарор топмаганини кўрсатади. Айтиш керакки, ҳукумат тилнинг кенг миқёсда қўлланиши ва ривожлантирилиши учун қилиниши мумкин бўлган деярли барча чора-тадбирларни кўрди. Тилни ривожлантириш бўйича алоҳида департамент тузилгани, ҳар бир ташкилотда давлат тили бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий қилиниши дунё тажрибасида кўрилмаган ҳолатдир. Лекин бу тузилмаларнинг фаолияти мутлақо самарасиз эканлиги кўп жиҳатдан миллий аҳоли қатламларининг интилиш ва савияси даражасига боғлиқ.

Шу ўринда ҳар қандай этноснинг чин маънода миллатга айланиши учун бир тилда сўзлашиши кераклигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар қандай этнос аҳли ўзаро битта адабий тилда сўзлаша бошлаган вақтдан бошлаб миллатга эврилади. Афсуски, биз ҳақимизда бундай деб бўлмайди. Чунки кўпчилик ўзаро алоқа-аралашувда, ҳатто, радио-телевидение сингари матбуот воситаларида ҳам шевачиликка ружу қўйиб борилмоқда. Ҳатто ҳукумат таркибидаги, вазир даражасидаги расмийлар ҳам ўз шевасида сўзлашдан хижолат бўлмай қўйди. Расмий ҳукуматнинг расмий тилида сўзлашни билмаган одамнинг расмий лавозимда ўтириши мантиққа тўғри келмайди. Адабий тилни қўллаш, айримлар ўйлаганидай, фақат сўзловчининг маданий савияси ёки нутқ одобига доир масала эмас, балки миллатнинг бирлиги ва бутунлигини кўрсатиш омили бўлган сиёсий муаммо экани бундай кимсаларни мулақо

“

Тил миллат тафаккури ва руҳиятининг даражасини аниқ акс эттирувчи барометрдир. Ҳар қандай миллат руҳияти ва тафаккурининг савияси ягона миллий тилнинг мавжудлиги ва жамият аҳлининг ундан қай йўсин фойдаланилаётгани билан белгиланади.

”



ўйлантирмаяпти. Тўғри, шева – ҳар қандай миллий тилнинг туганмас бойликлар булоғи. Лекин адабий тилни шева сўзлари билан бойитиш бошқая, фикрини фақат шевада ифодалаш тамомила бошқа нарса. Этнос миқёсида тил бирлигига эришилмагунча миллий бирликка эришиб бўлмайди.

Ҳар қандай муаммо майда нуқсонлардан бошланади. Шу боис кундалик маиший турмушдаги, айримлар назарида “майда-чуйда” бўлиб туюладиган жиҳатларни ҳам назардан қочирмаган маъқул. Чунончи, шаҳару қишлоқлардаги деярли барча ўзбек ҳозирги кунда “тушлик” деган қадимий ўзбек сўзини қўйиб, ёппасига “абед” деган бегона сўзни ишлатади. “Қўқим”, “чиқит” тушунчалари фақат “мусор”; “кўприк” эса “мост”, ўзбекча “кўтара”, “улгуржи” сўзлари “оп-

тим” билан ифода этилади. Ёбончи бу сўзларни ўзбекча деб ҳисоблайдиган бутун бошли авлод шаклланди. Чунки бугунги ёшлар тилни китоблар ёрдамида эмас, балки кўпроқ сўзлашув асносида ўрганмоқдалар.

Шаҳару қишлоқларимизни “дом продаётся”, “чайхана продаётся”, “магазин продаётся” ёки “под офис сдаётся”, ёхуд “Мы открылись” тарзидаги битиклар эгаллаган. Ҳовли, чойхона, маркетларнинг мижозлари ҳам, оларманлари ҳам, албатта, ўзимизнинг одамлар. Лекин зеҳниятимизга чуқур сингиб кетган эълон ва лавҳалар ўзга тилда ёзилсагина таъсирли бўлади деган тушунчадан қутулиб бўлмаяпти. Рекламалар ҳақида-ку гапириб ўтириш ортиқча. Ҳаёти мобайнида ҳуқуқий сиқилишларга кўникиб кетган ўзбек рекламасидаги қан-

дайдири бир ёбончи сўзни ўзбекчага айлантириш кераклиги айтилса, халқаро ҳуқуқлардан дам уриб, ётиб олиб олишади.

Турли объектларнинг бегона сўзлар билан номланаётгани аҳоли орасида ўзбек тилининг мавқеи пастлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Сон-саноксиз тўйхона, емакхона, офисларнинг “Флоренция”, “Касабланка”, “Диадора”, “Боти”, “Висбун”, “Исидора”, “Тзе Гўшт”, “Ля Танбур” ва ҳоказо тарзда аталиши одамларимизда миллий ғурурнинг ўта пастлигини кўрсатадики, бунга бефарқ қараш мумкин эмас. Бунинг устига, юқори идоралар ҳам тоза ўзбекча жой номларини “Нурафшон”, “Яшнобод”, “Янги ҳаёт” сингари сунъий ва чайналган номларга айлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Янги имло қоидалари умуммил-

лий саводсизликни кўпайтиришга хизмат қиладиган йўсинда ишлаб чиқилгани ҳақида кўп гапирил-япти. Аммо қоидаларининг ўзидаги нуқсонлар камлик қилгандай, бу борадаги “ноу-хау”лар аҳволни янада оғирлаштиришга сабаб бўл-моқда. Чунончи, асрлар давомида

шаклида қаердандир пайдо бўлди ва жуда тез оммалашиб кетди. Энди радио-телевизорда ҳам, газета-ой-битикларда ҳам “ўн бешта бола-лар”, “йигирмата отлар”, “саккизта уйлар” тарзидаги ифода қўллани-ши оддий ҳолга айланди. Ҳолбуки, ўзбек тилида кўплик қўшимчаси

22-мактаб эмас, “22-сонли мактаб”. Нега? Ахир ўзбекнинг тартиб сони одам, нарса ёки ҳодисанинг тарти-бини билдиради, сонини эмас. Ти-лимизда: “Қишлоғимиздан чиққан биринчи чемпион ёки иккинчи олим”, дейилади. Зинҳор, “Қиш-лоғимиздан чиққан биринчи сон чемпион ёки иккинчи сон олим” дейилмайди. Ёмони шундаки, са-водсизлик белгиси бўлмиш бундай хатоликлар тўғри ёзувни сиқиб чиқармоқда. Чунки аксар ҳолатлар-да бу хил хатоликлар “юқори”дан келадиган ҳужжатларда учрайди. Чамаси, юқори ташкилотлар ўз рутбасини имло қоидаларидан ҳам юқори, деб билади.

Миллат илмининг ўчоғи бўл-миш Олий аттестация комиссия-сидай ташкилотда ҳам “Диссер-тациянинг амалий аҳамиятга эга натижаларидан фойдаланиш миқёси” деган жумла “Амалий аҳамиятга молик диссертация на-тижаларидан кенг миқёсда фойда-ланиш” тарзида мужмал ифодала-ниб турса ёки “14-бет” тарзидаги бирикма “Б. 14” шаклида ёзилиши қонунлаштирилса, миллат савод-хонлиги тўғрисида гапириб бўла-дими?

Нимагадир, биз ўзбеклар, оддий ва одатий нарса-ҳодисаларни ҳам бошқа тиллардан кириб келган

“**Шаҳару қишлоқларимизни “дом продается”, “чайхана продается”, “магазин продается” ёки “под офис сдаётся”, ёхуд “Мы открылись” тарзидаги битиклар эгаллаган. Ҳовли, чойхона, маркетларнинг мижозлари ҳам, оларманлари ҳам, албатта, ўзимизнинг одамлар.**”

боболаримиз кўлаб келган “Беш-оғоч” сўзини кейинги вақтда, ҳатто матбуотда ҳам “Бешёғоч” тарзида “тўғри”лаб ёзиш расм бўлган. Фор-сча “дарахт” сўзининг асл ўзбекчаси “оғоч” экани, у қирқилгандан кей-ингина “ёғоч”га айланиши мумкин-лиги ўйлаб кўрилмаяпти. Минглаб йиллик маданий қадриятларга эга ўзбек халқи бирор жойни қанчадир миқдордаги ёғоч борлиги билан мўлжал қилмаслиги, у масканни ёғочнинг номи билан аташи асло мумкин эмаслиги хаёлга келти-рилмаяпти. Бешта ёғоч ҳеч қачон кўчада муқим турмайди. “Оғоч” эса бошқа гап. Гуркираб ўсаётган беш туп оғоч ўша жой учун, аввал, мўлжал бўлиши, кейинчалик унинг номига айланиши мумкин. “Сари-оғоч”, “Кўшоғоч”, “Учтол”, “Беш те-рак” топонимлари шундан далолат беради. Фитрат “Шарқ” шеърисида: “Оғочлари яшил кийимлар кийган Терилишар топингани Тангри-га”, деб ёзади. Маълумки, “ёғоч”да яшил кийим бўлмайди, бундай ли-босни у ҳали “оғоч” эканида кийи-ши мумкин.

Бу каби “замонавий янги-лик”лардан яна бири нарсаларнинг аниқ миқдори айтилгач ҳам “-лар” кўплик қўшимчаси қўшилиши

“лар” бирдан ортик, аммо миқдо-ри аниқ бўлмаган нарса-ҳодисалар ифодаланган сўзларгагина қўшила-ди. Миқдор айтилгач, “-лар”га ўрин қолмайди. “Маҳаллада юзта энгил машина бор” дейилади.

Яқиндан бери жорий қилинган яна бир хатолик кенг ёйилиб бор-моқда. Яъни мактаб, боғча, қарор ва фармонларнинг тартиби билдирил-ган белгидан сўнг, яна “сон” сўзини ёзиш ҳам оммалашиб бормоқда.





сўзлар билан ифодалашга ўчмиз. Шунинг учундирки, туркий халқлар орасида фақат биз ўзбекларда томонлар “Шарқ”, “Ғарб”, “Шимол”, “Жануб” тарзида арабча қўлланилади. Барча қардошлар тарафларни “Чиқиш”, “Ботиш”, “Беткай”, “Терская” тарзида ишлатишсада, негадир, томонларни адаштириб қўйишмайди. Эҳтимол, бу ҳол бир замонлар боболаримизнинг бошқа туркийларга қараганда, илмий тил бўлмиш арабчага, сарой тили саналган форсчага яқинроқ, халқнинг жўн, жайдари сўзлашув тилидан баландроқ турганини билдирган. Лекин бугунга келиб, бу ҳолатлар фазилятликдан иллатга, ўзликдан йироқлашиш сабабига айланди. Биз эса ҳамон ўша баландлик ҳавоси билан юрибмиз. Натижада, минглаб ўз сўзларимиз ўрнига арабий, форсий сўзлар қўлланилади. Масалан, “соҳиб”, “молик”, “кафт”,

“лунж”, “гўшт”, “даво”, “ҳамшира” ва ҳоказо. Ҳолбуки, уларнинг “эга”, “олақон”, “урт”, “эт”, “эм”, “эмбека” сингари туркий кўринишлари ёнгинамиздаги қардошлар тилида фаол ишлатилади.

Бизда ўзга тилдан ўзлашган сўзларнинг аслидагидай ишлатилишига уринилиши ҳам ота тилининг ривожига тўсиқ бўладиган тутумлардан биридир. Ўзбекларнинг барчаси “мачит” дейди, лекин не-

гадир матбуотда “масжид” шаклида қўлланади. Арабдаги “масъул”, “аъло”, “маърифат”, “эътибор” сингари тутуқли сўзларни ҳам ҳар қандай ўзбек тутуқсиз талаффуз қилади. Лекин олдинлари айириш белгиси билан, эндиликда “тутуқ” билан ёзиш талаб этилади. Нима учун? Хатолар камайиб қолишидан хавотир сабабми? Айримлар, ҳатто, ўзлашган сўзларнинг “астойдил” эмас “аз тахти дил”, “удда” эмас,

“

Айримлар тилни халқ яратади, бинобарин, қайси сўзни қаерда ва қандай ишлатишни ҳам ўзи билади деб даъво қилишни яхши кўришади. Ҳолбуки, халқ – илоҳий-интеллектуал неъмат бўлмиш тилнинг истеъмолчиси.

”

“ухда”, бежизга” эмас, “бежиз” тарзида ишлатилиши мақбуллигини қонунлаштирмоқчи бўлишади. Бу ҳолда сўз ўзлашган бўладими ёки биз ўзгалашган бўламиз?

Бизда бегона тилдан кирган сўзки бор, тўғри-нотўғрилигига қарамай, қўллаверишга ружу қўйилган. “Услуб”, “услубчи” сўзларининг қўлланишида шу ҳолни кўриш мумкин. Маълумки, “услуб” сўзи бирор ижодкор битикларининг ўзига хослигини таъминлайдиган турли илмий-эстетик унсурлар йиғмасини англатади. Бизнинг расмий ва илмий адабиётларимизда эса бу сўз “метод”, “усул” сўзларининг муқобили сифатида қўлланилади ва шундан келиб чиқиб, “методист” тушунчаси “услубчи” сифатида “ўзбекча” лаштирилди. Услуб касб бўлмагани каби фақат услуб яратиш билан шуғулланадиган мутахассис бўлиши ҳам имконсиз. Буни “йўриқчи” тарзида ўзбекчалаштириш мутасаддиларнинг эсига келмайди.

Айримлар тилни халқ яратади, бинобарин, қайси сўзни қаерда ва қандай ишлатишни ҳам ўзи билади деб даъво қилишни яхши кўришади. Ҳолбуки, халқ – илоҳий-интеллектуал неъмат бўлмиш тилнинг истеъмолчиси. Халқ тилни яратган тақдирда ҳам, ўз тилида яратган, бегона сўзларни тиқштирамаган бўларди. Ўзбек ҳамиша ўқимишли одамларга эргашиб, улардай бўлишга интилиб яшаган. Халқ, азбаройи, ойдинларига ишончи ва ҳурмати боис, уларга тақлидан ўз тилига жуда кўп бегона сўзлар киритилишига йўл қўйган. Чиндан ҳам халқ у ёки бу ўринда қайси сўзни қўллаш ёки унинг ўрнига қандай муқобилини топиш кераклиги ҳақида бош қотириб ўтирмайди. Бу – миллат ойдинлари бўлмиш олимлар, адиблар, журналистлар, ўқитувчилар, лавозимдорлар қилишлари керак бўлган юмуш. Азалдан ўқимишли, китобга яқин миллат бўлган ўзбекнинг нутқида ўзга тиллардан кўпроқ сўзлар ки-

риб қолгани табиий ҳол. Лекин бу ҳолни қоидага айлантириш худди ўз чегарасига бепарволик қилган, унга ким кириб, ким чиқишини назорат қилмаган юртга ўхшаб, бир куни заволга элтади.

Шу ўринда биздаги имло қоидалари ўзбек тилига эмас, балки тил имло қоидаларига бўйсиндрилгани миллий тил тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил эканини ҳам таъкидлаш лозим. Оламдаги аксарият тилларнинг имло қоидаларини тайин этишда кўпроқ фонетик тамойилларга амал қилинади. Негаки, тил нутқида, сўзланганда воқеликка айланиб, моддийлашади. Тилнинг стихияси, асл қудрати сўзлашувда намоён бўлади. Агар сўзларнинг айрилиши билан ёзилишида айричалик бўлмаса, миллатнинг саводхонлик даражаси тез юксалади. Бизда эса бунинг тескариси қилиниб, тилнинг норматив талаблари ўзбек тили ва ўзбекнинг нутқида хос белгиларни эмас, балки қоидани ишлаб



чиққан кишиларнинг истакларини акс эттирган. Натижада ўзбек ўз тилининг табиатига тамомила бегона бўлган қоидаларга бўйсуниб мажбур қилинган. Шундай қоидалардан бирига кўра, “қ”, “ғ” товуши билан тугайдиган сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаси, яъни –га қўшилганда, сўзнинг ўзак-негизиди ҳам, қўшимчада ҳам товуш ўзгаришлари бўлмаслиги ва ўртоқга, ўроқга, боғга, тоғга, қулоқга, теракга ва ҳоказо тарзда айтилиши ва ёзилиши кераклиги белгиланган. Худди шу товушлар билан тугайдиган сўзларга “-и” эгалик қўшимчаси қўшилганда товуш ўзгармаслиги кераклиги борасидаги қоида ҳам тилимиз табиатига мутлақо ёт. Бунга кўра, эндиликда ўзбекчани бузиб гапирадиган чет элликлар каби “акамнинг тароқи”, “устанинг қайроқи”, “теракнинг япроқи” тарзида сўзлаш ва ёзиш керак бўлади. Кўринадики, бу ҳол тилимиз табиатига мутлақо бегона.

Ҳўш, бу каби ножоиз ҳолатларнинг илдизи, миллий тилга хос бўлмаган жиҳатлар қоидалаштирилиб, тилнинг асл белгиларига зуғум ўтказилганининг сабаби нимада? Бунга, асосан, ўзбек тилига сингармонизм, яъни товушлар уйғунлиги хослигини ҳисобга олмасликдай ноилмий қараш сабаб бўлмоқда. Ўзбек тили ўзга туркий тилларга хос бошқа барча хусусиятларга эгаю, фақат сингармонизм унга бегона деган ёндашув ўзбек адабий тилини нафақат қардош туркий тиллардан, балки ўз ичидаги шевалардан ҳам узоқлаштирмоқда. Бу – масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томондан, сингармонизмни ҳисобга олмас-



лик натижасида ўзбек тилининг товушлар тизими камбағаллашиб, шаклдош сўзлар сунъий равишда қўпайтирилиб, тилимиз омонимик тилга айланиб бормоқда.

Сингармонизм – тилда товушлар уйғунлиги мавжудлигини англададиган ҳодиса. Ўзбек тили нафақат унли, ҳатто, ундош товушлар ўртасида ҳам гармония бўлишини талаб қилади. Тилимизнинг гўзаллиги айни шу хусусиятида намён бўлади. Сингармонизм ўзбек тилидаги унли товушларнинг сони худди қардош қозоқ ва қорақалпоқлардаги каби камида тўққизталигини тан олишни тақозо этади. Ҳолбуки, бугунги ўзбек адабий тилида унлиларнинг бор-йўғи олтмиш фоизигина ўз ҳарфий ифодасига эга бўлиб, нутқ амалиётида фаол қўлланилаётган “Ә”, “Г”, “Ы”, “Ҳ”, “Ө” унлилари учун ҳарфлар белгиланмаган.

Лекин тил шундай қудратли ижтимоий-маънавий феноменки, товушларга махсус белги берилмагани билан унга хос хусусиятлар йўқолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам қаерда яшашига қарамай, бугунги ўзбек танадаги муча ҳамда “ўтибол” маъносидаги буйруқ феълени англатувчи “ўт” билан майса ҳамда олов маъноларидаги “ўт” сўзларини, шунингдек, “ўзбек” ва “ўтин” сўзларининг илкинчи товушларини бир хил талаффуз қилмайди. “Емоқ-емак”, “ишламоқ-ишламак”, “кутмоқ-кутмак”, “эринчоқ-эринчак” ҳамда шунга ўхшаб кетадиган минглаб ҳолатларда ўзбек тилида сингармонизм борлиги ва уни бузиш мумкин эмаслиги яққол кўринади. Бу сўзлар жуфтлигидаги сўнгги унлилар алмаштирилса, ундошлар ҳам алмаштирилиши кераклиги ёки аксинча бўлиши ўзбек адабий тилидаги товушлар оҳангдошлиги бузилмас қонуният эканини кўрсатиб турибди. Лекин имло қоидаларини яратувчилар буни тан олгилари келмайди.

Тилимизда йиллар давомида нотўғри қўлланиб келинганидан хатолиги билинмай кетган сўзлар ҳам бор. Чунончи, “сўтмоқ ва сўкмоқ” сўзлари кўпинча ўрни алмаштириб қўлланилади. Масалан, “Онам кўйлакнинг

“

Эндиликда ўзбекчани бузиб гапирадиган чет элликлар каби “акамнинг тароқи”, “устанинг қайроқи”, “теракнинг япроқи” тарзида сўзлаш ва ёзиш керак бўлади. Кўринадики, бу ҳол тилимиз табиатига мутлақо бегона.

”



чокини сўкди” шаклида ёзилиши қоидалаштирилган. Ҳолбуки, чок сўкилмайди, “балки сўтилади”. Шунингдек, “сурмоқ ва суртмоқ” сўзларини қўллашда ҳам шу ҳол кўзга ташланади. “Юзига упу сурди”, деб ёзилади китобларда. Қизлар юзига упани сурмайди, балки суртади. “Қурт ва қурут” сўзларини ишлатишда ҳам шу хил хатоликка йўл қўйилади. “Қурт” жонли бир хашаротни англатса, “қурут” қуририлган сут маҳсулотини билдиради. Нарсанинг баҳоси баландлигини билдирувчи “қиммат” билан баҳонинг ўзини англатувчи “қиймат”, ўлчам маъносидаги “мезон” сўзи билан мавсумни англатадиган “мийзон” сўзларини қўллашда ҳам шу хил хатоликларга йўл қўйилади.

Тилимизга хос бўлган “Н” бурун товушининг жорий имлода “НГ” тарзида ҳарфий бирикма қилиб берилиши аслида икки товушдан иборат “енг”, “ўнг” каби сўзларнинг уч; “тонг”, “бонг”, “тенг”, “минг”,

“

Тилимизда йиллар давомида нотўғри қўлланиб келинганидан хатолиги билинмай кетган сўзлар ҳам бор. Чунончи, “сўтмоқ ва сўкмоқ” сўзлари кўпинча ўрни алмаштириб қўлланилади.

”

“сўнг”, “тўнг” каби аслида уч товушли сўзларни тўрт товуш сифатида ёзилиши ва энг ёмони, шундай айтилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу сонор товушининг имлода тўғри акс этмаганлиги, унинг талаффузидаги ўзига хосликнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, тилимизда “Кўчанинг ўн томонига бурил”, “Ўттиз мин сўм пул олдим” каби носоғлом талаффуз ёйилиб бораётгани ташвишлидир.

Компьютер валийлари томонидан ХХІ асрнинг охирига бориб йўқолиб кетиши башо-

рат қилинган ўттизта миллий тил орасида бизнинг неча минг йиллик тарихга эга ота тилимиз ҳам кўрсатилгани сабабли ушбу мақолада ёзғириш оҳанги бироз кучайди. Агар ўзбекда миллий ғурур уйғониб, ўз маданий ва интеллектуал савиясини оширса, компьютер башоратчиларининг адашишларидан умид қилиш мумкин. Шундагина миллат ўзлигининг мустақкам қўрғони бўлмиш жонажон ўзбек тили ўз тараққиётининг тўғри йўлидан мангулик сари боражак.

Темур ХЎЖАЎҒЛИ,
Мичиган университети
профессори

МЕН ВАТАНДА ЭМАСМАН, ВАТАН МЕНИНГ ИЧИМДА!

Янги ташкил этилаётган “Ватан” журнали ҳақида хабар топганимда, Она юрт тупроғига илк қадам қўйганим, бундан 34 йил олдинги воқеалар хаёлимда жонланди. Ва шунда қалбимдан қуйилиб келган “Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда” деган ўтли мисрани ёдга олдим.

Бу воқеа тарихини ва нима учун уни 1990 йил Тошкентдаги муҳташам Алишер Навоий театри сахнасида баралла айтганимни изоҳласам:

Мен Истанбулда туғилганман. Дадам Усмон Хўжаўғли бухоролик, онам Ҳакима Тўранинг ота-оналари қўқонлик бўлганлар. Юқорида келтирганимдек, илк бор 1990 йил 43 ёшимда ота юртда бўлдим. У маҳаллар Ўзбекистон ҳали мустақилликни қўлга киритмаган эди. Биз бир муддат Покистонда ҳам яшаганмиз. Шу боис илк мактаб таълимини Пешовар шаҳрида олганман. 4-синфга ўтганимда яна Туркияга қайтдик ва ўрта мактаб ҳамда университетни Истанбулда тугатдим. Магистратура ва докторантликимни АҚШнинг Колумбия университетида ёқладим.

Германиянинг Мюнхен шаҳридаги “Озодлик” радиосининг ўзбек шўбасида 1977-1994 йилларгача суҳандон, мухбир, муҳаррир ва тадқиқот маркази ходими бўлиб ишладим. 1990 йил октябрь ойида Горбачёвнинг ошқоралик ва қайта қуриш ислохотлари шарофати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Бобурнома”нинг юбилейини ўтказадиган бўлди ва менга Ўзбекистонга келишим учун таклифнома юборишди. Мен буни мамнуният билан қабул қилиб, ўша маҳаллардаги Совет Иттифоқининг Мюнхендаги консулхонасига виза олиш учун мурожаат қилдим. Улар эса негадир каминга виза беришни рад қилишди. Шунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,

атоқли ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубов, Москвадаги бир рус ёзувчиси орқали собиқ иттифоқ Ташқи ишлар вазирлигидан мен учун рухсатнома олди.

Шу билан мен 1990 йил 20 октябрда Мюнхендан Москвага учиб бордим. Сўнгра у ердан Тошкентга келдим. Чунки у пайтлар Ўзбекистонга тўғридан-тўғри самолёт учмасди.

Тошкентда мени ватандошлар илиқ кутиб олишди. Ҳаяжоним ўзгача эди. Чунки ўзим кўрмаган она тупроққа илк маротаба қадам қўйган эдим-да...

Хуллас, ўша кунлари мен жойлашган “Тошкент” меҳмонхонаси рўпарасидаги Алишер Навоий номидаги театрда “Бобурнома” юбилейи муносабати билан катта тантанали кеча уюштирилди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўшанда маросим ташкилотчиларидан бири бўлган ёзувчи Пиримқул Қодиров ёнимга келиб, “15 дақиқадан кейин сизни сахнага чақирадилар, нима истасангиз, шуни айтиб беринг!”, деб илтимос қилди.

Дарҳақиқат, икки кишидан кейин мени залдаги томошобинларга таништириб, сахнага чорлашди. Гапирадиган сўзимни олдиндан ёзиб ёки мўлжаллаб қўймагандим. Фавқулудда хаёлимга бир турк шоирининг “Мен ғурбатда эмасман, ғурбат менинг ичимда”, деган мисраси келди. Ота-боболари Ватани бўлган азиз тупроқдан олисларда туғилиб, дунёнинг турли ўлкаларида умргузаронлик қилган, эсини таниганидан қалби Ватан соғинчи билан ўртанаётган мендек одам учун шоирнинг бу сўзлари айнан топиб айтилгандек эди. Саҳна томон қадам ташларканман, шоирнинг ғурбат ҳақидаги мисрасини, ўзимнинг Ватансизлигимга айлангириб, шу мисрани беихтиёр хаёлимда

такрорладим: “Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!”

Зал одамлар билан тўлган эди. Мен қисқача ўзим ва отам жади́дчи ва давлат арбоби Усмон Хўжаўғлини танитиш умидида шуларни айтдим:

“Хурматли азиз юртдошларим, мен сизлар каби Ватанда туғилиб ўсган ва бу Ватанда яшаётган киши эмасман, мен ғурбатда туғилиб, энди турли чет юртларда яшаётган бир кишиман. Лекин қаерга борсам, Ватанимни юрагимда сақлаб юраман.

Шу минбардан туриб, бир турк шоирининг ғурбат ҳақидаги мисрасини сал ўзгартириб, сизларга шуни айтишни истайман, зотан у менинг ички ҳолатимни ёрқинроқ намоён этади:

“Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!”.

Шу мисрани айтганимдан кейин, залдагилар оёққа туриб, қарсак-олқишларни узоқ давом эттиришди.

Ўша пайтда Ўзбекистон ҳали Совет республикаларидан бири, мустақилликка эришмаган эди. Лекин мен учрашган зиёлилар, олимлар, шоиру ёзувчилар бўлсин ёки оддий аҳоли бўлсин, мен ҳамманинг кўзларида ва юракларида эркинлик, мустақиллик ва озод Ўзбекистон ҳис-туйғуси ва орзу-ғоясини яққол кўраётган эдим. Гўёки менинг қалбимдаги оғриқ уларга ҳам бегона эмас, ўқилган мисра улар юрагида ҳам эркин ва мустақил Ватан орзусини уйғотиб юборгандек эди...

Ўтган йиллар давомида шукрки, мен она юртимда кўп бора бўлдим. У ердаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб кўзим, кўнглим қувонди, таскин топди. Айниқса, сўнгги даврда мамлакатда амалга оширилган ишлар мени бениҳоя хурсанд этмоқда. Янги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев юртни нафақат иқтисодий-сиёсий, балки маънавий-мафкуравий жиҳатдан ҳам янгилашга киришгани халқнинг тарихий ютуғи бўлди, десам тўғри айтган бўламан.

Мана, эътибор қилинг, қайси замонда Ўзбекистон раҳбари халқаро доираларда ўзбек тилида гапирган? Ёки ўтган асрда даҳшатли қатағонга учраган оидинларимизни мамлакат Олий суди қарори билан оқлашга ким журъат этган? Жади́длар ғоялари ва меросини сиёсий саҳналарга олиб чиқишга ким ўзида сиёсий ирода топа олган? Албатта, бу ишларни шу халқни, Ватанни, миллати ва тарихини севадиган одам, мард ҳамда ёвқур ўғлонларгина қилишга қодир.

Шу маънода мен Ватаним, халқим бошига шундай йўлбошчи келганидан доим ғурур ва фахрда яшайман.

Қалбларимизга қўл солаётган “Ватан” журналининг йўли оидин бўлсин, дейман. Гарчи ўзлари олисларда бўлса-да, қалбан доим шу азиз тупроққа интилиб яшаётган мендек инсонларнинг меҳрини қозонадиган, уларнинг фикру ўйлари, Ватанга бўлган муҳаббатларини саҳифаларида акс эттирадиган нашр бўлсин!

“

Фавқулодда ҳаёлимга бир турк шоирининг “Мен ғурбатда эмасман, ғурбат менинг ичимда”, деган мисраси келди. Ота-боболари ватани бўлган азиз тупроқдан олисларда туғилиб, дунёнинг турли ўлкаларида умргузаронлик қилган, эсини таниганидан қалби Ватан соғинчи билан ўртанаётган мендек одам учун шоирнинг бу сўзлари айнан топиб айтилгандек эди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ

минтақавий интеграция
концепцияси, модели ва
динамикаси



Фарҳод ТОЛИПОВ,
“Билим карвони”
нодавлат-нотижорат
илмий муассасаси раҳбари,
сиёсатшунос

Минтақадаги беш қўшни давлат ўз мустақиллигини қўлга киритганига 30 йилдан ошди. Бу, гарчи, тарихан катта давр бўлмаса-да, миллий ва “минтақавий қурилиш” учун етарли муддат. Зотан, дунёнинг бошқа бўлгалари ва давлатларида шу мазмунда кечган ислохотлар тажрибаси бунини исботлайди. Масалан, айтиш мумкинки ичида Япония, Сингапур ва Хитой каби мамлакатлар жаҳон иқтисодий-сиёсий ҳаётига Япон, Сингапур ва Хитой “мўъжизаси” деб аталган ҳодисани тақдим эта олган. Европа эса минтақавий “бирдамлик”ка киришилган 30 йил ичида нафақат интеграциянинг асосий институтларини барпо этди, балки сиёсий бирлашувни эълон қилди ва унга киришди.

Таассуфки, юқорида ишора қилганимиздек, бизда ҳудудий интеграция масаласига мудом узоқ истиқбол, ноаниқ лойиҳа ёхуд утопия ўлароқ қаралмоқда. Мазкур давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиги бугунга келиб тикланган бўлса-да, (деярли ўн йил танаффусдан сўнг, шахсан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан) бу борада ҳал қилувчи учта савол ҳанузгача ечилмаган ва ҳатто чуқур ўрганилмагандек туюлади, менга. Бу, интеграциянинг концепцияси, модели ва динамикаси масаласидир.

////// Концепция масаласи

Концепция айни ўринда нима, ким, қачон ва нега деган саволлар тўпламидир. Кенгрок маънода айтганда, биз интеграция бу нима, ким уни амалга оширади, у қайси жуғрофий чегараларни қамрайди, қайси муддат ичида амалга ошади ва у нега муҳим, деган саволларга аниқлик киритишимиз керак бўлади. Қўриниб турибдики, концептуал муаммо 4-5 қисмдан иборат. Аммо бутунга келиб, ушбу масалалар бўйича илмий мулоҳазаю мунозаралар тўхтаб қолди ва вақт ўтган сари, улар ўрнига концептуал ечимлардан узоклаштирувчи эклектик тасаввурлар, юзаки талқинлар, ноаниқ таърифлар, адаштирувчи гаплар кўпайиб кетди.

Хатто, шу даражагача бордики¹, “интеграция” атамасининг ўзи жиддий доираларда деярли ишлатилмай қолди; унга қандайдир бизга ёт, бегона, ортиқча истилохдек қаралаётгир. Қўплаб сиёсатчи ва экспертлар “биз интеграция вази-фасини қўймаймиз, биз фақат кооперацияни ривожлантиришга ҳаракат қиляймиз”, дейишни ўзларига қулайроқ билишмоқда. Ҳолбуки, улар барчалари кооперация ёки ҳамкорлик шундоқ ҳам бўлаётганини, минтақавий интеграция эса бу умуман бошқа масала – махсус муносабатлар мажмуи эканини яхши биладилар, тушунадилар. Шу маънода, у махсус минтақавий ҳамкорлик форматини, яъни ўзига хос мазмуни, шакли ва йўналиши бўлган интеграцияни тақозо этади. Минтақавийлик хусусияти бўлган давлатлар хусусида биргина ҳамкорлик тўғрисидагина гапиришнинг ўзи етарли эмас.

Баъзи қўшниларимиз расмий ва таҳлилий доираларида шундай бир стереотип мавжудки, гўё интеграцион лойиҳа бизнинг минтақада барбод бўлган (ўз фаолиятини тўхтатган Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти (МОҲТ) назарда тутилади). Бироқ улар назарда тутаётган МОҲТ ўз фаолиятини нега тугатган, деган саволга аниқ ва дангал жавоб йўқ. Бундан ташқари, охириги пайтда “биз интеграцияга ҳали тайёр эмасмиз”, деган таъкидловлар жаранглай бошлади. Лекин биз нега интеграцияга тайёр эмасмиз, бунга айнан нима халақит қиляпти, деган савол ҳам очик қолаётгир.

Бунинг устига охириги пайтларда айрим

экспертлар ва хатто сиёсатчилар ғалати бир фикрни таъкидлай бошлади: гўёки минтақа мамлакатлари ўртасида интеграция негизини белгиловчи умумий қадриятлар бирлиги мавжуд эмасмиш!? Аммо парадокс шундаки, улар бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонни Евро-Осиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо бўлишга чорлаб, далил сифатида Марказий Осиё ва Россия халқларининг тарихий ва жуғрофий яқинлигини рўқач қилишмоқда... Албатта, бу жуда қулгили ва айни пайтда абсурд мулоҳазадир. Қолаверса, ўрни келганда, шунини алоҳида қайд этиш керакки, “умумқадриятларга асосланган халқлар биродарлиги”-деган ўлчам Марказий Осиё минтақасидан ўзга юртларда интеграциянинг калит омили сифатида камдан кам тилга олинади.

Ва ниҳоят, биз бугун концептуал маънода, интеграция тури бўйича бир фикрга келишимиз зарур бўлади. Бу иқтисодий интеграция бўладими, сиёсий иттифоқми, эркин савдо зонаси, умумий бозорми, шакли ва форматидан қатъи назар айни масала ҳозирнинг энг актуал вазифасидир. Энди Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий кооперацияси қанчалик истиқболли, деган савол туғилиши мумкин. Мен айни саволга риторик бир жавоб ўрнида, қуйидаги тарихий фактни эслатишни жоиз билдим: 1964 йилда Бельгиянинг ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган Поль-Генри Спаак шундай деган эди: “Рим шартномаларини ишлаб чиққанлар мазкур шартномаларга фақат иқтисодий келишувлар деб қарамаган; улар ушбу шартномаларни бўлажак сиёсий иттифоқ йўлида муҳим бир босқич, деб билганлар”. Масалага шу маънода ёндашадиган бўлсак, энди фикр юритаётган мавзу атрофида мулоҳаза пайдо бўлади: шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва айни дамда халқаро жамоатчилик тамонидан илиқ кутиб олинган Марказий Осиё давлатлари Президентларининг Маслаҳатлашув учрашувлари формати ҳам шундай умид билдиришимизга асос бера оладими ёки йўқ? Бу ўринда кўп нарса шунга боғлиқ бўлади.

¹ Толипов Ф. «Центральная Азия: Почему появился жупел интеграции?», <https://caa-network.org/archives/17389> 26.06.2019.

////// Модель масаласи

Модель бу мазмун ва шакл, яъни интеграцион жараённинг институционал, юридик, иқтисодий, сиёсий таъминоти тўғрисидаги масаладир. Айрим экспертлар АСЕАН моделини Марказий Осиё учун энг мос курум сифатида таклиф эмоқда, баъзилар эса Европа Иттифоқи таркибидаги Скандинавия ҳамжамияти ёки Вышеград Тўртлиги моделларини маъқул деб ҳисоблайди, яна бошқалар Марказий Осиёни фақат ЕОИИ таркибида тасаввур қилади. Қизиғи, шундай бирлашмалар улғу сифатида танланяптики, уларда миллатлардан юқори турувчи институтлар мавжуд эмас ва бундай ҳолатда, афсуски, интеграция мўрт ва заиф характерга эга бўлиб кўринади.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлагач, мамлакатнинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё устувор йўналиш этиб белгиланди. Шунга мос равишда, айнан ўша йиллар мазкур давлатлар раҳбарларининг Масалаҳатлашув учрашувлари деган янги механизм яратилди. Бироқ шуни ҳам очиқ тан олиш керакки, бугунги кунда минтақа мамлакатлари қутилмаганда “Марказий Осиё ё Евроосиё” деган дилемма олдида туриб қолди. Ўзбекистонда экспертлар ва сиёсий доиралар давлатнинг ЕОИИга кириш-кирмаслик масаласи бўйича бўлинган: ЕОИИга кириш тарафдорлари ва бунга қарши бўлганлар ўз аргументларини илгари сурмоқда, аммо бу борадаги илмий ва жамоатчилик даражасидаги баҳс-мунозаралар деярли сезилмаётир. Хусусан, қўшни давлатларнинг ЕОИИдаги аъзолик тажрибаси улар учун нечоғли фойдали ва самарали бўлгани деярли ўрганилмаган. Масалан, қозоғистонлик экспертлар ўз давлатларининг ушбу ташкилотга аъзолигини бугунга келиб, жиддий танқид қила бошлади². Бу, албатта, бизга етарли хулоса чиқариш учун аргумент бўла олади. Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, энди Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиё устуворлигини амалда намойиш этиши ва бунга амалга оширишда фаол бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, юқорида келтирганимиздек, бу мамлакатимиз ташқи сиёсатида устувор мақсад этиб белгиланган.

Модель тўғрисида гап борар экан, кўпинча, масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) намунаси Марказий Осиё учун тўғри келмайди, бизга кўпроқ АСЕАН шакли мос келади, деган гапларни эшитиш мумкин. ЕИ моделига қарши далиллар сифатида, Европанинг масофа нуқтаи назардан олисдалиги ва у бошқа цивилизацияга мансублиги иддао қилинади. Аммо масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, АСЕАН мамлакатлари ҳам биздан олисда ва уларнинг цивилизация кўрсаткичлари минтақамизникидан фарқлидир. Аслини олганда, тадқиқотчи ва сиёсатчиларнинг ЕИ моделига қарши ва АСЕАН модели фойдасига келтирилаётган далиллари чуқур таҳлилий танқидга дош бера олмайди.

Ниҳоят, минтақалашув масаласидаги сўнгги мунозарали масала: охириги вақтларда Афғонистон бу Марказий Осиёнинг бир қисми деган, гаплар кўп янграётир. Минтақавий бирлашув модели ва назарияси нуқтаи назардан бу қалтис ёндашув. Юқорида айтилганидек, модель, хусусан бирлашувнинг мазмуни, яъни таркибини кўриб чиқишни назарда тутати. Шу пайтгача беш мамлакатдан ташкил топган таркиб ҳеч қандай шубҳа ва мулоҳазаларни туғдирмаган, бироқ таассуфки, яқиндан интеграция моделини ўзгача кўриш, яъни Афғонистонни Марказий Осиёнинг бир қисми деб тасаввур қилиш ҳолати кузатиляпти. Бу ҳам тарихий, ҳам жуғрофий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан нотўғри, ғайри илмий тасаввурдир. Айни вақтда бу концепция 2005 йилда Россияни минтақага “қўшиш”ни эслатади: маълумки, ўшанда МОХТ ва ЕврАзЭС деган ташкилотлар бирлаштирилди ва натижада МОХТ ўз фаолиятини тугатди.

Агар масалага Афғонистонни Марказий Осиё минтақасига қўшиш истагидаги томонлар мантиғи бўйича ёндашадиган бўлсак, унда Хитойнинг Синзян-Уйғур Автоном вилоятини ҳам Марказий Осиёга “қўшиш” мумкин бўлади. Аммо ҳозирча бу ҳақда ҳеч ким гапирмаяпти. Шунинг учун Марказий Осиё таркиби фақат бешта мамлакатлардан иборат, деб ҳисоблаш керак.

² *Сатпаев Д. Казахстан загнол себя в ловушку, выход из которой может стоить очень дорого* <https://zonakz.net/2018/04/17/dosym-satpaev-kazakhstan-zagnal-sebya-v-lovushku-vyход-iz-kotoroj-mozhet-stoit-ochen-dorogo>

//// Динамика масаласи

Динамика бу тезлик ва йўналиш масаласидир. Бошқача айтганда, биз интеграция томон қандай ҳаракатлар қилишимиз, қайси механизмлардан фойдаланишимиз ва қандай босқичларни босиб ўтишимиз кераклигини ҳал қилишимиз зарур. Шу тариқа, дастлаб муваффақиятли кечган, лекин сунъий узилиб қолган интеграциянинг 15 йиллик биринчи даври (МОҲ-МОИХ-МОҲТ) ва ҳозирги даврдаги зиддиятликларга бой ҳамда эҳтиёткорона кечаётган Маслаҳатлашув учрашувлари шаклидаги кооперация орасидаги контрастни кўра бўлади.

Жараён динамикаси нуқтаи назаридан, энди Маслаҳатлашув учрашувларидан тўлақонли институционализацияга ўтиш ва бу жараёнда тегишли давлатларо ва давлатлардан юқори турадиган тузилмаларни яратиш ҳаётий заруратдир. Давлатлар ўз суверенитетини минтақавий бирлашув учун қурбон қилишни хоҳламайдди, деган тезис танқидга дош беролмайди. Чунки бу ерда ҳеч қандай суверенитетни йўқотиш тўғрисида гап бормаяпти. Мазкур масалага диалектик ёндашув бизни суверенитет тўғрисида холис ва кенгрок тасаввурга олиб чиқади, масалан, бу борадаги иттифоқларни мазкур давлатлар суверенитетининг минтақавий ўлчами тўғрисидаги мулоҳазалар билан етарлича ва ишончли изоҳлаш мумкин.

Интеграция динамикаси муаммоси, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий сиёсатини кўриб чиқишни ҳам назарда тутди. Мисол учун,

Марказий Осиё мамлакатлари миллий жамиятларида одамлар интеграция келажаги тўғрисида қандай фикрлаётгани, уни қандай тушунаётганини муҳокама қилиш муҳимдир. Шу ўринда айрим қўшни давлатларнинг чегара ҳудудларида вақти-вақти билан инцидентлар содир бўлгани ва уларни давлатлар раҳбарияти қанчалик тезкор равишда бартараф этгани сабоқ бўлди³.

Шу билан бирга, минтақада интеграция асосан элитист (юқори сиёсий доираларга хос) лойиҳа-жараён бўлиб келди. Марказий Осиё мамлакатларининг экспертлар гуруҳлари ҳамда фуқаролик жамияти ушбу жараёндан деярли узилиб қолган эди. Ҳолбуки, бугун энг самарали интеграция модели деб ҳисобланган Европа интеграцияси жараёнида фуқаролик жамияти, сиёсий партиялар ва жамоат фаоллари ҳамда олимлар ва экспертлар доим муҳим роль ўйнаган. Айнан мана шу жиҳат бугун Марказий Осиё интеграцион жараёнига етишмаяпти, назаримда.

Минтақадаги интеграция динамикасига турли таҳдидлар ва геосиёсат таъсир қилиб келаётганини бугун кўпчилик эътироф этади. Эндиликда айни масалага ойдинлик киритиш вақти келди, деб ўйлайман. Мисол учун, ҳозиргача бизда таҳдидларга оид мулоҳазалар кўпроқ уларнинг мавжудлигини таъкидлаш билангина чекланади, лекин таҳдидларнинг таснифи ва стратегик таҳлили билан деярли ҳеч ким шуғулланмаётир. Натижада миллий ва минтақавий хавфсизлик стратегияси кўпроқ

муваққат ҳулосалар ва субъектив ёндашувларга боғлиқ бўлиб қоляпти.

Биз кўпинча геосиёсат тилида фикр юритамиз мантиқан бу тўғри. Минтақа геосиёсий турбулентлар марказида жойлашган. Геосиёсат эса “бўл ва ҳукмронлик қил” деган стратегияни кўзда тутди. Улкан давлатларнинг минтақага бўлган муносабати кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Ушбу фикрни тасдиқловчи мисоллар эса кўп. Бу ўринда “С5+1” номли дипломатик мулоқотлар форматларини эслатиш етарли. Бундай форматларнинг пайдо бўлиши ушбу формуладаги “1”ларнинг (АҚШ, ёки РФ ёки ХХР ёки Ҳиндистон ва ҳ.к.) Марказий Осиё бешталиги, яъни “5”ларга нисбатан ўзгача қараш ва ўзгача сиёсатини англатади⁴.

Сир эмаски, Марказий Осиё давлат раҳбарлари ўзларининг Маслаҳатлашув учрашувларида ҳар гал Қўшма баёнотлар қабул қилади. Бу жуда муҳим ҳужжатлар бўлиб, уларда минтақавий ҳамкорликда эришилган ютуқлар ҳамда келажак учун янги мақсадлар баён қилинади. Бироқ, афсуски, уларнинг кўпидан жамоатчилик маълум маънода хабарсиз қолади. Эндиликда қабул қилинган ҳужжатлар асосида ишлар очик ва экспертлар иштирокида олиб борилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди, деган фикрдаман. Зеро, юқорида айтганимиздек, минтақанинг интеграциялашувида жамият ва илмий жамоатчиликнинг фаол иштироки жуда зарур.

³ Толитов Ф. «Теоретико-концептуальные подходы к решению пограничных проблем в Центральной Азии», <https://www.caa-network.org/archives/21786/teoretiko-konzeptualnye-podhody-k-resheniyu-pogranichnyh-problem-v-tsentralnoj-azii>, 4 мая 2021.

⁴ Толитов Ф. «Геополитическая арифметика «5+1» в Центральной Азии», <https://cabar.asia/ru/geopoliticheskaya-arifmetika-5-1-v-tsentralnoj-azii>, 06.11.2020.



////// Хулоса

Ушбу қисқа мақолада учта фундаментал масала – Марказий Осиёда минтақавий интеграция концепцияси, модели ва динамикасига оид жиҳатлар кўриб чиқилди. Минтақадаги таҳлил марказлари ва илмий жамоатчилик эндиликда шу масала ечимлари бўйича мулоҳазалар панорамасини кенгайтирса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Юқоридаги фикрларга таяниб, шуни таъкидлаш мумкинки, бугун минтақавий муносабатлар кооперация эмас, балки интеграция тушунчаси орқали ифодаланиши керак. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Марказий Осиё устувор йўналиш (барча қўшнилариимиз учун ҳам) бўлиб қолиши зарур. Яқин истиқболда минтақа раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари доимий амал қилувчи институционал шаклга айланиши лозим. Бу йўлдаги энг муҳим шарт эса интеграция истиқболлари бўйича миллий жамиятлар ва сиёсий элиталар тафаккуридаги скептик тасаввурлар ва позицияларни тўғрилаш билан боғлиқ масала бўлиб қолади.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

КИТОБХОН АЛИ ҚУШЧИ ЖАСОРАТИ

Бундан ўн йил аввал йилига беш-олтита роман, саргузашт қисса ёзиб, бу шиддати билан бадиий асар устида неча йиллаб ишлайдиган, бир сўз ёки ибора учун тунни тонгга улайдиган ёзувчиларга ўзича “намуна” кўрсата бошлаган ижодкор ҳақида: “Бу даражасидаги ёзувчилар олдида, менингча, иккита йўл турибди, биринчиси: шу йўсинда, шу савияда, гўшт майдалағичда лағмон чўзаётгандай пала-партиш “ижод” қилавериш, бундай “асар”ларни ўқиётган китобхонларнинг бадиий диди занглаб, ўтмаслашиб бораётганига парво қилмай, ёзганларини пешма-пеш нашр қилиш, иккинчиси – адабиётни, маънавиятни, ўқувчини озроқ бўлса-да ҳурмат қилиш, ёзувчи деган номга доғ туширмаслик”, деб ёзгандим. Мақола сўнгида чин ва сохта адабиёт олдида эсанкирай бошлаган ўқувчини шундай овуtgандим ҳам: “Бошдан-оёқ тўқиб чиқарилган, мантиқсиз воқеа-ҳодисалар асосига қурилган, таҳрирсиз, хом-хатала, ҳар саҳифада ғиж-ғиж хато билан чоп этилаётган асарлар вақти-соати билан ўқувчининг меъдасига тегади”.

Янглишган эканман: биринчи гапим адабиётни соғин сигирга ўхшатиб олган қаламкашларни илҳомлантирса илҳомлантирдик, бу йўлдан қайтармади, иккинчи фикрим ўзини оқламади – олди-қочди асарлар хали-вери меъдага тегадиганга ўхшамайди. Аксинча, бундай асарларни асар деб биладиган янги тоифа ўқувчи тарбия топди. Бундай тоифанинг хусусияти шундаки, у китобни синчиклаб, воқеа-ҳодисаларнинг ич-ичига кириб, ўхшамаган, келишмаган, ёпишмаган жойларига энсаси қотиб ўқимайди, варақлаб кетаверади. “Ие, бу воқеалар бошқа бир китобда ҳам худди шундай ёзилган эди-ку”, дея пешонаси тиришмайди, нима ёзилган бўлса, шунга қаноат қилади.

Бундай “тарбияли” ўқувчи яна қаерда бор? Шу боис, китоб дўконларида, қўлбола расталарда, ёйма бозорчаларда кўнгилни айнитадиган кўчирма, тўқима, улама-ёпиштирма “асар”лар кун сайин кўпайиб, урчиб бормоқда, хашаки китоблар чин бадий асарларни бир четга суриб қўймоқда. “Бу йил учта роман, бешта қисса, бешта эссе ёзишни режа қилганман”, деган гап ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бу ҳақда оғиз очгудек бўлсангиз, дуппа-дуруст одамлар: “Ҳозир эркинлик замони, ёзса ёзибди, сизга нима?” дейишади. Иллатнинг иллатлиги шундаки, унга қанча безътибор бўлсангиз, шунча семиради. Ўзи ёзган китобга бошқаларнинг

номидан тақриз, тавсия ёзиш, сюжет ўғирлаш, мақтов мақолалар уюштириш, дабдабали тақдимотлар ўтказиш оддий бир ҳол бўлиб қолди.

Ҳа, ҳозир эркинлик замони. Ҳар кимнинг инон-ихтиёри ўзида. Мажбурлаб китоб ўқиши қийин. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ китоблардан бирини қўлтиқлаб бораётган ўқувчига: “Укажон, сен бу китобни қўй, яхшиси, фалон нашриётда чиққан мана бу китобни ўқи” десангиз, қўлтиғидаги китобни сизга тутқазиб, ўша сиз айтган яхши китобни қидириб кетмайди. Мабодо қидирса ҳам топа олмайди.

Нега топа олмайди? Нима, мамлакатимиз нашриётларида қизиқарли, пишиқ-пухта китоблар чоп этилмаяптими? Чоп этиляпти, бундай китобларнинг салмоғи кейинги йилларда анча ошганига ҳаммамиз шохидмиз. Анъанавий китоб байрамларида мухлислар кучоқ-кучоқ китоб харид қилишга ётганига гувоҳимиз. Ноширларимизнинг энг яхши туҳфаларини бир-биримизга

совға қилиш, китоб дўконларини кузатиб бориш одат тусини олмақда. Истиқлол китоб ва китобхонлик йўлларини ҳам ёритиб юборди. Ҳас-хашак, шох-шабба тўпланиб, суви димланиб қолган анҳор тозалангандай, ҳавоси оғирлашиб кетган хона деразалари очиб юборилгандай, чироқ ёқилгандай, ҳофизнинг бўғриққан овози тиниқлашгандай бўлди. Буни китобга, маънавий мутолаага қайтиш деса бўлади. Қайтиш бўлганда ҳам улуғ, мўтабар қайтиш. Китоблар оқими шундай шиддат олдики, энди биз уларни танлаб, чертиб-чертиб, фарқлаб-фаҳмлаб, маънавий эҳтиёж чанқоғини, тафаккур ташналигини қондириб, фикримизни тиниқлаштириб, маъноларини хотирамизга нақшлаб ўқимоқдамиз, совға-саломга қўшмоқдамиз. Улуғ аждодларнинг нодир асарлари тўёна мақомига кўтарилди. Бироқ, тан олиш керакки, пишиқ-пухта китоблар билан бирга, хом-хатала, маза-матрасиз китоблар ҳам гуррас-гуррас чоп этиляпти, яхшиларидан кўра ёмонлари, керагидан кўра но-кераклари, маънавий-ахлоқий жиҳатдан зарарлилари ўқувчилар орасида тезроқ тарқамоқда. Зиёратгоҳларда, сиҳатгоҳларда,

ёшлар тўпланадиган жойларда муаллифи, ноширлари номаълум китоблар бемалол сотилаётир. Ёзувчилар уюшмасидаги йиғилишда таъкидланганидек, ижод эркинлигини ўзининг дид-фаросатига мослаб талқин қиладиган бир гуруҳ қаламкашлар тоифаси пайдо бўлдики, улар “соғин сигир адабиёти”ни яратишга интилиб, ижодкорликни бир йилда камида тўрт-беш марта ҳосил берадиган томорқага айлантириб олдилар. Таассуфки, бундай уддабуронлар атрофида уларни керакли жойларда қўллаб-қувватлайдиган устмонлар пайдо бўлди. “Сиздан угина, биздан – бугина”. Ишлаш усули оддий: “ёзувчи” янги китобидан икки юзтасини олиб келади-да, “Акахон, баҳоси ўттиз мингдан, сотиб беринг, ўн беш фоизи сизники” дейди. Ўн беш фоиз – нақд даромад. Ким ҳам йўқ дейди? Натижа шу бўладики, олди-қочди китоблар сотилади, миллий адабиётимизнинг, адабий-бадий тафаккуримизнинг ютуғи сифатида эътироф этилган китоблар туриб қолади, “кетмайди”.

Олдиндан айтиб қўяй – бу мулоҳазалар баъзи нашриётларнинг раҳбарларига хуш келмаслиги аниқ. Уларни тушунса бўлади – талаб бор экан, битта китобни бир йилнинг ўзида икки-уч бор қайта нашр этиш ҳам мумкин. Аммо у ёки бу китобга талаб қандай шакл-

ланаётганига, аниқроғи, талабни ким (кимлар) нима мақсадда шакллантираётганига эътибор бериш лозим.

Энди муаммонинг иккинчи томонига назар ташлайлик. Бемаза китобларнинг кўпайиб кетганига фақат бир томон айбдорми? Йўқ, бу ишда иккинчи томоннинг ҳам анча-мунча “ҳисса”си бор. Инсоният тарихида келгуси авлодлар эътибор бериши зарур бўлган сабоқлар кўп.


Истиқлол арафасида маънавий тарбия борасида юзага келган бўшлиқни эгаллаш учун қандай кураш боргани кўпчиликнинг ёдида. Қарангки, бундай бўшлиқ китоб савдосида ҳам юз берган, афсуски, буни биз ўз вақтида сезмаган эканмиз. Бу бўшлиқни бозор адабиётининг уддабурон даллоллари эгаллаб олишибди, биз бўлсак қараб тураверибмиз. Шундай эгаллашибдики, эндиликда уларни бир растадан қувсангиз, иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ўтиб, бемаза ишлари-

ни бемалол давом эттиришмоқда. Аҳвол шу даражага етиб бордики, китоб дўконлари пештахталарида олди-қочди асарлар, ишқий баённомалар, мағзи пуч насиҳатлар, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги тўқималар, беҳаё қиз-жувонларнинг, қабрдан қочган мурдаларнинг, никоҳ базмидан қочган келинчақларнинг, ашаддий қотилларнинг саргузаштлари, “мунажжим”ларнинг телба-тескари башоратлари; бепуштлик, фарзандсизликни, бундан оғир дардларни бир куф-суф билан даволаб юборадиган “авлиё”ларнинг афсунгарликлари ҳақидаги китоблар Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев асарларидан олдинда – кўринарли жойларда ёш ғунажиндай жилва қилиб турибди.

Ҳамма иш кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Аммо адабий танқид ўзини сипо тутаётир. Ҳар қандай мукамал бадий асар ҳам кимгадир ёқмаслиги, бу тўғрида исталганча баҳс қилиш мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ асар деб айтишга айзимайдиган, ўқувчининг онгини, дидини захарлайдиган, дунёқарашини чалғитадиган китоблар ҳақида очикроқ, аччикроқ қилиб, бир нима дейилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Хурматли танқидчиларимизни фақат бир нарасада тушуниш мумкин: бугун бозор адабиётининг шоввоз вакиллари қўятурайлик, таниқли ёзувчиларимизда ҳам адолатли, самимий танқидга тоқат қолмади. Баъзи куюнишлар ҳавода муаллақ қолиб кетмоқда. Танқидчилик ўзининг гоҳ ортиқча мақтови, гоҳ эътиборсизлиги, билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олиши билан шундай нохуш ҳолатни юзага келтирдикки, эндиликда бирор асар ҳақида танқидий мулоҳаза айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлашингиз билан ўзингизни довул остида ҳимоясиз қолгандай ҳис қиласиз. Шундоққина ёнин-





гизда ўтирган касбдошингиз аста биқинингизга туртади.

Адабиёт, санъат, кино, матбуот ўзига нисбатан танқидий муносабатда ҳам бўлганидагина тараққиётга юз тутлади. Бу – бугун айтилаган янги гап эмас.

Бошқа бир камчилик бадиий адабиёт тарғиботининг сустлигида кўринади. Ёзувчилар уюшмасида ўтказилаётган йиғинларда давлатимиз раҳбарининг уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича берган тавсиялари, муҳим кўрсатмалари қандай бажарилаётгани, она тилимизни, халқимизнинг азалий қадриятларини келгуси авлодларга бус-бутун, бор жозибаси билан етказиш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани чуқур таҳлил қилинади. Уюшма фаолиятида ютуқлар, ўзгаришлар, ижодий фаоллик, қуюнчаклик бор, албатта. Айниқса, адабиётимизга кириб келаётган ёш истеъдодлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали, таъсирчан тадбирлар ўтказилмоқда. Ёш қаламкашларнинг биринчи китоблари уюшма ҳомийлигида чоп этилаётир. Аммо уюшма аъзо-

лари ҳамisha жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган ижодкорлар бўлишлари учун ҳали кўп ва ҳўб иш қилиниши керак.

Хорижга бориб келган ҳамкасбларимиздан бири сафар таассуротларини сўзлар экан, “Бир жомадон китоб олиб келдим, ҳар биттаси тиллага тенг”, деган эди, даврадошлар “Китоб ўзимизда ҳам тўлиб ётибди-ку”, дея ҳайрон бўлишди, ёш олим йигит эса “Шунча тилла бир кишига кўплик қилади, биз ҳам ўқийлик”, деди. Шу гап баҳона суҳбатимиз китоб мавзусига кўчди.

Устоз Одил Ёқубов китобхонлар билан бўлган учрашувлардан бирида Мирзо Улуғбек кутубхонасидаги китобларни олимнинг садоқатли шогирди Али Қушчи мутаассиблардан қандай асрагани, шу иши учун бошига қандай ташвишлар тушганини ҳаяжон билан гапириб берган эди. Нодир қўлёзмалар, хатотлар томони-

дан маҳорат билан кўчирилган бор-йўғи бир-икки нусха китобларнинг гаройиб саргузаштлари тўғрисида жуда кўп ёзилган.

Собиқ тузум шароитида китоблар бошига ҳам кўп кулфат тушди. Аммо китобга нисбатан муҳаббат сўнгани йўқ. Ҳар қандай тақиқда маълум тарғиб ҳам бўлди, бинобарин, қизил мафкура одамларнинг онг-шуурига бевосита таъсир кўрсатадиган, диёнат ва комиллик, тўғрилиқ ва ҳалолликка, имон-эътиқодга ундайдиган китобларни нечоғли тақиқлама-син, уларни ўқиш, маълумларини ўқиш давом этаверган.

Китоб ҳақида ўйлаганингда фикрлар қуюлиб келаверади. Алқисса, китоб бор экан, тараққиёт асло сусаймайди, инсон комилликдан узоқлашмайди. Юраги китоб ишқи билан банд боладан асло ёмонлик чиқмайди. Чинакам китобхонни янглиштириш қийин. Фақат бир муаммо мавжуд, у ҳам бўлса, бадиий савияни ушлаб туриш. Бу қийин, аммо Али Қушчи зиммасига юклангандан кўра енгилроқ вазифадир.

Ўзбек фалсафа тили ўтган 100 йиллик сиёсий даврда қашшоқлашди. Ҳозир фалсафа тили тирилишга ҳаракат қиляпти. Файласуф Хуршид Йўлдошнинг матнлари шу жараён ичида ёзиляпти. Файласуф фалсафа иборалари, тушунчаларига содда шаклда мукамал изоҳлар беради. Фалсафа иборалари, тушунчалари бор экан, фикр туғилади. Фикрни ана шу фалсафа иборалари ўзи билан ташийти. Хуршид Йўлдош матнлари ўқувчиларда фикр туғилишига хизмат қилади деган умиддамиз.



Хуршид Йўлдош,
файласуф

ТИЛ ВА ТАФАККУР – дефиниция ва дескрипция

Айримларга мураккаброқ бўлса ҳам, шу мавзуда ёзмоқчи-ман. Охиригача ўқиб тушуна олсангиз, нима демоқчилигим маълум бўлади. Тушуна олмасангиз, эҳтимол мен тузук етказиб бера олмадим.

Дефиниция (таъриф) дескрипцияга (тавсиф) эргашиши керак.

Хўш, бу нима дегани? Матнни ўқиб бўлгач, қайта ўқиб кўринг шу гапни.

Дефиниция, яъни таъриф тушунчага ишора қилади, дескрипция эса реал ҳодисани тасвирлайди, унинг хусусиятини баён қилади. Айни чоғда, ўша реал ҳодисанинг ўзи муайян дефиницияга эга тушунча билан аталади.


Реал ҳодисанинг тасвири, яъни дескрипция янги билимлар билан ўзгариб бориши мумкин. Аммо тушунча дефиницияси анча барқарор нарсаси, ўзгармай туриши мумкин.

Бирор ҳодиса ҳақида илмий кашфиёт қилинганда, ундаги янги кашф қилинган қайсидир хусусият ўша ҳодисани ифодаловчи тушунча дефинициясига мос келмай қолиши мумкин. Яъни дескрипция ва дефиниция ўртасида фарқ пайдо бўлади. Бун-

дай вазиятда дефиниция дескрипцияга мослаштирилиши керак, акс ҳолда, дефиниция илмий янгиликка тўсиқ бўлади, воқеликни бузиб кўрсатади. (Дефинициянинг дескрипцияга мослашмаслиги “эссенциализм” деб аталади. Унга кўра, ҳар қандай тушунча ўзгармас моҳиятни ифода этади ва ўша моҳиятга мос келадиган ҳодисагина шу тушунча билан аталиши керак).

Масалан, “оқ қуш” тушунчасининг дефинициясида унинг “оқлиги” бор. Яъни ушбу тушунча таърифидан келиб чиқилса, қора рангдаги қушни “оқ қуш” деб аташ

мумкин эмас (эди). Аммо реал ҳаётда уларнинг қораси кашф қилинганда, қушнинг дескрипцияси ўзгарди. Энди уларнинг оқи эмас, қораси ҳам маълум бўлди. Дефиниция ва дескрипция ўртасида фарқ пайдо бўлди. Бу ерда икки йўл турибди: “оқ қуш” тушунчаси дефинициясини ўзгартириш ёки дефиницияни ўзгартирмасдан кашф қилинган қоралар учун янги ном топиш. Биринчи ҳолатда муаммо йўқ, де-





ция дескрипцияга мослаштирилади, тамом. Иккинчи ҳолатда эса, қора ва оқларга икки хил ном берилиши керак бўлади, оқибатда битта тур иккита тур сифатида таснифланади. Бу ерда дефиниция дескрипцияни бузади, яъни реалликнинг бузуқ манзарасини ҳосил қилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда оқ қушнинг оқлиги унинг моҳияти деб қаралади (дефинициядан келиб чиқиб), натижада қора оқ қуш оқ бўлмагани учун бу категорияга киритилмайди.

Бу мисол анча жайдари ва баъзи нозик жойлар ҳисобга олинмаган.

Аммо нима демоқчи эканимни тушундингиз, деб умид қиламан.

Анча мураккаб ҳолатлар ҳам бор. Масалан, “инсон” тушунчасини олайлик. Унга ҳам таъриф бериш мумкин. Дейлик, “Инсон а, б, в, ... хусусиятли жонзотдир”. Агар биз ана шу дефиницияни маҳкам ушласак ва инсониятнинг миллион йиллик эволюциясини ўргансак, инсон қачон пайдо бўлгани масаласи муаммоли бўлиб қолади. Чунки биз инсонга таъриф берганда санаган хусусиятлар бир вақтда пайдо бўлмаган, аксинча, турли даврларда, олдинма-кетин пайдо бўлган. Маса-

лан, 100 минг йил илгариги инсоннинг дескрипцияси, 200 минг йил илгаригига мос келмаслиги мумкин. Аммо иккисини ҳам “инсон” деб атаيمиз. Дефиниция ўзгармай турибди. Натижада тафаккуримиз чалкашишни бошлайди. Инсон ақли аниқ дихотомиялар бўйича ишлайди, катта-кичик, оқ-қора, эркак-аёл, инсон-ҳайвон ва ҳоказо. Шунинг учун дефиницияларга баъзида бирламчи ўрин берилади, оқибатда ақл ўзгариб турадиган нарсани билишда чалкашади. Ақлга аниқ чегаралар керак. Масалан, қачон эркак тугаб, аёл бошланади.



Буни билиш учун эркак ва аёлнинг аниқ дефиницияси керак. Аммо бу дефиниция реалликдаги жинслар диапазонини аниқ ифодаламаслиги мумкин. Масалан, ўта маскулиндан тортиб, ўта феминистгача бўлган жинсий диапазон бор. Ўта эркак-эркак-аёлсифат эркак-ўртадаги жинс-эркаксифат аёл-аёл-ўта аёл ва ҳоказо.

Шундай қилиб, реалликни идрок қилишга тушунчаларимиз, уларнинг тилдаги ифодаси қаттиқ таъсир қилади. Аксар дефинициялар шунчаки оддий конструкция (ёки конвенция)лар ҳолос. Улар дес-

крипцияга ҳалал бермаслиги керак. Баъзида дефиниция билан дескрипцияни адаштириб юбориш мумкин. Шунини унутмаслик керакки, дефиниция реалликни акс эттирмайди, у онгимиздаги тушунчани акс эттиради. Тушунча эса реалликка доим ҳам мос келавермайди.

Метафизика нима ва у дунёқарашга қандай таъсир қилади?

Куруқ таърифни келтиргандан кўра, бир мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қиламан. Масалан, тарихни ўрганишни олайлик.

Ўтмиш ҳақидаги фактларни қандай саралашимиз ва улар ўртасидаги сабабий алоқаларни қандай тартиблашимизга қараб, тарихнинг турлича манзарасини чизиш мумкин. Бу худди рассомнинг рангларни қандай саралаш ва уларнинг қай бирига устунлик беришига қараб, картина турлича ҳиссий таъсирга эга бўлгани кабилар.

Фактларни қандай саралаш, уларни ўзаро қандай боғлаш эса тарихчи қўллайдиган методларга боғлиқ. Бу методлар эса реалликни адекват акс эттириш учун уни қандай ўрганиш кераклиги ҳақидаги тарихчининг умумий эпистемологик тушунчасидан келиб чиқади (масалан, рационалистми у, эмпирицистми, тарихий зарурат каби тушунчаларни тан оладими ёки йўқ, детерминистми, тасодифга муносабати ва ҳоказо). Ана шу фундаментал тушунча шунчаки мафкура, бирор ғайришуурий ишонч ёки метафизика бўлиши ҳам мумкин. Баъзида улар умумий метанаррацияларга таянади. Масалан, марксист тарихчи тарихий материализм принциплари асосида методни ишлаб чиқади ва фактларни ҳам шунга мос тарзда тизимга солади. Дейлик, тарихда нимаики юз берган бўлса, уни асосан синфий кураш орқали тушунтиришга уринади. Бу ерда у синфий курашни аввалдан ўз-ўзидан маълум, исбот талаб қилмайдиган қонуният сифатида қабул қилиб бўлган. Синфий кураш

қонуният эканини нима билан асослаш мумкин? Фактлар ёрдамида, деб жавоб бериши тайин. Башарти тарихий ҳодисалар синфий кураш орқали тушунтирилса, қандай қилиб бу ҳодисалар айна пайтда синфий курашнинг қонуният эканлигини ҳам асослайди? Бу вақтда фактларни талқин қилиш нимага асосланади унда? Бу ерда аргументация айлана ҳосил қиляпти: барча фактларни синфий кураш асосида талқин қилиш ва синфий курашни фактлар асосида асослаш, аммо бу асослашни яна синфий кураш орқали тушунтириш.

Агар сиз Макс Вебер каби ўйласангиз, фактларни марксист тарихчидан бошқачароқ талқин қила бошлайсиз, дейлик маданий-диний курашларни ҳам ҳисобга киритасиз. Агар либерал бўлсангиз, прогресс, ижтимоий институтлар орқали талқин қиласиз барини. Бирор дин ақидаларини ушлаган одам бўлсангиз, ўша ақидаларингиз фактларни қандай талқин қилишингизни белгилаб беради. Агар фрейдист бўлсангиз, бирор ҳукмдор чиқарган қарорни унинг ғайришуурий бирор қизиқиши билан боғларсиз, балки.



ЎТМИШ ҲАҚИДАГИ ФАКТЛАРНИ ҚАНДАЙ САРАЛАШИМИЗ ВА УЛАР ЎРТАСИДАГИ САБАБИЙ АЛОҚАЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАРТИБЛАШИМИЗГА ҚАРАБ, ТАРИХНИНГ ТУРЛИЧА МАНЗАРАСИНИ ЧИЗИШ МУМКИН. БУ ХУДДИ РАССОМНИНГ РАНГЛАРНИ ҚАНДАЙ САРАЛАШИ ВА УЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИГА УСТУНЛИК БЕРИШИГА ҚАРАБ, КАРТИНА ТУРЛИЧА ҲИССИЙ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАНИ КАБИДИР.

Аммо марксизм ҳам, веберизм ҳам, фрейдизм ҳам энг фундаментал ишонч саналмайди. Ундан ҳам фундаменталроқ масалалар бор: реаллик ўзи нима, уни қандай билиш

мумкин, зарурият, сабабият қандай англанади, уларнинг мантиқ ва тажриба билан алоқаси қандай, априориларни текшириш керакми ёки шундай қабул қилаверса бўладими каби масалаларга муносабат барча бошқа билимлар, ғояларнинг замирида ётади. Нега Эйнштейн квант механикасини қабул қила олмаган? Чунки у метафизик жиҳатдан қатъий детерминист эди. “Худо шашқол ўйнамайди” деган гапани эшитганмисиз? Қатъий детерминизм тасодифни инкор қилади, ҳамма нарса ортида аниқ тартиб туришини ургулайди. Бу илмий ишонч эмас, яъни бунини бирор илмий гипотеза каби текшириб, верификация ёки фалсификация қилиб бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ортида сабаб борлигини текшириш учун ҳамма нарсани тек-


шириш керак, аммо бу имконсиз. Сиз шунчаки бунга ишонасиз холос. Чунки бу ишонч шу пайтгача амалда ишлаб келган, ҳали жиддий панд бермаган. Гарчи ўзи илмий бўлмаса ҳам, у бошқа тадқиқотларни зимдан йўналтириб туради, доим сабаб ахтаришга мажбур қилади. Ана шу турдаги ишончлар метафизик ишонч дейилади. Баъзи бирлар айтгандек, метафизика қанақадир теология, миф ёки ғайритабиий нарсалар ҳақидаги илм эмас, балки энг олий абстракциядир.

Демак, ана ўша фундаментал эпистемологик ишонч реаллик ва унинг табиати ҳақидаги энг умумий метафизик қарашлардан озикланади. Агар сиз ўзгаришларни фақат моддият ҳаракатга келтиради деган метафизик ишончда бўлсангиз, саба-

бларни аввало моддиятдан, дейлик, ишлаб чиқариш муносабатларидан қидирасиз, агар маданий-мафқуравий омилларни ҳисобга оладиган идеалист бўлсангиз, тарихий ўзгаришларни тафтиш қилаётганда диний омилларни ҳам ҳисобга олишингиз мумкин. Дунёқарашимиз метафизик жиҳатдан идеалистик, реалистик, материалистик бўлиши бизнинг конкрет фактларни талқин қилишимизга ғайришуурий тарзда таъсир ўтказиб туради. Бу нарсдан халос бўлишнинг имкони йўқ. Яъни фактларни доимо талқин қиламиз, талқин қилиш муайян фундаментал тушунчага асосланади, аммо бу пойдеворий тушунчанинг ўзини эса асослай олмаймиз. Чунки тушунчани асослаш учун келтириладиган фактларнинг ўзи ана шу жараёнда талқин қилинаётган бўлади. (Бу ерда талқин деганда инглизчадаги explanation’ни назарда тутяпман.) Фактлар аввалдан асосланган назария орқали талқин қилинади дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ўша назариянинг ўзи ҳам факт орқали инкор ёки тасдиқ қилиниши мумкин. Ана шу инкор/тасдиқ қилиш жараёнида факт назарияни инкор/тасдиқ қиляпти, деб талқин қилишингиз керак бўлади. Демак, ўша назариянинг ўзидан ҳам фундаменталроқ тушунчага таянасиз. Шу тарзда давом эттирсангиз, барча нарсани талқин қиладиган энг охириги тушунчага етиб борасиз, уни эса ҳеч нарса билан асослаб бўлмайди, бу ёғи метафизика (У томонини гапирмайман, жуда мураккаблашиб кетяпти мавзу).

Шу маънода агар бирор олим чиқиб, менда метафизик ишонч йўқ, мен фақат аниқ фактлар билан ишлайман деса, билингки, у метафизика нималигини тушунмайди. “Мен фақат фактлар билан ишлайман, фақат фактлар реалликни акс эттиради”, деган умумий тушунчанинг ўзини факт билан тасдиқлаб бўлмайди. Ўша олим айтаётган тушунчани позитивизм, дейишади фалсафада. Позитивизм эса замонавий фанлар асосидаги метафизика саналади.





Эмпатия, ақл ва ахлоқ

Инсонларда ахлоқнинг пайдо бўлиши ёки унинг манбаи масаласида маърифатчилик даври файласуфларида икки тур қараш бўлган. Биринчиси, француз маърифатчилари ва уларнинг таъсирида шакланган континентал Европадаги маърифатчилар қараши. Унга кўра, ахлоқнинг асоси амалий ақл, айнан амалий ақл орқали ахлоқий меъёрлар шаклланади ва асосланади. Амалий ақл ёрдамида бутун инсоният учун универсал тўғри бўлган ахлоқий меъёрларни аниқлаш мумкин. Бу тур қарашнинг ёрқин намояндаси Иммануил Кантдир. Кант нима ахлоқан тўғри ёки нотўғрилигини айтмайди (у диний воиз ёки насиҳатгўй бобо бўлмаган), аммо барча ахлоқий меъёрлар учун мезон бўладиган қоидаларни ишлаб чиққан ва бу қоидаларнинг асоси амалий ақл ҳисобланади. Уларнинг энг асосийси шу: ахлоқий меъёр тўғри бўлади, қачонки сиз у меъёрнинг универсал бўлишига рози бўлсангиз. Масалан, ёлгон ахлоқан тўғри бўлиши учун сиз унинг универсаллигини, яъни барчанинг ёлгон гапиришга ҳақи борлигини тан олишингиз лозим. Яъни ёлгон ахлоқан тўғри бўлиши

учун, у универсал бўлиши керак. Ахлоқий меъёр мен учун бошқа, сиз учун яна бошқа бўлмайди. Демак, агар ёлгонни ахлоқан мақбул десак, бу нафақат сиз, балки бошқалар ҳам алдаши мукинлигини англайди. Ёлгонни универсаллаштириш алданишга рози бўлишни ҳам тақозо қилади. Барча инсонлар бир-бирини алдайдиган, яъни ёлгон универсал бўлган жамиятда сиз алданишга маҳкумсиз. Хўш, ёлгонни универсал ҳодиса бўлишига розимисиз. Алданишга рози бўлганларгина, алдашга ҳақлидир. Энди, шунинг тескараси бўлмиш ростнинг универсал меъёр бўлишига розимисиз. Менимча, ҳеч ким алданишни истамайди. Аммо алданишни истамаслик рост сўзлашни ҳам тақозо қилади. Шундай қилиб, ростгўйлик не сабабдан ахлоқан мақбул-у, ёлгон номақбул эканлиги гўё рационал асослаган бўламиз. Ва бу асоснинг ўзагида бизнинг ўз шахсий манфаатимиз ётади. Кантнинг мезонлари маълум маънода инсонларнинг худбинлигини асос қилиб олади, яъни сиз ўзингизга яхшилиқни раво кўрганингиз учун ҳам бошқаларга ўша яхшилиқни раво кўришга мажбурсиз. Ақлнинг, мантиқнинг изчиллиги шуни талаб қилади. Ахлоқий меъёрда истисно



ЁЛГОН АХЛОҚАН ТЎҒРИ БЎЛИШИ УЧУН СИЗ УНИНГ УНИВЕРСАЛЛИГИНИ, ЯЪНИ БАРЧАНИНГ ЁЛГОН ГАПИРИШГА ҲАҚИ БОРЛИГИНИ ТАН ОЛИШИНГИЗ ЛОЗИМ. ЯЪНИ ЁЛГОН АХЛОҚАН ТЎҒРИ БЎЛИШИ УЧУН, У УНИВЕРСАЛ БЎЛИШИ КЕРАК.

бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда унинг татбиқида ноизчилликлар келиб чиқади. Саҳнадаги тамошани яхшироқ кўриш учун тик туриб олсангиз, сиз учун яхши бўлар, аммо бу универсал қоида бўлса ва ҳамма томошабинлар сиз каби ўрнидан туриб олса, сизнинг тик туриб кузатишингиз билан ўтириб кузатишингиз ўртасида фарқ қолмайди. Кантнинг бу мезонини исталган ахлоқий меъёрни баҳолашга нисбатан қўллаш мумкин. (Исталган бирор хатти-ҳаракатни тасаввур қилинг, унинг ахлоқан тўғри ёки нотўғрилигини айни шу мезон асосида баҳолаб кўринг-чи.)

Аммо меъёрни ақлан англашнинг ўзи ахлоқли бўлиш учун етарлими? Ўғрилиқ ахлоқсизлик эканлигини била туриб, шу ишга қўл уриш ҳам мумкин-ку. Гап шун-



даки, бу ерда хулқ-атворни назорат қиладиган, ғайриақлий омиллар ҳам бор. Ақлга тобе бўлмаган ҳиссиётлар эътиқод ва хатти-ҳаракат ўртасида бўшлиқ пайдо қилиши мумкин. Нима ахлоқсизлигини биласиз, аммо ўша ишни барибир қиласиз. Нима учун шундай?

Ана шу жиҳатга маърифатчилик даври файласуфларининг иккинчи бир гуруҳи, ахлоқнинг пайдо бўлишида ақл эмас, ҳиссиёт бирламчилигини таъкидлайдиганлар эътибор қаратган. Бу файласуфлар асосан шотланд маърифатчилари

эди. Буларнинг ичида энг таъсирлиси Дэвид Ҳюм ва унинг шогирди Адам Смитдир. Улар ахлоқнинг шаклланишида эмпатиянинг ролига кўпроқ эътибор қаратишган. Эмпатия ўзгалар онги ва ҳиссиётини ўқий олиш ёки уни бевосита ҳис қила олиш қобилиятидир. Эмпатия симпатия каби ўзгага яхшилик қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин, аммо у ўзгага ёмонлик қилишдан тийилиш учун керак. Инсонларнинг ижтимоийлашуви, ўзаро ҳамкорлиги уларнинг яшаб қолиши учун бевосита йўл бўлса (survival strategy), эмпатия ана шу йўлдан кетувчиларнинг бирлигини таъминлайдиган зехний восита. Кимнингдир қўлини кесишаётганини кўрган одамнинг қўли жимирлаб кетиши эмпатия нафақат шунчаки ҳиссиёт, балки унинг етарлича физиологик асоси ҳам борлигини кўрсатади (кўзгу нейронлари ҳақида эшитган бўлсангиз керак).

Мен эмпатияни индивиднинг ўз туғишганларига нисбатан кузатиладиган алтруизмнинг бир қисми деб биламан. Эмпатия авлодни, туғишганларни ҳимоя қилиш,

генетик бардавомликни таъминлаш учун шаклланган эволюцион механизмлардан биридир. Аммо ҳар қандай эволюцион механизмни (истанг психологик механизмни) манипуляция қилиб бўлгани каби, эмпатияни ҳам, туғишганларга нисбатан шаклланган алтруистик майлни ҳам манипуляция қилиш мумкин. Дейлик, аслида ўз болангизни ҳимоя қилишга хизмат қиладиган туйғу бегонанинг боласига нисбатан ҳам узайиши мумкин. Эволюцион нуқтаи назардан бегонанинг боласига алтруистик муносабат ортиқча чиқим, шу маънода бу турдаги эмпатия манипуляция қилинган, ўз мақсадидан чалғиган эмпатиядир.

Ана шу “чалғиган эмпатия” ахлоқнинг бошида турган локомотивдир. Мен бу жиҳатдан шотланд файласуфларининг фикрини тўғрироқ деб биламан. Аммо бу етарли эмас. Эмпатия ўзи қандай қилиб чалғиб қолди, нима сабабдан? Инсондан бошқа ижтимоий жонзотларда ҳам бу учрайдими? Бунда ақлнинг роли бўлиши мумкин эмасми? Очиғи,

“
ҲАР ҚАНДАЙ ЭВОЛЮЦИОН МЕХАНИЗМНИ (ИСТАНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМНИ) МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИБ БЎЛГАНИ КАБИ, ЭМПАТИЯНИ ҲАМ, ТУҒИШГАНЛАРГА НИСБАТАН ШАКЛЛАНГАН АЛТРУИСТИК МАЙЛНИ ҲАМ МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ МУМКИН.

бу саволларга ўзим учун қониқарли жавоб топганим йўқ. Аммо бир жиҳатини таъкидлаш лозим, ақл мунтазамликни яхши кўради (logical consistency), у иккита бир хил ҳолат учун икки фарқли ҳукм чиқара олмайди. Учинчи кузатувчининг назарида сизнинг болангиз ва бегонанинг боласи бир биридан фарқ қилмаса, демак ҳар икки болага нисбатан айнаи бир хил муносабат ақлан тўғридир. Бу ҳиссиётнинг эмас, ақлнинг ҳукми. Агар ҳар бир хатти ҳаракат ақл тарозисига солинса, туғишганларга ва бегоналарга бўлган муносабат ўртасида фарқ бўлиши мумкин эмас. Биласизми, бу ерда ҳукми ақл чиқаради ва эмпатия чалғий бошлайди, энди сиз нафақат ўз болангизнинг очлигини, балки бегонанинг боласи очлигини ҳам ҳис қила бошлайсиз. Бу сизни бегонга ҳам яхшилиқ қилишга ундайди. Ундов ақлдан эмас, эмпатиядан келади, аммо ундовнинг ўзи вужудга келиши учун ақлнинг ёрдами керак. Эмпатия примитив шаклда инсондан бошқа ижтимоий жонзотларда ҳам учрайди, аммо фақат инсондагина унинг миқёси анча

кенг. Мен бунинг кенгайиши сабабларидан бири сифатида ақлни кўраман.

Тўғри, эҳтимол бу фаразим бугунги кундаги жамиятларгагина мос келар. Эҳтимол мингларча йиллар аввал ундай бўлмагандир? Шунчаки инсонларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини заруратга айтантирган ижтимоий иктисодий шароит ҳам бунга мажбур қилган бўлиши мумкин. Буни асослаш учун турли мифлар ҳам уйдирилган. Масалан, бир-биридан мутлақо бегона икки қабила ҳарбий иттифок тузгач, ўша икки қабиланинг илк аждодлари оға-ини бўлгани ҳақида бирор миф уйдирилади. Аммо ўша мифлар ҳам эмпатияни чалғитишга хизмат қилган, холос. Яъни бегоналар ҳам бизга яқин, бизга қондош, улар ҳам биз каби одамлар, биздек ўйлайди, ишонади, ҳис қилади, яшайди ва ўлади. “Улар бизга ўхшаш” – ана шу гапнинг ўзи ақл ҳукми саналади, ҳиссиёт эмас. Ақл шунчаки ҳиссиётни уйғотади, ҳиссиёт эса хатти-ҳаракатга таъсир қилади.

Шу мавзуда гап очилса, ўртага

”

ЭМПАТИЯ ПРИМИТИВ ШАКЛДА ИНСОНДАН БОШҚА ИЖТИМОЙ ЖОНЗОТЛАРДА ҲАМ УЧРАЙДИ, АММО ФАҚАТ ИНСОНДАГИНА УНИНГ МИҚЁСИ АНЧА КЕНГ.

диний талқинлар, эътиқодлар ҳам қўшилади, зеро дин асрлар давомида ахлоқнинг таянчилигига даъво қилиб келган. Мен ахлоқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний эътиқод бир жиҳатдан инкор қилсам, бошқа жиҳатдан қабул қилишим ҳам мумкин. Инкор қилганим шуки, ахлоқ тепадан бус бутун ҳолатда яхлит қоидалар тўплами сифатида тушиб қолмаган. Буни билиш учун тарих ва антропологияни ўрганишнинг ўзи кифоя. Эътироф қилган томоним шуки, агар холиқи инсон ахлоқни инсонларнинг туйғулари орқали етказган дейилса, эҳтимол, шундайдир дейман. Аммо буни илмий тасдиқлаб ҳам, инкор ҳам қилиб бўлмайди, шунчаки ишонилади.





Элдор АСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Миллий
археология маркази
катта илмий ходими,
филология бўйича фалсафа
доктори (PhD)

ШАЙБОНИЙХОН ШАХСИЯТИ НЕГА ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМОҚДА?

Совет тарихчилиги хонликларни нега ёмон кўрган?

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонларидан белгуладим”.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи киришидан олинган бу парча ўзбек китобхонига яхши таниш.

Хонлик замонини танқид остига олиш аслида Қодирий ижодигагина хос эмас. Ўзбек адабиётини, Ўзбекистонга бағишланган рус ориенталистикасини кўздан кечирсангиз, “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари” ҳақида яна бир қанча китоб топасиз: Акмал Икромовнинг ўғли Комил Икромов муаллифлигидаги “Пехотный капитан” романи Оллоқулихон замонидagi Хива хонлигини фош этади; Евгений Березиковнинг “Красная Бухара” романида XX асрнинг 10-йилларидаги Бухоро амирлиги қора бўёқларда тасвирланади; Миркарим Осимнинг хонликларга бағишланган қисса ва ҳикояларидан негатив уфуриб туради.

Мен ўзбек хонликлари ривожланган, кучли давлатлар бўлган демоқчи эмасман: улар айниқса мавжудлигининг охириги бир-икки асрида анча орқада қолиб кетгани бор гап. Лекин совет тарихчилигининг ўзбек хонликларига кескин салбий муносабатига бошқа шахсийроқ сабаб бор: СССРнинг Марказий Осиёдаги республикалари ўзбек хонликларининг “тиригини” кўрган, уларга қарши курашиб, уларни қулатиб, харобаларида тузилган давлатлар эди. СССР ва ўзбек хонликлари ўртасида конкрет идеологик мухолифат, қарама-қаршилик мавжуд эди. Хонликлар тарихини ёзган совет

фани ўтмишни ҳис-туйғусиз ёритишга эмас, идеологик рақибини тошбўрон қилишга уринарди. Бу хонликлар даврига холис ёндашишга, айрим арзирли воқеалар, ютуқлар, шахсларга тадқиқий эътибор қаратишга тўсқинлик қиларди.

Мустақил Ўзбекистон тарихчилиги ҳам совет даври парадигмаларидан чиқиб кетолмаяпти: совет мактаби яратган умумий қараш скелети, даврлаштириш тўлалигича сақлаб қолинган, тарихий шахслар пантеони деярли ўзгармаган (Амир Темур қўшилган), ёндашувлар деярли алмашмаган. Хонликлар даврига қайта баҳо беришга, уларнинг тарихини такроран ёзишга ҳаракат қилинмаяпти, умуман, бу мавзуга айтарли қизиқиш йўқ. Ўзбек миллати, Марказий Осиёнинг бугунги этник, сиёсий ва маданий қиёфаси шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган ўзбек хонликлари қолиб, улардан олдинги замонларга кўпроқ урғу берилади, хонликларга келганда эса Темурийлар давлати йўқ қилиниб, бунинг оқибатида қоқоқлик ва тушкунлик бошлангани уқтирилади.

Хонликлар даврининг умумий танқиди асносида Шайбонийлар давлати ҳам мана шу “қолоқлик фазаси” доирасига киритиб юборилади. 2001 йилда рус тилида чиққан “Очерки по истории государственности Узбекистана” китобининг ўзбек хонликларига бағишланган бобида Шайбонийлар даври қуйидагича тавсифланади: “Кейинчалик фақат баъзи Шайбоний ҳукмдорларгина вилоятлар ноибларининг эътирофини қозониб, марказий ҳокимиятни кучайтиришда маълум муваффақият қозона олган”. Ваҳоланки, Шайбонийлар даври чегаралари ва сиёсий тузилиши жиҳатидан кейинги асрлардаги хонликлардан фарқ қилади. Шайбонийларни замонасининг қоқоқ ва кучсиз сулоласи деб билиш адо-

латсизлик бўлади.

Ўзбек тарихчилигида Шайбонийхон ва Шайбонийларга нисбатан ёппасига бепарқлик ёки бепасандлик ҳукм сурапти десам, хато қиламан. Умумий манзара ўзгармаётгани билан, янгича қарашларни илгари сура диган тадқиқотчилар етарлича топилади; Шайбонийхон шахсиятини қайта баҳолашга хайрихоҳлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Масалан, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” фундаментал нашрининг юқоридагидан бир йил олдин чоп этилган биринчи китобида ҳам Шайбонийлар ҳақида стандарт парадигма такрорланади: “Қарийб бир асрга яқин давом этган Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинбарот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди” ва ҳоказо. Аммо Шайбонийхон ва Бобурнинг ўзаро курашлари ҳақида гап кетганда, китоб муаллифлари “бу икки ўзбек саркардаси, икки шоир ва давлат арбоби иттифоқлашиб, Темурийларнинг бутун Шарқ ва Ғарбга ёйилган шухратини



барқарор этиш, Соҳибқирон Амир Темури асос солган қудратли давлат шуқудини янада тиклаш ўрнига ўзаро кураш, уни эгаллаш билан банд бўлишди”, деб таъкидлайди.

Бобур, Шайбонийхон ва ўзбек миллий тарихининг ёзилиши

Ўзбек миллий тарихи модели турли идеологик курашлар асосида XX асрнинг 30-50 йилларида ишлаб чиқилган. Ўзбек тарихининг даврий ва географик чегаралари, шахслар пантеони, асосий концепциялар ўшандан буён унча ўзгаргани йўқ.

Бизга яхши таниш ўзбек миллий тарихи модели кейинроқ, 50-йилларда бутунлай ишлаб чиқилиб, расмий тус олган ҳамда китоблардан, дарсликлардан ўрин ола бошлаган. Бизга бутун мактаб-

ларда ўргатиладиган тарихий шахслар ҳам 40-50-йилларда саралаб олинган. Бунда асосан X-XV асрларга урғу берилган – айнан шу даврда Ўрта Осиёда маданий ва сиёсий юксалиш бўлган, деб қаралган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ватанпарварлик руҳини ошириш мақсадида бошқа даврларда яшаган айрим шахслар – қўзғолончилар, босқинчиларга қарши курашган арбоблар расмий пантеонга киритилиб, тарғиб қилинган.

Қизиғи, Бобур бобокаломи Темури сингари бошида бу рўйхатдан тушиб қолган. Ўзбек зиёлилари Темурийлар даврига катта эътибор қаратганига қарамай, Темурий ҳукмдор ва саркардалар феодал элита вакиллари сифатида миллий қахрамонлар пантеонига киритилмаган.

Мирзо Улуғбек каби олимлар, Алишер Навоий сингари шоирларгагина рухсат берилган.

Кейинчалик Бобурни машҳур қилиб юборган ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодиров 50-йилларнинг охирида ёзилган “Уч илдиш” романида ўша давр университети таълимида Бобур золим босқинчи қилиб кўрсатилганини қисгириб ўтган.

Кейинги ўн йилликларда Бобурнинг номи реабилитация қилинди. У адабиёт антологияларига киритилди, китоблари чоп этилди. Лекин бунинг оқибатида Шайбонийхоннинг имижига янада

негативлаштириш – у энди дилбар шоир, ҳассос инсон Бобурнинг душманига айланди.

Уни қувиб юборган, Темурийлар давлатини қулатган босқинчи номини олди.


Шайбонийхонга қарши эътирозлар асослими?

Шайбонийхон ҳақидаги ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларга эътибор берсангиз, ундаги аргументлар зиёли қатлам, тарих иштиёқмандлари нега Шайбонийхонни муҳим тарихий шахс сифатида тан олгиси келмаётганини очиқлайди: Темури салтанатини қулатган, мустаҳкам давлат ярата олмаган, “маънавиятли”, бағрикенг инсон бўлмаган, бу юртга бостириб келган, кўчманчи, демакки, “ёввойи” бўлган. Шунингдек, қиёсий аргумент кўп илгари сурилади: Бобур буюкроқ бўлганми, Шайбонийхонми? Шайбонийхон Темуричалик буюк бўлганми?

Раддия тарзида ёзилган постлардан биридаги фикрлар диққатга сазовор: “Аслида Шайбонийхон Бобур каби билимдон, маънавияти бой, бағрикенг бўлганми? Захириддин Муҳаммад Бобур ва Шайбонийхоннинг қилган ишларини тарих параллелида солиштириб кўрадиган бўлсак, Бобурнинг тоши рақибникидан анча оғир келади”.

Бу ўзбек академик доираларида энг кўп янграйдиган аргументдир. Бир замонлар, Ph.D да ўқиб юрганамда Амир Темури даврини ўрганувчи бир профессордан “нега Шайбонийхон шахсиятига етарли эътибор беришмайди?”, деб сўраганимда, зарда билан “у Темурининг олдида ҳеч нарса бўлмаган!”, деган эди.

Бир шахсга баҳо бериш учун уни бошқа шахс билан қиёслаш тўғри ҳулосалар келтириб чиқармайди: ҳамма бирдай буюк, бирдай кучли бўла олмайди, илло ҳар кимнинг тарихда ўз ўрни бор. Шайбонийхон Темуричалик катта ишлар қилмагандир, лекин Темури ҳам Чингизхончалик катта ишлар қилмаган. Қиёсийнинг охири йўқ. Чамамда, баъзи



тадқиқотчилар Шайбонийхон образини бўрттириб кўрсатиш Бобур образига путур етказди, деган хавотирда бўлса керак, зеро, Бобурнинг идеаллаштирилиши жараёнида Шайбонийхоннинг роли пасайтирилган.

Шайбонийхон юришларининг қандай аҳамияти бор?

Мен Шайбонийхоннинг фаолияти Марказий Осиёда янги даврни бошлаб бергани, у ўрнатган тизим XX аср бошларигача сақлангани борасидаги хулосаларига қўшиламан. Бунга қўшимча равишда айтишим мумкинки, Шайбонийхон ҳамда унинг Дашти Қипчоқдаги рақиблари – қозоқ хонлари бошлаб берган жараёнлар яна икки асрча давом этиб, Марказий Осиёнинг бугунги этник, лисоний, маданий ва сиёсий картинаси шаклланишига замин яратди: ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизлар шаклланиб, бугунги географияларида жойлашди, уларнинг тили ва маданиятидаги ўзига хослик шакллана бошлади. Олдинги халқлар – чигатоёлар ва мўғуллар сиёсий мавқеини йўқотиб, бошқа халқлар, жумладан, ўзбеклар ва қозоқлар таркибига қўшилиб кетди.

Баъзида “ўзбеклар бостириб кирмаганда ҳам ҳеч нарса ўзгармасди, фақат номимиз бошқача бўларди”, қабилидаги фикрларни эшитиб қоламан. Бундай қараш расмий тарихда ҳукм сураётган стереотиплардан илдизланади. Айтайлик, Аҳмадали Асқаровнинг 2015 йилда чоп этилган “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли китобида яна ўша эски советча гаплар такрорланиб, Шайбоний ўзбекларнинг роли пасайтириб кўрсатилади, гўёки улар минтақадаги этник вазиятга ҳеч қандай таъсир ўтказмагандай таассурот уйғотилади. Аммо тарихий фактлар бунинг тескарисини кўрсатмоқда.

Биринчидан, халқни шакл-

Шайбонийхон ҳамда унинг қариндошлари билан биргаликда минтақага 370 минг одам кириб келган; XVI–XVIII асрларда яна бир неча миграция рўй берган. Қолаверса, кўп чигатоё ва мўғул қабилалари ўзбеклар билан бирлашган.

лантиришда ўзлик, ном жуда муҳим ўрин тутди. Ўзликни ташкил этувчи этноним ёки политоним, унинг ортида турган тарихий ва маънавий капитал миллатни бирлаштиришда тил ёки маданиятдан устунроқ омилдир. Бир тилда гапирувчи молдавон ва руминлар бир-бирини бошқа-бошқа миллатлар ҳисоблайди, лекин ҳар хил тилда гапирувчи хитойлар ўзини ягона миллат деб билади; бир тилда гапирувчи хорватлар, серблар, бошноқлар ўзаро қирғинбарот урушлар гирдобидида қолган бир пайтда турли этнослар бирлашувидан ташкил топган немислар,

французлар ва итальянлар дунёни бошқариб келди.

Шайбонийларнинг ўзбек тарихидаги ўрнини кўрсатувчи бир факт бор. Хоразм вилояти узоқ тарихи мобайнида кўпинча алоҳида сиёсий ва маданий бирлик бўлиб келган; XVI аср бошларида ҳам Хоразмда, ҳам Мовароуннаҳрда ўзаро қариндош ўзбек сулолалари иқтидорга келиши туфайли уларнинг ўзлиги умумийлашган, уларнинг негизида ягона миллат шаклланишига пойдевор қўйилган. Буни яхши тушунган машҳур америкалик ўзбекшунос Эдуард Олльворт ўзбек халқи ва давлати тарихини Ўзбекхондан ва Абулхайрхондан бошлайди.

Иккинчидан, Темурийлар давлатида туркий тилли чигатоёлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилмаган: шаҳарларда, ўтроқ туманларда, айниқса, Хуросонда аксарият форс тилида гапирган. Чигатоёлар асосан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Балх ва Толукондаги яйловларни эгаллаган.

Баъзи вилоятларда, масалан, Фарғона водийсининг шарқий қисми, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими, шунингдек, Темурийлар ва Олтин Ўрда ўртасидаги баҳсли ҳудуд бўлмиш Хоразмда туркий тил устунлик қилган.





“Бобурнома”да келтирилган Фарғона вилояти таърифига эътибор беринг: муаллиф вилоят “етти пора қасаба”га, яъни етти туманга бўлинишини айтади ва шулардан фақат Андижоннинг аҳолисини турк деб таърифлайди. Андижондан ташқари, йирик шаҳарлардан Тошкент ва Қаршида нисбатан кўп туркий тилли аҳоли яшаган; Самарқанд, Балх ва Хиротда чиғатойлар фақат аристократия ва ҳарбийларни ташкил қилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Шайбонийхон ҳамда унинг қариндошлари билан биргаликда минтақага 370 минг одам кириб келган; XVI–XVIII асрларда яна бир неча миграция рўй берган. Қолаверса, юқорида айтганимдек, кўп чиғатой ва мўғул қабилалари ўзбеклар билан бирлашган. Бу жараёнлар натижасида Мовароуннаҳр ва Фарғонада,

Хуросоннинг шимолий вилоятларида туркий тилли аҳоли – ўзбеклар кўпчилиқни ташкил эта бошлаган. Айнан ўзбекларнинг фаол миграцияси натижасида туркий тил яйловлардан шаҳарларга кўчган – Марғилон, Жиззах, Шахрисабз, Шибирғон, Маймана каби шаҳарлар XVI–XVII асрларда туркий тилга ўтган; бундан ташқари, ўзбеклар Кўқон, Каттақўрғон, Шахрихон, Урганч сингари шаҳарларни бунёд этган.

Ўзбекистон харитасига қарасангиз, ўзбек қабилалари номига аталган юзлаб, балки минглаб катта-кичик қишлоқни учратасиз; Фарғонадан Хоразмгача қўштамғали, қўнғирот, юз, қанғли, манғит, пичоқчи, баликчи, айрончи, уйрот, кенас, тўжа, қарапчи, чағали, туғали, қатағон, олқор, дўрмон, минг, баҳрин, сарой, қипчоқ, дархон, сирғали, кўкча, уйшин, жалойир каби номлар сочилиб ётибди.

Ўзбекларнинг йирик гуруҳлари шаҳарлашиб, қарлуқ ва ўғуз шеваларига ўтиб кетганига қарамай, ҳалигача қипчоқ шевалари Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент каби вилоятларда ниҳоятда кенг тарқалган.

Совет ўзбек этнографи Балқис Қармишева XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жанубий вилоятларида келиб чиқиши Дашти Қипчоққа бориб тақалувчи ўзбеклар мутлақ кўпчилиқни ташкил этишини аниқлаган эди. Шу далилларнинг ўзиёқ ўзбеклар Мовароуннаҳр, Хоразм ва Фарғонага не қадар катта оқим бўлиб кириб келганини кўрсатади.

Шайбонийхон бошлаган ишини яқунига етказа олмай, 1510 йилда Исмоил Сафавийга қарши жангда ҳалок бўлган. Унинг фарзандлари, амакилари ва жиянлари тез орада бирлашиб, Ғиждувон жангида Бобур – Сафавий коалицияси устидан ғалаба қозонган ва Мовароуннаҳрда узил-кесил ўз ҳокимиятини ўрнатган. Айтиш керакки, улар тузган давлат – Бухоро хонлиги анча қудратли, барқарор ва мустаҳкам эди; Шайбонийлар Усмонлилар, Сафавийлар ва Бобурийлар қаторида мусулмон дунёсини бўлиб олган тўрт йирик кучдан бири ҳисобланарди. Шайбонийхондан кейин ҳукм сурган хонлар – амакилари Суюнчхўжагон ва Кўчкунчихон, жияни Убайдуллахон ва унинг ўғли Абдулазизхон йирик давлат арбоблари эди. Уларнинг фаолиятини ўргансангиз, улар мамлакатни шиа экспансиясидан сақлаб қолганини, ҳудудларини кенгайтириб борганини, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиб, давлатни мустаҳкамлаганини кўрасиз. Уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотларга муҳтож, ўрганилмай қолиб кетётган йирик тарихий шахслардир.

Шайбоний ҳукмдорлар сиёсий ва ҳарбий фаолиятдан

ташқари, фан ва маданиятга ҳомийлик қилган. Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдулазизхон дилбар шеърлар ёзган, Кўчкунчихон таржимонликни рағбатлантирган; Шайбонийлар даврида туркий тилда тарихий солномалар ёзила бошланган. Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ҳам аксарияти Темурийлар даврида эмас, Шайбонийлар ҳамда улардан кейинги ўзбек сулолаларининг буюртмасига биноан қурилган.

Хуллас, Шайбонийлар сулоласи анча қудратли, катта ва барқарор давлат яратиб, бир аср давомида минтақанинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ўсишини таъминлаган. Уларнинг даврида фан ва маданият ривожланган. Ғарбдан иқтисодий, техник ва маданий томондан ортада қолиш кейинги асрларда кўзга ташлана бошлаган ва умуман мусулмон оламига хос ҳодисадир. Бу – алоҳида ва жуда катта мавзу.

Лекин Шайбонийларнинг асосий хизмати ўзбек халқи ва давлатининг тамал тошини қўйгани, минтақадаги этник ва сиёсий вазиятни ўзгартириб юборганидир. Улар кўп жиҳатдан бутунимизни, минтақа халқларининг жорий маданий ва этник қиёфасини белгилаб берган сулоладир.

Дунёда қандай?

Жаҳон фани Ўзбекистон академиясида ҳукмрон позицияда турган концепцияни асосли деб ҳисобламайди. Ўзбек давлатчилигини Сўғдиёнаю Бактрияга боғлашни, Шайбонийлар ва ўзбек хонликларининг ролини инкор қилишни дунё олимлари сиёсий конъюнктура меваси, деб билади. Инглиз тилидаги тадқиқотларда, замонавий антропологик назарияларга асосланган рус тилидаги матнларда мутлақо бошқача ёндашувни учратасиз.

Шайбонийхоннинг тарихий роли тан олиниши аввало, расмий тарих халқ хотирасига мувофиқ келишига олиб келади. Расмий парадигма академик позицияга, тарихий ҳақиқатга максимал даражада яқинлашиши таъминланади.

Илгарироқ Олвортнинг қарашларига тўхталиб ўтдим. ЮНЕСКО шафелигида тайёрланган фундаментал тадқиқот – History of Civilizations of Central Asia китобининг XVI–XIX асрлар тарихига бағишланган бешинчи жилдида ҳам шунга яқин ёндашувни учратасиз.

Хозирги кунда қўшни Қозоғистон тарихчилари ўз методикасини жаҳон академиясига мослашга уришиб, қозоқ давлатчилиги тарихини XV асрдан – Қозоқ хонлигидан бошламоқда. 2015 йилда Қозоғистонда Қозоқ хонлигининг 550 йиллиги нишонланди. Бошқа соҳаларда бўлганидек, тарихчиликда ҳам улардан ўрганадиган нарсаларимиз бор.

Хулоса ўрнида

Шайбонийлар бугунги Ўзбекистонга нима бера олади?

Узуқ-юлуқ фикрларимни эринмай ўқиб, охири бандга етиб келган ўқувчиларга миннатдорлик билдираман. Юқорида Шайбонийхонга беписандлик ўзбек фани ва адабиётида совет даврида шаклланиб қолган, тарихий хотирага алоқадор бўлмаган стереотипик қараш эканини кўрсатишга интилдим. Бирор шубҳа қолган бўлса, эринмай

XVI–XIX манбаларини кўздан кечиринг: у кезлари ўтмиш ҳозиргидан тамомила бошқача тушунилгани, тарихий шахслар ва қаҳрамонлар бошқа бўлгани, Чингизхон, Абулхайрхон, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II янглиғ арбоблар расмий пантеонни ташкил қилганини кўрасиз.

Мабодо бунга сиёсий буюртма, сарой тарихчилиги деб ўйлайдиган бўлсангиз, халқ оғзаки ижодига мурожаат этинг. Фольклоршунос Ходи Зариф бахши Пўлқан шоирдан ёзиб олиб, 1928 йилда нашр эттирган “Шайбонийхон саргузашти” номли халқ достонида Шайбонийхон бош қаҳрамон, антагонист эса Бобур ролида гавдалантирилган. “Ўзбек адабиёти тарихи” фундаментал тадқиқотининг биринчи китобини ёзган адабиётшунос Натан Маллаев халқ хотирасидаги Шайбонийхон ва Бобур образлари расмий тарихчиликка мос келмаганини тушунтиришга уришиб, дунёдаги бу образлар реал тарихий шахсларга алоқаси йўқ, деган хулоса чиқаради. Аммо унинг хулосаси зўрма-зўраки экани кўришиб турибди.

Шундай экан, Шайбонийхоннинг тарихий роли тан олиниши аввало, расмий тарих халқ хотирасига мувофиқ келишига олиб келади. Бундан ташқари, совет тарихчилигининг идеологик клишеларидан воз кечилиб, расмий парадигма академик позицияга, тарихий ҳақиқатга, дунё фанидаги тенденцияларга максимал даражада яқинлашиши таъминланади.

Бу, ўз навбатида, миллий тарих шахслари пантеонини янада бойитади. Фақат Амир Темур ва Жалолiddин Мангубердидан иборат сиёсий арбоблар рўйхати ўтмишнинг бойлигини ва буюклигини кўрсатиш учун камлик қилади, менимча. Ўзбек сиёсий тарихи жиддийроқ тадқиқотларга муҳтождир.

Феруза ЖУМАНИЁЗОВА,
Шарқшунослик институти катта
илмий ходими, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори

«ИЛОҲИЙ ҲИЙИ». ҚУПКАРИНИНГ ТАРИХИНИ БИЛАМИЗМИ?

Қўпқари ўйини туркий халқларнинг миллий от ўйинларидан биридир. Ҳозирги кунда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистонда кенг тарқалган миллий спорт саналади. Эр йигитнинг ори, чавандозлик ҳамда эпчиллик маҳоратини синовчи ушбу миллий спорт минг йиллардан бери туркий халқларнинг ажралмас ва ўзига хос от мусобақасидир. Ушбу ўйин ўзбекларда «қўпқари» ёки «улоқ», қирғизларда «қўқбўру», қозоқларда «қўқпар торту», тожиклар ва афғон ўзбекларида «бўзқаша» деб юритилади.

Шунингдек, русчадаги қўпқарини англатувчи «козлодрание» атамаси қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов тарафидан унинг романларида («Алвидо, Гулсари» ва бошқалар) қўп марта тилга олинган. Олтойдаги туркий қавмлар ва қирғизларда бу ўйиннинг чавандозларига «бўрилар», шимол қирғизлари бу миллий спортни «улоқ тортиш», ўйинчиларни эса «улоқчилар» деб аташади.





Қадимдан от ўйинлари туркий халқлар ижтимоий ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлган. Қозоғистоннинг шимолидан топилган Ботай маданияти вакиллари бундан 5,5 минг йиллар олдин ёввойи отларни хонакилаштирганлиги археологик материаллар орқали мутахассисларга маълум. Туркий халқларда миллий от спортининг кўпқаридан бошқа турли номдаги шакллари — қиз қумай, йигит қуу, чавгон, эниш/оодариш, от устида қураш, уқурук салмақтуу, олтин қобоқ, бейге (пойга), аудариспак, тенге алу, жамби атуу, ат омираулаштируу, жорға жарис, кумис алуу ёки жузук илуу, тумак уруу каби от ўйинлари мавжуд. Бироқ кўпқари улар ичида энг машҳури ва энг олдингиларидан саналади.

Аслида бу ўйиннинг энг эски номи «кўкбўри / кўкбўру» деб ҳисоблаш мумкин, бу ном қадимий умумтуркий атамадир. Жуфт ўзакдан келиб чиққан «кўкбўри» атамасининг биринчи қисми «кўк» аслида «мовий ранг» маъносини бериши ҳаммага маълум. Эски туркийчада «кўк» тўғридан-тўғри Тангрини англатган, яъни Кўктангри қадимги турк халқларининг диний инончларида умумий бир культ сифатида қабул қилинган. Кўктангри илоҳларнинг энг улуғи ва туркий халқларга жангу жадалларда зафар келтирувчи, фалокатлардан асровчи ва ҳоқонларни тахтга чиқарувчи ҳамда уларга «қут» (барака) ато этувчи дея талқин қилинган. Ҳоқонлар ер юзида Кўктангрининг вакиллари, деб қаралган. Шунинг учун бўлса керак, туркийларни англатган ранг ҳамisha кўк / мовий бўлган.

Иккинчи ўзак эса бўридир. Маълумки, қадимги туркийларнинг муқаддас ҳайвони, яъни тотеми — бўри бўлган. Қадимги даврлардан бери бўри туркийларнинг йўл кўрсатувчи, ақл ва жасорат берувчи, эркинлик ва мустақилликнинг симболи сифатида қабул қилинган. Хитой манбаларида турк хоқони билан бирга бўри атамаси баробар тушунилган, яъни куч-қудратли хоқонларга «тамоман бўри хусусиятига эга одам» деб баҳо берилган.

Қадимги туркийларнинг муқаддас ҳайвони бўлган бўрини «кўкбўри» деб аташининг сабаби бор эди, албатта. Бир нарсани таърифлаш учун «кўк» сўзи билан аташ уни янада муқаддаслаштириш ва уни қадимги туркийларнинг илоҳи — Тангри билан боғлаш истайдиган келиб чиққан. Этнографлар Олтойдаги туркий қавмларда бўри улиган пайти олтойликлар Қурт (бўри)

Тангридан ўзларига барака ва емак сўраш одати бўлганини ёзишади. Хусусан, «Ўғузнома»да «кўк юнгли, кўк ёлли» (илоҳий, муқаддас) бўрининг Ўғузхонга йўл кўрсатгани айтилади.

Шундай қилиб, кўпқари номининг эски шакли «кўкбўри», «Тангрибўри» деган маънони беради. Олтойда яшаган туркий қавмларнинг бу ўйин пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий-мифологик қарашига кўра, кўкбўри ўйини чавандозларининг кучи ва қувватини кўрсатган, бўрилар галасига ўхшаган инсонлар гуруҳи руҳини англатган қадимий спорт туридир. Олтойнинг қадимги туркийларида кўкбўри номи «тотем / муқаддас бўри — она» маъносини берувчи чуқур фалсафий англаш билан бўрига бўлган муносабатни билдирувчи ҳамдир.

Маълумки, бўри Евросиё номадлари тасаввурида қадимий зоотип ва тотемларидан бири бўлган. Шунинг учун бўри образини Евросиё кўчманчилари санъатида ва ижтимоий ҳаётида кўп учратиш мумкин. VI асрдан кейин Хитой манбаларида Ашина турклари бўри боши сурати туширилган байроқ билан тасвирлана бошлайди.

Хуллас, бўри Турк хоқонлигининг бош уруғи — Ашина туркларининг рамзи эди. Туркийларни келиб чиқиши ҳақидаги ривоятда ҳам бўри марказий ўринни эгаллайди: «... Бу хонадон бир қўшни ҳукмдорлари томонидан қириб ташланади ва мутлақо йўқотилади. Фақат ўн яшар бола қолади. Душманлар унинг ёш эканини кўриб, оёқ ва қўллари кесиб ташлаб, ўт-ўлан билан қопланган қўлга ташлаб кетадилар. Урғочи бўри уни гўшт билан боқа бошлайди. Қўшни қабила бошлиғи боланинг тириклигини эшитиб уни ўлдиришга қайта одам жўнатади. Элчилар болани урғочи бўрининг этагида кўриб, уни ҳам ўлдиришни истадилар. Шу замонларда, хитой ривоятларига кўра, бу урғочи бўри ғарбий денгиздан шарқдаги мамлакатда, Гаочандан шимолий ғарбдаги тоғларда пайдо бўлади.

Ҳуллас, бўри Турк хоқонлигининг бош уруғи — Ашина туркларининг рамзи эди. Туркийларни келиб чиқиши ҳақидаги ривоятда ҳам бўри марказий ўринни эгаллайди: «... Бу хонадон бир қўшни ҳукмдорлари томонидан қириб ташланади ва мутлақо йўқотилади. Фақат ўн яшар бола қолади. Душманлар унинг ёш эканини кўриб, оёқ ва қўллари кесиб ташлаб, ўт-ўлан билан қопланган қўлга ташлаб кетадилар. Урғочи бўри уни гўшт билан боқа бошлайди. Қўшни қабила бошлиғи боланинг тириклигини эшитиб уни ўлдиришга қайта одам жўнатади. Элчилар болани урғочи бўрининг этагида кўриб, уни ҳам ўлдиришни истадилар. Шу замонларда, хитой ривоятларига кўра, бу урғочи бўри ғарбий денгиздан шарқдаги мамлакатда, Гаочандан шимолий ғарбдаги тоғларда пайдо бўлади.

Ҳуллас, бўри Турк хоқонлигининг бош уруғи — Ашина туркларининг рамзи эди. Туркийларни келиб чиқиши ҳақидаги ривоятда ҳам бўри марказий ўринни эгаллайди: «... Бу хонадон бир қўшни ҳукмдорлари томонидан қириб ташланади ва мутлақо йўқотилади. Фақат ўн яшар бола қолади. Душманлар унинг ёш эканини кўриб, оёқ ва қўллари кесиб ташлаб, ўт-ўлан билан қопланган қўлга ташлаб кетадилар. Урғочи бўри уни гўшт билан боқа бошлайди. Қўшни қабила бошлиғи боланинг тириклигини эшитиб уни ўлдиришга қайта одам жўнатади. Элчилар болани урғочи бўрининг этагида кўриб, уни ҳам ўлдиришни истадилар. Шу замонларда, хитой ривоятларига кўра, бу урғочи бўри ғарбий денгиздан шарқдаги мамлакатда, Гаочандан шимолий ғарбдаги тоғларда пайдо бўлади.

Ҳуллас, бўри Турк хоқонлигининг бош уруғи — Ашина туркларининг рамзи эди. Туркийларни келиб чиқиши ҳақидаги ривоятда ҳам бўри марказий ўринни эгаллайди: «... Бу хонадон бир қўшни ҳукмдорлари томонидан қириб ташланади ва мутлақо йўқотилади. Фақат ўн яшар бола қолади. Душманлар унинг ёш эканини кўриб, оёқ ва қўллари кесиб ташлаб, ўт-ўлан билан қопланган қўлга ташлаб кетадилар. Урғочи бўри уни гўшт билан боқа бошлайди. Қўшни қабила бошлиғи боланинг тириклигини эшитиб уни ўлдиришга қайта одам жўнатади. Элчилар болани урғочи бўрининг этагида кўриб, уни ҳам ўлдиришни истадилар. Шу замонларда, хитой ривоятларига кўра, бу урғочи бўри ғарбий денгиздан шарқдаги мамлакатда, Гаочандан шимолий ғарбдаги тоғларда пайдо бўлади.

АСЛИДА БУ ЎЙИНИНГ ЭНГ ЭСКИ НОМИ «КЎКБЎРИ / КЎКБЎРУ» ДЕБ ҲИСОБЛАШ МУМКИН, БУ НОМ ҚАДИМИЙ УМУМТУРКИЙ АТАМАДИР. ЖУФТ ЎЗАКДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН «КЎКБЎРИ» АТАМАСИНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИ «КЎК» АСЛИДА «МОВИЙ РАНГ» МАЪНОСИНИ БЕРИШИ ҲАММАГА МАЪЛУМ. ЭСКИ ТУРКИЙЧАДА «КЎК» ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАНГРИНИ АНГЛАТГАН, ЯЪНИ КЎКТАНГРИ ҚАДИМГИ ТУРК ХАЛҚЛАРИНИНГ ДИНИЙ ИНОНЧЛАРИДА УМУМИЙ БИР КУЛЬТ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.



нологик хотираларга алоқадорлигини кўриш мумкин. Бундан кўпқари / кўкбўри ўйинининг қадимги туркий жамоа шакллана бошлаган қадимий даврларга бориб тақалади, деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, ушбу ўйин туркийларнинг афсонавий тотеми — Кўкбўри (муқаддас бўри) шарафига атаб ўйналган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Кўкбўри / кўпқари ўйинининг пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Чавандозлар қўйлар сурувиға хужум қилган ва уларни ғайриоддий овлаш шаклини тақлид қилиш натижасида бу ўйин келиб чиққан, шунинг учун ҳам бу ўйин «кўкбўри» деб аталган, дея мутахассислар таъкидлайди. Ўйин тактикасини қадимий бир жанг таълимоти сифатида қараш ҳам мавжуд. Бу ўйинда чавандоз ва от бир-бирини сўзсиз ҳаракатлар билан тушунган ҳолда асосий мақсад сари ҳаракат қилиши ҳам диққатга сазовордир.

Шунингдек, қадимги туркийларнинг жанг анъаналарига кўра, ўлган жангчининг жасадини жангдан олиб келган аскарға унинг молу мулки берилар эди. Бу анъана бир қарашда кўпқари ўйинининг тактикасини ҳам англатади. Ўйин кўклам келиши билан ўйналганини кўчманчи тамаддуннинг ўтроқ маданият билан омихталашуви нодир намунаси бўлган қадимги туркийларнинг қишнинг суронли кунларидан эсон-омон чиқиб, ушбу халқларнинг энг яқин дўсти ва ҳаёт манбаи бўлган — отлар ва арғумоқлар билан биргаликда нишонлагани аслида инсон ва буюк даштнинг энг йиртқич ҳайвони — муқаддас бўри билан илк учрашуви шарафига уюштирган деб ҳам санаш мумкин.

Этнографлар қирғиз қарияларининг ривоятлари асосида қирғизларда ушбу ўйиннинг шаклланишини қадим замонлардан бўрини овлаш анъанаси таъсирида келиб чиққаниға урғу берадилар. Яъни бир гуруҳ чавандозлар бўрини орқасидан қувган, қалин қорда уларни қувалаб, бошларига катта хода / таёқ билан уриб ўлдиришган ва уни эгарига ортиб уйига олиб келишға уринган. Бошқа чавандоз дўстлари эса бўрининг жасадини чавандознинг қўлидан олишға уринган, бу шаклда бўри овлаган чавандозлар бўри жасадини қўлма-қўл ўтказиб, уйға қайтаркан кўпқари ўйиниға ўхшаган ҳаракатлар қилган ва бунинг натижасида кейинчалик кўкбўри ўйини келиб чиққан. Қишлоққа келганларида ким бўрини ўлдирган бўлса, ўша чавандоз унинг терисини ўйига олиб кетган.

Аммо бўри овлаш таъсирида бу ўйин пайдо бўлганини инкор қилувчилар ҳам бор. Уларнинг фикрича, бўри ва отни бир марказда тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳолат. Чунки от бўридан кўрқадиган ҳайвон ва у бўрини кўрганча уни соатларча қувалай олмайди, аксинча, ундан ҳуркиб қочади, дейишади. Бундан келиб чиқадики, кўкбўри ўйини бўрини отлар ёрдамида ўлдириш асносида шаклланган эмас, балки туркий халқларнинг ўз тотеми — Муқаддас бўриға бўлган ритуал муносабати таъсирида юзаға келган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўпқарини ота-боболаримиз — қадимги туркийлар ўз даврида сеvimли ўйинлардан бири деб билган. Ўша вақтларда ҳам тўйларни, Наврўз байрамини кўпқарисиз тасаввур қилиш қийин бўлган.

ОНАМНИНГ ЮРТИ

(Ҳикоя)



Хайриддин СУЛТОНОВ,
ёзувчи

...Онамнинг юрти кун-чиқардами, кунботардами, дарё ортидами, тоғлар бағридами, дашту биёбонлар қўйнидами — бирортамиз билмас эдик. Фақат, унинг тенгсиз гўзал бир маскан эканини англардик. У юртда осмон — осмон эмас, мушфиқ она; тоғлар — тоғ эмас, меҳрибон падар; гуллар — гул эмас, мунис ҳамшира; у ерда одамларни хўроз қичқириви эмас, булбул навоси уйғотади...

Ниҳоят, онамнинг юртига жўнар бўлдик.
Онамнинг юрти!

Эсимни танибманки, бу сўз хотирамга олис эр-так бўлиб, маънос алла бўлиб ўрнашган. То ҳануз қулоқларим остида сўнмас бир кўшиқ янглиғ жаранглайди у.

Шу пайтгача онам тилидан унинг таърифигина эшитардик. Шу пайтгача унинг қайдалигини, қандай жой эканини билмасдик; онамнинг юрти — онамнинг ўтли армони эканини сезардик, холос.

Онам етти-саккиз яшар гўдак чоғида юртидан айрилган экан.

«Адоғи йўқ тупроқ йўлдан аравага тушиб келганим ёдимда, — дерди онам ва шу заҳоти кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетарди. — Отам билан онамни элас-элас эслайман. Отам соқоллари узун-узун, қизил юзли одам эди. Онам жудаям новча эди, ўрнидан турганида, бошини кунга уриб олмасайди, деб кўрқардим...»

Онамнинг юрти кунчиқардами, кунботардами, дарё ортидами, тоғлар бағридами, дашту биёбонлар қўйнидами — бирортамиз билмас эдик. Фақат, унинг тенгсиз гўзал бир маскан эканини англардик. У юртда осмон — осмон эмас, мушфиқ она; тоғлар — тоғ эмас, меҳрибон падар; гуллар — гул эмас, мунис ҳамшира; у ерда одамларни хўроз қичқириғи эмас, булбул навоси уйғотади.

Орадан не бир замонлар — олтмиш олти йил ўтганига қарамай, онам ҳамон тақдирига тан бермас, ҳамон уфқдан кўзи ва кўнглини узолмас, ҳамон юртининг таърифигина тилдан қўймас эди. Биз ҳам бунга ўрганиб қолган эдик. Баъзан тоғу тошлар аро кўмилиб ётган шу кичкинагина қишлоғимиз зериктирганда, баъзан нимадандир ранжиганимизда, гоҳ эса юрагимиз бесабаб ғуссага тўлганда онамнинг олис, номаълум ва сирли юртига бош олиб кетгимиз келарди.

Мана, ниҳоят, унинг дараги топилди!.. Онамнинг қувончини сизга қандай тасвираб берай? Йўқ, чамалаб кўрдим, қўлимдан келмас экан. Буни тасаввур қилмоқчи бўлсангиз, яхшиси, онангиз қувонган кезларда, аниқроғи, уни ўзингиз бир оғиз ширин сўз биланми, бир савоб иш биланми қувонтирган дамларингизда аста кузатинг. Афсус, минг афсус, бундай онлар ҳаётимизда қанчалар кам: биз — фарзандлар, оналаримизга шодлик ўрнига аксар ранжу алам етказамиз, холос.

Хуллас, юртининг дарагини эшитди-ю, онам бир кечада яшариб кетди. Ҳар кеча сирқираб азоб берадиган оёғининг оғриғини ҳам унутгандек бўлди. Энди унинг етмиш учга кирганига ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам ишонмас эди.

«Наҳот туғилган юртимни бир кўрмай кетсам?» дерди онам мудом хўрсиниб. Мен эса, гоҳ кулиб, гоҳ жиддий тортиб, энди мусофиру муҳожир деган

гаплар қолмаганини, мана шу бепоён мамлакат, шу ажиб диёр барчамизнинг ягона ватанимиз эканини ётиғи билан уқтирмоқчи бўлардим. Онам гапларимни жимгина тингларди-ю, кўз ёши тинмасди.

Билардим, унинг дарди пинҳон, кўнгли ярим, бироқ уни бутун қилмоққа ожиз эдим: урушда нобуд бўлган икки оғамни тирилтиролмасам, на юрагидаги, на оёғидаги оғриқни суғуриб ололмасам...

Онам ҳадемай чевара кўради, лекин ҳануз мени ҳимоясиз гўдак билади — худди тўрт яшар болани асраб-авайлагандек тежаб-тергайди; ҳали-ҳозир жиндек кеч қолсам, иягини ёстикқа тираганча йўлимни пойлайди, қорамни кўриши билаи беозор койиб қўяди: «Намозшом арвоҳдай шу пайтгача тентираб юрибсанми? Соат неча бўлди?» «Бир», дейман бамайлихотир уст-бошимни ечарканман. «Э, гапирмае! — дейди онам ранжиб. — Бир қолдим, аллақачон ўн бўлгандир!»

Онам соатни билмасди — юртини, наслу насабини билмаганидек.

Авваллари ёш эдим, онамнинг дарди дилини англамас эканман. Фақат кўп йиллар кейин, бошимдан турли савдолар кечиб, оқ оралаган сочларим бир-бир тўкила бошлагандагина бу ҳақда бот-бот ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Ва шундан сўнг онамнинг юртини излашга киришдим.

Онам ёшлик йиллари, жамалаксоч қизча пайтида эл қатори бурчоқ тергани чиққан. Бурчоқ териб юриб адашган. Адашгану қайтиб на ота-онасини, на юртини кўрган. Ёдида қолгани — баланд аравау узун тупроқ йўл.

Онамнинг юртини гоҳ интизор бўлиб, гоҳ умидсизликка тушиб, сабр-чидам билан узоқ изладим. Қўшнимизнинг Раззоқ деган бир ўғли Тошкентда, радиода ишларди. Шу йигит кўп ёрдам қилди. Биргалашиб ёздик, биргалашиб кутдик. Астойдил йиғлаган эканмизми, ниҳоят, сўқир кўздан ҳам ёш чиқди — онамнинг юртидан дарак келди!

Шунда мен онам узоқ йиллар мобайнида хўрсиниб сўзлаган юртни хаёлан аниқ-таниқ кўрдим, ўзимни гўё минг йиллардан буён ўша ерда яшагандек, яшайдигандек ҳис қилдим — шунчалар қон-қонимизга сингиб кетган эди у.

«Жой бўлмай қуриб кетсин, — дерди онам баъзан зорланиб, — лоақал юз юварга суви бўлмаса-я! Эсиз-эсиз, юртимдаги дарё-дарё сувлар...».

Унинг ранжу койишлари бежиз эмасди. Тангу тор, тоғу тош қишлоғимизда бир томчи сув гавҳарга тенг, гавҳар нима, одамнинг хуни билан барабар эди: ичкилик сувни ҳам етти-саккиз чақирим олисдан ташиб келтирардик. Лекин, таажжубки, онамдан бўлак ҳеч кимсага бунинг оғирлиги билинмасди.

Билсам, онамнинг юрти чиндан ҳам улуғ дарё сохилларида экан.

«Дўзах бўлиб кетди-ку, — деб нолирди онам баъзан, — Ҳаҳ, юртимнинг шамоллари-я...».

Бу атроф-жавонибда бизнинг қишлоқдан қўра салқинроқ жойни топмоқ амримаҳол, саратон кунлари не-не шаҳарликлар шу ерда жон сақлайди, ҳар нечук, онамнинг бу гапи ношукрлик эмасмикан?

Билсам, онамнинг юрти ҳур шамоллар маскани — зумрад водий қўйнида экан...

Хушxabар келган куни уйимизда тўй бўлиб кетди. Фақат, онамнинг кўз ёшларигина бу тантанани хиёл бузиб турарди.

Мактуб жанубий воҳалардаги қишлоқларнинг биридан жўнатилган, уни онамнинг ота уруғи — амакиваччаси Омонкул деган киши битган эди.

«... Тоғамнинг Улбўсин отлиқ бир қизи мундан кўп йиллар бурун йўқолиб эди. Бизнинг хешлар бари, дом-дараксиз кетган, деб юргич эди. Қай бир кун радиодан айтиб қолди. Авлодимиздаги қари-қартанглар ўй ўйлаб, ўша Улбўсин бўлса керак, деди. Агар чиндан ҳам эгачимиз Улбўсин бўлса, келинг, дийдор қўришайлик, биз бораёлик, топишайлик, қайтадан хеш бўлайлик».

Сўнг, онамнинг қай йўсин адашганию қандай ғойиб бўлгани хусусидаги бизга ёд бўлиб кетган тафсилотлар ҳижжалаб баён этилган эди.

Онамга қолса, ҳозироқ — кўз ёши қуримасданоқ қанот боғлаб учмоққа шай. Аммо Раззоқ иккаламиз маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйдик: у ишхонасидан икки-уч кунга ижозат олаб, биз билан бирга борадиган бўлди. «Ажойиб тақдирлар» деган очерк ёзаман, зўр чиқади», деди.

Индини тонг саҳарда йўлга тушдик.

Поездда юрдик, автобусда юрдик, енгил машиналарда юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, дашту биебонлардан, шаҳру қишлоқлардан ўтдик, поёнсиз пахтазорлар, яшил тутзорлар, боғу боғчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирлар ортда қолди ва бир куни чошгоҳ чоғи онамнинг юртига кириб келдик.

Шалоғи чиққан такси шағал карьерининг кўҳна биноси олдида тўхтади. Бирин-кетин тушдик.

— Шу ердан сўрарсизлар, — деди занжидек қоп-қора шофёр ва машинасини ортига буриб, ёв қувгандек жўнаб қолди.

Кўз ўнгимда уфқ қадар чексиз, сарғиштоб бир яланглик ястаниб ётарди. Унда-бунда пастак ихота дарахтлари яккам-дуккам тиккайган.

Автобус бекати ҳам шу ерда экан. Майдонча кимсасиз. Олисларда ҳовур жимирлайди, кўз тинади. Ёғоч ўриндиқда қалпоғини бостириб кийган бир чол қопчиғини ёнбошига қўйиб мудрайди.

Аста онамга разм солдим: тўрт томонга ҳайрон боқади, мижжалари нам, лаблари титраб-титраб

қўяди.

— Келдик, она! — дедим атай бардам товушда.

Онам шошиб бош ирғади, кулимсирагандек бўлди.

Бекат майдончасида бир зум гангиб турдик. Қўлимдаги адресда бундан бошқа гап йўқ эди. Бошим қотиб Раззоққа қарадим, Раззоқ менга. Шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим, билмайман, қаршимизда бир тўда одам пайдо бўлди-да, олағовур бошланиб кетди. Дарров кўнглим сезди: онамнинг қариндошлари... қариндошларим!

Мудраб ўтирган чол чўчиб тушди, кўзларини очиб, норози хўмрайди, сўнг шартта терс ўгирилиб олди.

Шовқин қандай бошланган бўлса, бирданига шундай тинди. Ҳамма бир-бирига аланглар, гап-гапга қовуша қолмас, ётсираш ҳукмрон эди. Онам Омонкул амаки билан қўришаётганида барча ўзини тутолмади, аёллар ошқора йиғлади, эркаклар кўз ёшини яшириб, тескари қаради.

Онам аста энгашиди, қоқсуяк кафтини ерга теккизиб, юз-кўзларига суртди:

— Етказганига шукр! — деди ўпкаси тўлиб.

Онамнинг авлоди ўзига ўхшаш суяги бузуқ, дали-ғули одамлар экан. Омонкул амаки айниқса менга маъқул бўлди: қизилмағиз, барваста, юрт сўраган одамлиги кўриниб турибди.

Боя негадир пайқаманган эканмиз: бекатнинг шундоқ орқасида чоғроқ бир қишлоқ бор экан. Қирқ-эллик уй қатор тизилган. Ҳовлилар теграсида девор-тош йўқ, на эшик, на кулф кўринади.

Янги топишган қариндошларимиз бизни шовқин-сурон, иззат-икром билан олиб кетишди. Ҳайҳотдек бир ҳовлига кирдик. Тумонат одам, қўйлар сўйилган, дошқозонлар қайнаган... Бу — Омонкул амакимизнинг ҳовлиси экан.

Уйма-уй, хонадонма-хонадон тинмай зиёфат.

Тўртинчи кунига бориб мен чарчадим, Раззоқ зерикди. Бироқ онам...

Эрталаб чойдан кейин аста ҳовлига чиқдик. Омонкул амакимнинг ўғли — ўттиз бешлар чамасидаги малла йигит, йўлақдаги «Белорусь»ни кавлаштираётган экан, бизни кўриб, хуш-хандон илжайди.

— Ҳа, бўла?

— Бўлар энди, Файзикул, — дедим ҳорғин кулимсираб. — Сафаримиз ҳам қариди.

— Э, қўйинг-э, бўла! — Файзикул қўлини мойлаттага шоша-пиша артиб, югургилаб олдимга келди. — Нима бу! Ҳали мундай бир гурунг қилганимиз ҳам йўқ.

— Мана, топишиб олдик, гурунглашаверамиз-да. Бу ёқ ишга борадиган, — дедим Раззоққа имо қилиб.

— Иш бўлаверади-да, ака, — деди Файзикул Раззоққа юзланиб. — Ҳали сизлар ухлаб ётганингизда Бобоназар ака билан Маҳкам келиб айтиб кетди.

Бир пиёла чой ичиб чиқмасангизлар, уят бўлади.

Яна «бир пиёла чой!» Яна зиёфат! Э, тавбангдан кетай! Наҳот дунёнинг бор гапи дастурхондан иборат бўлса?!

— Менга қаранг, бўла, — дедим бари бир мулоҳим оҳангда, — биз энди бугун қайтамиз. Ҳа, бўлак иложи йўқ. Шошманг-да. Агар бизга жуда ҳиммат қилмоқчи бўлсангиз, бир айлантириб келмайсизми?

— Э-э, жоним билан-э, мана ҳозир! — Файзикул ҳовли ўртасида турган сариқ «Жигули»га қараб юрди.

— Машинани кўйинг, бўла, — дедим енгидан тортиб. — Ҳа, шундай бир, пиёда... Йўқ-йўқ, шу маъкул. А, Раззоқ?

— Улбўсин холамини ҳам олайлик, бўлмаса? — деди Раззоқ ўйлиниб.

— Унда, мен машинани опчиқай, — деди Файзикул кассасини кавлаб.

— Қани, олдин онамдан бир сўрайлик-чи, — дедим.

Онам ичкари уйда, хотин-халаж даврасида ташвишманд ўтирган экан.

— Бир юртингизни айланиб келайлик энди, — дедим.

— Собирингни туш кўриб юрибман, — деди онам. — Тинчмикан ишқилиб? Қайтақолсак ҳам бўларди. Кўзларинг киртайиб қопти, иссиғинг борми? — У коқсуяк кафтини пешонамга қўйди.

Она, онажон!

— Бир айланиб келсак, девдим...

Онам айвон устунига суяниб ўтирди.

— Ўтган куни Омонкул амакинг билан атрофларни кўриб келдим.

Онамнинг қиёфаси, ранг-рафторида шу пайтгача кўринмаган хушнудлик бор эди.

— Хурсандмисиз, ахир?

— Хурсанд бўлмайманми, болам? Отамнинг мазорини зиёрат қилдим, онамнинг... Ота авлод, она авлоднинг дийдорига тўйдим. Етказганинга шукр!

Тушдан кейин жўнар бўлдик.

Файзикул бизни айлантириб келгани бошлади.

Қишлоқ сиртдан каттагина кўринган экан, холос. Битта узун кўча, ўн беш минутда адоғига етдик. Этакдаги сўнги уйдан нарида чексиз-чегарасиз яланглик.

— Бундан нарида нима бор? — деб сўрадим Файзикулдан.

— Дашт.

— Ундан нарида-чи?

— Мен бормаганман. Етимтоғ бор, дейишади.

— Жийдатепа қаерда, Жийдатепа?

— Жийдатепа? Ҳа, у... ҳув темирйўлнинг нарёғида, — деди Файзикул кафтини пешонасига соябон

қилиб.

— Борайлик, — дедим.

— Э, анча узоқ-да?

— Майли, майли.

Жийдатепа — дўппидек келадиган пастак бир тепалик экан. Ёнбошида ўтинга айланган уч тун қари жийда.

«... бир жийдазор боғки, боши-адоғи йўқ. Жийда гуллаганда ичига кирсанг, адашиб қоласан. Гуллари сап-сарик, гуркираб ётади, бошларинг айланиб кетади...».

Онамнинг юрти!..

Наҳот онам шу яйдоқ ялангликларга, шу зебсиз масканларга умр бўйи таъриф тополмай ўтган бўлса? Шу бефайзгина овулнинг афсонамакон эканига наҳот ўзи ҳам ишонган, бизни ҳам ишонтирган бўлса?

Дарё-дарё сувлар дегани — шу бўтана ариқми?

Хур шамоллар дегани — шу қутурган гармселми?

Ойдин оқшом дегани — чивин тўла кечаларми?

Бир жийдазор боғ дегани...

Онамнинг қариндошлари... қариндошларим билан хўшлашдик.

Сарпо-суруқ, иззат-икром билан кузатиб қолдилар. Энди уларнинг борар ваъдасини олиб, жўнадик. Файзикул машинасида поезд станциясигача кузатиб қўйди.

Поезд дашту биёбонларни, шаҳру қишлоқларни, поёнсиз пахтазорлар, яшил тутзорлар, боғу боғчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирларни ортада қолдириб, онамнинг юртидан она юртим сари елиб бормоқда.

Нега юрагим орзиқиб кетяпти? Во ажаб! Она юрт дегани — онанинг юртигина эмас экан-да?

Чидаёлмадим, онамга қўнглимни очдим:

— Юртингиз яхши экан, она лекин бари бир ўзимизникича келмайди, а?

Онам ярқ этиб қаради, шодумон кулиб келадиган кўзларида ғалати бир ҳайрат учқунланди, узоқ ўйланди:

— Юртингиз яхши-ёмони бўлмайди, болам.

Шунда мен онамнинг безовта кўзларига тикилдим ва нигоҳим қаршисида шовиллаб ётган ҳудудсиз бугдойзорларни, ғарқ гуллаган жийдазор боғларни, зумрад адирлар узра хандон отиб кулаётган бахтиёр бир қизалоқни кўрдим!

Раззоқ дераза олдида жимгина ўтирар, таажжуб билан бизга термилиб қолган эди.

...Қишлоққа ярим кечаси етиб келдик. Ҳаммаёқ қоронғи, тоғлар, боғлар сукутда — гўё нафасини ичига ютиб, бизни хавотирланаб, интизор қутаётгандек.

1985



УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Яғонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри –
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Маширабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Кўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,

Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбеинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Кўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Қудуғимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Кўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

ТАЯНЧ НУҚТАСИ



Шойим БЎТАЕВ,
ёзувчи

Кишлоқ четида ажриқзор бўз тепалик – Бўзқир.

Атрофи жавониб кафтдагидек яққол кўринади: шимол томонда Туркистон тизмаларининг кўкка тиғ санчиб, лахтак-лахтак оппоқ булутлардан қалпоқ кийган мангу қоялари; жанубда кўм-кўк кўллар, сойлар; машриқдан уйғониб мағрибда пинакка кетаётган қуёш. Тепаликдаги бир жуфт қулоч етмас қоратол.

Этакдаги турнакўзли булоқлар чашмасидан қиямаликдаги ёлғизоёқ йўл бўйлаб сув олиб чиқаётган қиз-жувонлар.

Феруза осмонни артиб юрган оқ булутларга боққанча чалқанча ётган ўспириннинг олис-олисларда кезган хаёлидан нелар кечаётгани

ўзи-ю, Худодан ўзга ҳеч кимга аёнмас. У нигоҳи қамраган жойларга оёғи етиши учун дунё сафари истагида ёнаётган чоғида саргузаштларини адоғига етказаётган тўзиган пойабзал соҳиби таассуротларига бир жуфт қоратол остида нуқта излайди.

Дунё кезиб, неча замонлар ўтиб туғилган гўшасига қайтган жаҳонгашта булоқдан бир ҳовуч сув олиб ичганида нималарни ҳис этади? Вужудининг жузв-жузвларига, Руҳининг поёнсиз кенгликларига қайси ҳолни кечиради? Унинг ўзини барпо этган заминнинг биологик унсурлариними? Ёки ал Мисоқда белгилаб қўйилган қазову қадар аҳдиними? Унсурлар бир-бирига интилга-



ни каби аҳду паймон ҳам шу қора тупроқда барқарор бўлишиними?

*Ҳавога боқсам мен ҳаво оларман,
Тупроққа боқсам мен дуо оларман.
Тупроқдан айрилсам қайда қоларман,
Маним ёлғиз ёрим қора тупроқдир.*

Икки кўзи кўр Ошиқ Вайсал асло сўқир эмасди. Унинг теран нигоҳи илғаган нарсаларни пайқамаслик сўқирлиқдир. Дунёни танимай ўтишдир.

Бу саволларнинг жавобни фақат яшабгина ҳис қилиш, англаш мумкин.

...Учинчи қоратол бўлиб соя тўшайди шунда ажриқзор тепаликка. Ёки турнакўз-ли булоқларнинг бири ўлароқ чашма сувини

кўпайтира олади.

Ватан сўзини вирди забон қилмоқ билан ҳеч нарсага эришиб бўлмагани сингари Доғларжанинг “Кимлар ўлди, кимлар нутқ сўзлади шу Ватан учун” мисраларидаги иддаони ҳам кўтармас қисмат мавжуд унда.

Шундай экан, “Ватан” деган сўзни муқовага сабт этмоқ учун қанчалар журъат лозим?

Унга ўз муносабатимни ҳаяжон ила жажжи бармоқларини ҳарфлар устида юргизган сабий каби ҳижжалашни ўргана бошлашим биланоқ қиямаликдаги ёлғизоёқ йўл ўзимни танитадиган манзилларга элтаётганини ҳис этаман.

Тупроқ, бўзқир, қоратол, булоқ...



К.Г.ЮНГ

ПИКАССО

Этиборингизга машхур рухшунос олим Карл Густав Юнгнинг (1875-1961) “Пикассо” эссесини жузъий қисқаришлар билан ҳавола этипмиз.

Унда К. Г. Юнг Пикассо ижодий фаолиятининг дастлабки даври ҳақида фикр юритади. Илмий ёки санъатшуноснинг танқидий мақоласидан фарқ қиладиган бу эсседа муаллиф ижодкорнинг руҳий оламига доир ижод психологияси билан боғлиқ кузатишларни баён этган.

Ўзим психиатр бўла туриб, Пикассо ҳақидаги муноза-рага аралашаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман. Қўлимга қалам олишга таниқли ки-шиларнинг даъвати сабаб бўлди. Мен улкан санъат соҳиби бўлган бу мусаввирнинг ижоди жиддий фикр юритишга арзимади, деган фикр-дан йироқман, қолаверса, унинг адабиётдаги ҳамкасби Жойс ижоди-га ҳурмат ва эътибор билан мурожа-ат қилган жойим бор (К.Г. Юнг ўзи-нинг “Улисс” номли эссесини назар-да тутган).

Мени чинакамига қизиқтирган ушбу муаммо жуда кенг, ўта жид-дий ва ниҳоятда мураккабки, уни бир мақола доирасида, гарчи умумий тарзда бўлса-да, қамраб олиш мушкул. Шу боис Пикассога муно-сабат билдиришга киришишдан бурун олдимга масалани шундай қўйдим: мен мусаввирнинг санъа-ти ҳақида эмас, балки фақат унинг санъати психологияси тўғрисида фикр юритаман. Эстетик проблема-лар билан шуғулланишни санъат-шуносларга қолдириб, мен Пикассо бадий ижодининг асосида ётган психологияни кузатиш билангина чекланаман.

Қарийб йигирма йилдан бери мен инсон руҳий жараёнларининг хилма-хил тарзда ифодаланиши билан боғлиқ психологияни ўрганиб келаман, шу сабабдан Пикассо су-ратларига ўз касбини пухта эгалла-ган мутахассис сифатида қарай ола-ман. Орттирган тажрибаларимдан келиб чиқиб, ўқувчиларни ишон-тириб айта оламанки, Пикассонинг суратларида акс этган психологик муаммолар мажмуи беморларимда мен учратган муаммоларга айнан ўхшаш. Афсуски, буни ҳозир сўз билан исботлашнинг имкони йўқ, чунки қиёсланадиган манбалар фақат мутахассисларга маълум. Шу сабабдан ҳам қуйидаги мулоҳаза-ларим далиллардан холи, муаллақ бўлиб туюлиши мумкин ва бу маса-лада мен ўқувчиларимга уларнинг самимий, хайрихоҳ фантазиялари кўмак беради, деб умид қиламан.

Предметсиз (нарса, ходиса,



мавзу билан боғланмаган) санъат ўзининг мазмунини асосан “ич-ки теранлик”дан олади. Бу “ички” мазмун онга мувофиқ келмайди, чунки онг одатда зарурат туфайли намоён бўладиган ҳамма нарса-нинг маълум жиҳатлари аксини, инъикосини ўзида сақлайди. Бироқ Пикассо санъатининг нарса, ходиса ва мавзулар билан боғланганлиги бу борада расм бўлиб қолган та-саввурлардан кескин фарқ қила-ди, бу фарқ мусаввир санъатининг кундалик, оддий тажрибаларга боғланмаслигига ҳеч қандай эъти-роз қолдирмайди. Бунинг устига, вақт ўтиши билан Пикассо ижоди-да эмпирикликдан (тажрибалар, сезги аъзолари орқали олинган таассуротлар ва табиий шароитдаги қўзғалишлар – А. О.) тобора узоқла-шиш, ташқи тажрибаларга мос келмайдиган, бироқ онг доираси-дан ташқаридаги уша “ички теран-лик”дан келиб чиқаётган унсурлар-нинг (элементларнинг) қўпайиши юз бераётгир. Ҳарқалай, бу ходиса беш сезги аъзосини ўзида жамлаб, ташқи оламга йўналтирилган онг доирасидан ташқарида. Онгдан ташқарида мутлақо Ҳеч нима эмас, балки онгсиз руҳият бор, онг уни ортда ва ичкаридаги бир нима тарзида ҳис этади. Суратларнинг ташқи оламга мувофиқ келмайди-ган унсурлари “ички теранлик”дан тугилиши тайин.

Гарчи бу “ички теранлик”ни кўриб, тасаввур қилиб бўлмаса-да, барибир у онга мунтазам таъсир кўрсатишга қодирки, мен бу омил-ларнинг таъсиридан азоб чекадиган руҳий беморларимни буни иложи борича аниқ-равшан қилиб (су-ратларда) ифодалашга ундайман. “Ифодалаш усули”нинг мақсади онгсиз структураларни (тузилма-ларни) ўқиш-идроклашга имкон туғдириш ва уларни тушунишга уринишдир. Ушбу тадбирнинг ёрдамида те-рапевтик натижага эришилади: онгсизлик жараёнлари билан онг орасидаги хавфли узилиш барта-раф этилади. Бундай суратларда акс этган барча руҳий жараёнлар ва онг



тубидаги пинҳона манзара-қўринишлар акси предметли ёки “англанган” тасавурларнинг тескариси – рамзий; бундан чиқадики, улар, жуда бўлмаганда, олдин маълум бўлган маъно-мазмунга ишора қилади. Шунинг учун алоҳида бир хусусий ҳолат ифодасини кузатиб, муайян аниқликка эришиб булмайди. Фақат ноаниқлик ва чалкашлик, маънисиз хилма-хилликни ҳис этиш мумкин, холос. Суратда нима тасвирлангани ва муаллиф нима ҳақда ўйлагани тушунарсиз. Фақат бундай суратларнинг кўплаб туркумини қиёслаш орқалигина ниманидир фаҳмлаш имконияти туғилади. Беморлар чизган суратлар, уларда бадиий фантазиянинг етишмаслиги

сабабли, замонавий мусаввирларнинг суратларига қараганда нисбатан аниқроқ ва шу боисдан ҳам тушунарлироқ.

Икки гуруҳ беморларни бир-биридан фарқлаш керак: булар невротиклар ва шизофрениклар (руҳий хасталик турлари – А. О.). Биринчи гуруҳга мансублар синтетик характердаги (нарсаларни, ҳодисаларни бутун ҳолда олиб ва уларнинг таркибий қисмларини боғлаб) кучли ва яхлит туйғуга йўғрилган суратлар чизишади. Гарчи бу суратлар мутлақо мавҳум бўлиб, шу сабабдан муаллифнинг сезги-кечинмаларини акс этгирмаса-да, ҳар ҳолда бир-бирига ниҳоятда муаносиб ёки уларга аниқ мазмун юкланган бўла-

ди. Иккинчи гуруҳ, аксинча, шундай суратлар чизадик, бу суратлар уларнинг муаллифларига ҳиссиёт бегона эканини кўрсатиб туради. Улар ҳар қандай ҳолларда яхлит уйғун туйғуни эмас, балки, аксинча, қарама-қарши кечинмаларни ёки уларнинг умуман йўқлигини ифодалайди. Бу суратларнинг бадиий шаклида эса синиқ чизикларда акс этган таназул, инқироз кайфияти устиворлик қилади ва бу ўз навбатида ижодкорнинг руҳан бўлинганини, яъни ўзини бошқа одам деб фаҳмлашини билдиради. Суратлар томошабинга ёқмайди ёки ақлга тўғри келмайдиган, тажоввузкор руҳдалиги ва беўхшов носамимийлиги билан унда қўрқинчли таас-

сурот қолдиради. Пикассо ана шу руҳий (психологик) типга мансуб*.

Бундай фарққа қарамай, ҳар иккала гуруҳнинг чизган суратларида бир умумий жиҳат бор, бу – рамзий мазмун. Ҳар иккала гуруҳ ҳам маънони ишоралар орқали истифода этади, бироқ невротик тип бу маънони қидиради ва ўзининг сезги-кечинмаларини томошабинга етказишга уринади. Шизофреникда бундай ҳаракат сезилмайди ва аксарият ҳолларда у уз туйғуларининг қурбони бўлади. Бу ҳол суратларда шундай акс этади: гўё уни туйғулари маҳв этган ва эзиб ташлаган, у, невротик жуда бўлмаганда бир нима чиқаришга уринган элементларга, қоришиб кетган. Шизофреникка хос ижод ҳақида айтиш лозим бўлган фикрларни мен Жойсга доир мулоҳазаларимда гапириб ўтганман: бундай ижодда томошабин учун қизиқарли ҳеч нарса йўқ, бор нарсаларнинг ҳаммаси уни қочиради, бездиради, қутилмаган ҳар қандай детал ён бериш, чекиниш сифатида қабул қилинади. Хунуклик, касаллик, ваҳима, мавҳумлик ниманидир ифодалаш учун эмас, балки, аксинча, ҳамма нарсани яшириш, бекитиш учун пайдо бўлади ва бу парда ахтарувчи, изловчини ўзига жалб этади; бу парда – мисоли кимсасиз ботқоқни қоплаган совуқ туман; мазмундан маҳрум бу парда томошабинга муҳтожлик сезмайдиган томошага, манзарага ўхшайди.

Бир ижодкордан, у нимани ифодаламоқчи бўлганини сўраш керак, бошқасидан – у нимани ифодаламоқчи бўлмаганини. Ва уларнинг ҳар иккаласида ҳам пинҳона мазмун бор. Бундайин



образлар туркуми (чизилган суратлар ёки ёзилган сўзлар) одатда Некюйя символидан жаҳаннам қаърига тушиш, онгсизликка чекиниш, тириклик дунёсидан четлашишдан бошланади. Шундан кейин юз берадиган ҳодисалар кундалик, оддий шакл ва қиефаларда ифодаланади, бироқ бу ифодалар яширин маъно ва характерга йўғрилган бўлади. Пикассо зангори тусдаги предметли суратлардан бошлайди: окшомнинг нофармонлиги, ой ёғдуси ва сув, миср ғорининг кўкимтир ранги шундан далолат беради. Мана, у қазо қилаётган ва унинг руҳи отда охиратга равона бўлаётган. Кундалик, оддий ҳаёт ортидан илашади ва болаларини етаклаган аёл унга ақл ўргатиб мурожаат қилади. Унинг учун кундуз ҳам, кеча ҳам – аёл, бу психологик нуқтаи назардан ёруғ ва қоронғу кўнглини (анима) англатади. Қоронғулик бекиниб олган ва нофармон шом кучоғида, потологик майл-иштиёқларни қўзғаб, уни пойлаётган. Буёқлар уйғунлигининг ўзгариши бизни жаҳаннамга дохил этади. Предметлилик ажал тасвири орқали ёритилган, ажал маҳорат билан чизилган сил ва зотилжам фоҳиша ўсмир қиёфасида акс этган.

Фоҳиша мотиви охиратда ижодкор марҳумнинг руҳи сифатида, бир қанча ўзига ўхшаганлар билан учрашадиган, жаҳаннам остонасида пайдо бўлади. “Ижодкор” деганда мен Пикассонинг бошқа, кўргуликка учраган шахсини – жаҳаннамда бўлишга маҳкум, тақдир ҳукми билан оддий ёруғ кунда эмас, зулматда макон топган, ҳаммага маъқул гўзаллик ва идеалларни эмас, балки ёвузлик ва ёмонликка тортувчи иблисона кучга эргашиб, ҳозирги замон кишини Антихрист ва Люцифер тарафига оғдирадиган ҳамда умумжаҳон инқирози таассуротини пайдо қиладиган одамни назарда тутаман. Ва шунинг учун унинг асарларида кундалик ҳаётнинг равшан дунёси жаҳаннам булутлари билан қопланади, таназзулга юз тутайди ва охир-оқибат, зилзила чоғида ёрилиб кетган ер сатҳидай, бўлақларга, қисмларга, синиқ чизиқларга, фрагментларга, ахлат, майда-чуйда ва улик унсурларга бўлиниб тушади. Пикассо ва Пикассо асарлари кўргазмаси – бу вақт ҳодисаси, бу – суратларни томоша қилган йигирма саккиз минг одам каби замон воқелиги...

Аҳмад ОТАБОЙ
таржимаси

* Ушбу фикр ана шу гуруҳга мансуб деб ҳисоблаш мумкин бўлган ҳар қандай одам шизофреник ёки невротик деган маънони билдирмайди. Бу тарзда фарқлаш, гуруҳга ажратилиш: биринчи ҳолатда руҳий оғишлар невротик аломатлар, иккинчи ҳолатда эса шизофреник аломатлар пайдо бўлишига олиб келишини аниқлаш мумкин, ҳолос. “Шизофреник” ибораси бу ўринда айнан руҳий – шизофреник касаллигини аниқламайди, балки шу касалликка кишида майл борлигидан дарак беради, ёки ҳабитусни (ташқи кўриниш; ранг-рўй; умумий қиёфани) билдирадиган, шулар замиридаги оғир руҳий изтироблар шизофреникни тўғдириши мумкин. Мен Пикассони, Жойс қаторида, кўп одамлар мансуб бўлган психотикларнинг шундай гуруҳига мансуб деб қарайманки, бу гуруҳга кирувчилар ҳабитуси (ташқи қиёфалари) руҳий невротдан эмас, балки шизофреник аломатлар тасвиридан оғир руҳий изтиробларга тушишлари боис беихтиёр киши эътиборини тортади.

ЮРТ ҚЎШИҒИ

1948 йил 3 февралда Сурхондарё вилоятининг Денов туманига қарашли Хўжасоат қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1999). ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган (1972). Биринчи йирик қиссаси — «Юлдузлар мангу ёнади» (1976). «От кишнаган оқшом» (1979), «Ойдинда юрган одамлар» (1980), «Момо Ер қўшиғи» (1985) каби қиссалари нашр этилган. «Отамдан кюлган далалар» (1993, ушбу асар асосида бадиий фильм яратилган, 2001), «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» (2001) романлари муаллифи. Жек Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва ҳикояларини, Э. Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» қиссасини ўзбек тилига таржима қилган. Ёзувчи 2003 йил 27 майда Тошкент шаҳрида вафот этган. Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1994).



Тоғай МУРОД
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Аёлимиз айтади, уйқунгизда гапириб чиқасиз, дейди.

– Нимани гапириб чиқаман? – сўрайман ундан.

Аёлимиз тайин бир нима деёлмайди. Бир ундай дейди, бир бундай дейди.

Чин, мен учун кеча-да бир бўлиб қолди, кундуз-да бир бўлиб қолди. Кўзим илиндими, бўлди, тушимга бир нималар киради. Уйқумда қаерлардадир нималардир қилиб юраман. Тушимми-ўнгимми, биллолмайман. Кунлар ўнгимда қандай кечса, уйқумда-да шундай кечади. Эл билан кўришиб-сўрашаман, гаплашаман, талашиб-тортишаман, қаҳ-қаҳ уриб куламан. Кейин... йиғлайман!

Йиғлаб-йиғлаб... пахта тераман! Йиғлаб кўзларимни очаман. Теварагимга қарайман. Кўзларимда ёш йўқ бўлади.

Аёлимиз билан болаларимиз пиш-пиш ухлаб ётади.

– Босинқирапти, ўнг ёнбошига ағдарилиб ётсин, – дейди аёлимиз.

Ўнг ёнбошимга бурилиб ёта-

ман. Бу сафар бир адирдан кета бераман, кета бераман. Адир охири кўринмайди. Олисларга қарайман. Олислар йўқ. Зим-зиё. Далаларга қарайман. Далалар-да йўқ. Оёқларим остига қарайман. Ер-да йўқ. Оёғимни мўлжаллаб босиб, ерни излайман. Ерни топаман.

Зулматдан қутулиш учун сойга қараб знаман. Оёғим ерга тегмайди. Зим-зиё хонада саланглаб қолади. Зулматда учиб кетаман. Учиб кета бераман, кета бераман. Қаерга тушаман, ўзим-да билмайман. Қўним ер тополмайман. Ана энди ўлдим, дейман. Шунда, пойимда ўркак-ўркак қирлар, улкан-улкан тошлар қора беради. Дарахтлар, сувлар ранг беради. Зўр бериб дарахтлар узра тушайин, дейман. Дарахт шохлари тирнаб ташласа-да майли, омон қоламан, дейман. Қучоқларимни катга очаман. Мисоли сувда сузмишдай, дарахтлар томон талпинаман.

Ўнқир-чўнқир тошларга “гурс” этиб тушаман. Жонҳолатда тўлғанаман. Танам “зирқ-зирқ” этади.

Кўзларим очилиб кетади. Бир бошқа бўлиб қоламан. Деразага қарайман. Дераза оқариб келаётган бўлади. Туриб туролмайман, ётиб ётолмайман. Бир таним бу дунёда, бир таним ўзга бир дунёда ётгандай бўлади. Шунда... шунда бир нима шовиллайди. Сел бўлиб сел бўлмайди, мусиқа бўлиб мусиқа бўлмайди.

Бир вақтлар колхозимиз радиоузелчиси Қудратбой уйимиз деворига майдагина радио осиб қўйди. Радио сахардан ётаргача гапирди, ашула айтди. Аввал-аввал зиғир мойдай ёқди. Кейин-кейин қулоқ-мияни еди. Жонга тегди. Бемаҳал қичқирар хўроз бўлди-қолди. Гапира беради, ашула айта беради. Номи ашула бўлса бўлди, айта беради! Эл-юртга ёқадими-йўқми, барибир айта беради! Болалар овозини пасайтириб қўяман деб, бир-икки марта девордан тушириб юборди. Радио палағда бўлиб қолди. Бор-е, дедим-да, омборхонага отиб юбордим. Шу билан қулоғим тинчиди-қолди.

Ўғлимиз омборхонани титки-

лабди. Ана шу радиони топибди. Биноийдай созлабди. Деворга осиб қўйибди. Билдим, ана шу радио шовуллаяпти!

Ўй-хаёлларим учди-кетди. “Дик” этиб жойимдан турдим. Апил-тапил кийиндим. Селдай шовуллаш кўнглимни эзиб кела берди. Шундай қайғули шовуллаш, шундай кўнгилни вайрон қилувчи шовуллаш! Қарадим, аёлимиз сигир соғаяпти. Аёлимиз олдига бордим.

– Ай, Ойсулув, бирон катта-патта ўлибдими дейман, эшитаяпсанми? – дедим.

– Каллаи сахарлаб гапирган гапини...

– Чин-да, қара, бундайин куйни мотамда чалади.

– Кўп гапирмасин, мол сут бермай қўяди.

– Бўлмаса, эси жойида одам каллаи сахарлаб шундай куй чаладими?

– Радио ҳар сахарда шундай чалади. Нафасини иссиқ қилсин.

– Қара, кўнгилни ер билан яксон қилади-я...

Армиядалигимда бизни Суздаль деган шаҳарга саёҳатга олиб боришганди. Жуда бир ҳашамдор қасрга олиб киришди. Шунда, мунгли айтиб йиғлаш эшитгандим. Бир тўда аёл димоғида айтиб йиғларди.

Бизни эргаштириб юрган аёл тушунтириб берди. Айтишича, Пётр I деган ўрис подшо Россияда қайта қуриш бошлабди. Унинг Лопухина деган аёли бор экан. Шу аёли ҳадеб подшолик ишига аралаша берибди, аралаша берибди.

Шунда Пётр I сенми ҳали эркаклар ишига аралашадиган, дебди-да, аёлни Суздалдаги ўша монастирга сургун қилибди. Сочларини таг-туги билан қириб ташланглар, дея фармойиш берибди.

Подшо фармойишига биноан, аёлнинг сочларини пакки билан қириб ташлабдилар! Суздаллик аёллар подшо аёли ҳолига ачиниб, айтиб-айтиб йиғлабди. Ўшандан буён монастирга томошага келгувчиларга ана шу айтиб йиғлашни эшиттириб турар эканлар.

Мен ўйлай-ўйлай, ана шу айтиб

йиғлашни эсладим. Ҳозир эшиттаётганим... ўша айтиб йиғлашга жуда-жуда ўхшаб кетди!

Шовуллаш юракни эзгандан-эзди. Кўнгилга қайғу солди. Кўнгилга таҳлика солди.

– Нимага анқайиб қолди? Борсин, юз-қўлини ювсин. Нима, дунёни энди кўраётими? Радио ҳар сахарда чаладиган соз-да.

– Унда, нимага мен эшитмаганман?

– Бу киши қаердан эштади, тонг ёримай далада бўлса...

Шовуллаш орасидан овоз келди: *...Серқуёш ўлкада қўрмасдик зиё, Дарёлар бўйида эдик сувга зор...*

Энди билдим, ўйлаб-ўйлаб топдим. Бу ўзимизнинг эл-юрт қўшиғимиз бўлди...

Уйқуни ярим ўлик дейдилар. Одам тонг сахарда уйқутираб туради. Дунёни энди кўраётгандай бўлади. Дунёга уйқутираб қарайди, босинқираб қарайди, илтижо билан қарайди. Дунёдан нажот истайди. Дунёдан илинж истайди...

Дунё таги оқариб-оқариб кела беради.

Тонг еллари юзларни силайди. Тан-жонни хузурлайди. Кўнгилни тўлдиради. Кўзни тўйдирди.

Дунё шундай бир вақтда... тонг дея аталмиш хушрўй бир вақтда... биров қайғули ашула айтиб бошласа нима бўлади? Одам уйқудан уйғонганларига пушаймон бўлади! Кўнгил тундай бирён бўлади! Тонг – тун бўлади!

...Серқуёш ўлкада қўрмасдик зиё, Дарёлар бўйида эдик сувга зор...

Радио эл-юрт қўшиғини айта-яптими, ё айтиб йиғлаяптими? Айтиб йиғласа, нима деб йиғлаяпти? Ай, Дехқонкул, боя олам зим-зиё эди, қоп-қора тун эди, сен ёруғ шуълага зор эдинг, қултум сувга ташна эдинг, хокисор эдинг. Ана, энди тонг бердим, энди сенга сув бердим. Бор, энди мени шарафла-да, энди мени улуғла-да, олти миллион тонна пахта териб бер, дея айтиб йиғлаяптими?

Қайси бир йили Термизга бордим. Бекатда ўғлим билан автобус қараб қолдим. Сомса олиб едим.

Шунда бир бурчакдан қўшиқ эшитилди. “Ялт” этиб, қўшиқ эшитилмиш тарафга қарадим. Бир бўзбола магнитофон қўйди. Одамлар лаш-лушини қўтариб, қўшиқ олдига бориб турди.

Сомсани қоғозга ўраб, мен-да қўшиқ олдига бордим. Магнитофон теварагини одам босди. Қўшиқ эшитиб маза қилдим. Аммо сўзларини тушунмадим. Боиси, қўшиқ бир ажнабий тилда бўлди. Ўзимча, ишқ – кўнгил қўшиғи бўлса кераг-ов, дея ўйладим. Боиси, қўшиқ кўнглимга зиғир мойдек ёқди. Яхшилаб эшитиб олайн дея, сомсамни емай турдим. Бўзбола магнитофонини қўлтиқлаб жўнади. Сомсахонага борди. Магнитофонини деворга суяб қўйди. Ўзи панжарага суяниб, сомса еди. Ўғлимни эргаштириб, бўзбола кетидан бордим. Бўзбола тагин магнитофонини қўлтиқлаб жўнади. Сувхона олдига келди. Магнитофонини сувхона пештахтасига қўйди. Бир қўлини белига тираб сув ичди. Бир менмикан десам, бошқалар-да қўшиқ кетидан эргашиб келди.

Қўшиқ ниҳоялади. Биров бўзболадан: бу қандай қўшиқ, дея сўради. Бўзбола елка қисди.

– Отини билмайман. Афғонистон гимни, – деди. – Аҳмад Зоҳир айтади.

– Эл-юрт қўшиғи дейсиз-да?

– Шул-шул!

Хаёлимга ўша қўшиқ келди. Қўшиқни деб, бегона бўзбола кетидан эргашиб юрганларимни эсладим.

Гап очилиб қолса... афғон ҳамсояларимизни камситамиз. Қолоқ дея бурнимизни жийирамиз. Осмондан келиб куламиз! Ана, эл-юрт қўшиғи қандай бўлади!

Тонг сахарда эл-юрт узра шундай бир қўшиқ таралса... Эл-юрт қўшиғида юртимиз суврати бўлса... элимиз руҳи бўлса... эл-юрт сози бўлса... эл-юрт қўшиғини эшитиб, одам яшаган сайин яшагиси келса... пахта терган сайин тергиси келса...

Эл-юрт қўшиғини эшитиб, ажалга-да борса одам.



АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...



Олимжон ДАВЛАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти директори,
филология бўйича фалсафа доктори

Хамма вақтдан кўрқади, вақт эса Миср эҳромларидан, деган нақл бор. Назаримда, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шахсияти ва ижодига ҳам айни таъриф тўла-тўқис мос тушади. Олти асрга яқин муддат мобайнида кишилик жамиятининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий жабҳаларида кўп ўзгариш ва эврилишлар бўлиб ўтди. Аммо ханузгача башарият фарзандлари Ҳазрат Навоий яратган буюк маънавий мероснинг моҳиятини тўла англаб олганича йўқ. XXI аср одамлари Ҳазрат Навоий яшаган даврга

кўра қаррасига кўпроқ роҳат ва фароғатда, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Аммо маънавий поклик, руҳий юксалиш масаласида улуғ бобокалонимиз эришган даражалар шунчаки бир орзу бўлиб қолмоқда.

Ижодкорларнинг тақдирини ижод жараёни каби турфа ва хилма-хил кечади. Тарихда Умар Хайём каби шундай шоирлар борки, ҳаётлиги даврида унинг бадиий ижод билан шуғулланишини кўпчилик билмаган ҳатто. Аммо вафотидан кейин дунёнинг энг машҳур шоирларидан бирига айланиб, ёзган байту ғазаллари

тиллерга дoston бўлади. Яна бир тоифа қалам-кашлар борки, тирик пайтида барча унвону мансаб, эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлишади. Аммо улар ёзган битикларнинг умри ўзларининг умрларидан ҳам қисқароқ бўлади.

Алишер Навоий бу маънода толели шоир эди: унинг ижоди ҳаётлиги пайтидаёқ Хожа Аҳрор Валий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий каби замоннинг энг улуғ мутафаккирлари эътирофига сазовор бўлди. Вафотидан кейин ҳам форсий ва туркий тилда яратилган тамаддунга алоқадор бўлганлар ва умуман бутун башарият унинг беназир шахсияти ва бебаҳо илмий-ижодий меросига буюк муҳаббат ва эҳтиром ила муносабатда бўлмоқдалар. Ўтган давр мобайнида салтанатлар, тузум ва тутумлар бир неча марта алмашди. Аммо Навоийнинг маънавий мероси барча сиёсат ва раёсатлардан баланд туриб, даврнинг оний суронларига бардош берганларни одабийликнинг мунаввар манзилларига чорлади, меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват, вафо ва садоқатнинг толмас ҳудайчиси бўлиб қолаверди.

Нафсиламрини айтганда, Алишер Навоийнинг меросини оммалаштириш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳамки, унинг шахсиятини тўғри ва тўлақонли англаш йўлидаги ишларимизни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳалигача Навоий деганда совет даврида суратга олинган бадиий фильм таъсирида Хусайн Бойқаро билан қиз талашган, унга қарши қурашавериб, анча эрта мункиллаб қолган нуруний мўйсафидни тасаввур этиб юрамиз. Бугунги давронда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали таралётган қўшқаватли таъриф-тавсифлар таъсирида ёшларимиз Навоийни одам боласи яқинлашиши мумкин бўлмаган маънавий чўққи, таъбир жоиз бўлса, бир топинч – бутга ўхшатишади. Ҳолбуки, Алишер Навоий ўзининг истеъдодини катта меҳнат ва машаққатлар билан, соф ният ва чексиз ғайрат билан камолга етказиб, буюкликнинг асрори – оддийлик, одабийликда эканини ўз ҳаёти мисолида исботлаган доно маслаҳатгўй, холис ёрдамчи, чин дўст ва донишманд муаллимдир. Унинг ҳаёт йўли ва маслак-матлабини тўғри ва тушунарли тилда етказиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда.

Алишер Навоий ҳам бошқа мутафаккирлар қатори асосан олам ва одам, ҳаёт ва ўлим, Яратган ва яратик каби умумбашарий ва барча давру замон учун муҳим бўлган муаммолар устида мушоҳада юритади. Унинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган фикрлари ва умумлашмалари бошқа мумтоз мутафаккирлари билан ҳамоҳанг бўлиши баробарида муҳим бир хусусияти билан алоҳида ажралиб туради – унинг ижтимоий ҳаёт, инсон ва жамият, олам ва одам табиати ҳақидаги хулосалари шахсий тажрибалар, ҳаётий

Алишер Навоий ўзининг истеъдодини катта меҳнат ва машаққатлар билан, соф ният ва чексиз ғайрат билан камолга етказиб, буюкликнинг асрори – оддийлик, одабийликда эканини ўз ҳаёти мисолида исботлаган доно маслаҳатгўй, холис ёрдамчи, чин дўст ва донишманд муаллимдир. Унинг ҳаёт йўли ва маслак-матлабини тўғри ва тушунарли тилда етказиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда.






кузатувлари асосида шаклланган. Бошқача қилиб айтганда, Навоийнинг фикрлари ўзининг ҳаётгиллиги, амалиёт билан кўпроқ боғлиқ эканлиги билан бошқа мутафаккир аждодларимиздан ажралиб туради. Давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган, турфа-туман одамлар билан мулоқот қилиб, турли синовларни бошидан кечирган ва гоҳида жуда қимматга тушган тажрибаларини гўзал бадиий тилда ифодалаган донишманд Навоийнинг фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Айниқса, адолат мавзуси Навоий ижодининг ўқтомирини ташкил этади, десак, айтиш мумкин бўламиз. Ижтимоий ҳаёт барқарорлигининг бирламчи шари адолат эканига ўз ҳаёти давомида бот-бот иқроп келтирган мутафаккир турли шакл ва йўсинда васфини тавсифлайди – гоҳида икки ёрнинг дўстлик йўлидаги фидойилиги мисолида тараннум этса, гоҳида салтанат аҳлининг ҳаётини ибрат ўлароқ мисол келтиради. Баъзида рамзий-тамсилий ҳикоялар воситасида адолатнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилса, айрим ҳолларда ишқий мисралар орқали ҳам адолат ҳикмати уқтиради.

Мутафаккир шоирнинг ақидасига кўра, адолат – тенгсизлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат бўлиб, давлат арбоблари зиммасидаги энг катта масъулиятдир. Айниқса, мулозимлар билан муносабатда муътадиллик ва меъёрни ушлаш алоҳида аҳамият

касб этади. Ҳар бир инсон ўзгалар билан муносабатини ўзининг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда бунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди. Ушбу нисбат бўйича жамият олий, ўрта ва қуйи табақаларга бўлинади. Элбошилардан эса мазкур ижтимоий иерархияни тўғри таснифлаган ҳолда, улуғ даражали одамларга мартабасига яраша ҳурмат ва иззат билан, энди мансаб пиллапойларини босишни бошлаган ёшларга мурувват ва масъулият билан ёндашиш талаб қилади. Бекларга навкар каби, навкарга эса беклар сингари муносабатда бўлиш бир хил хатарлидир. Бирида бек ранжиб, хавфли душманга айланса, иккинчи ҳолатда навкар ўз ҳақдини унутиб, нодон дўст каби билмай зарар келтириши мумкин. Ўрта бўғиндаги мулозимлар билан ҳам ўртача муносабатда бўлиш ҳам тўғри йўл ҳисобланади. Айтиш мумкин, яъни ҳар бир кишига ўз салоҳияти, иқтидори ва нуфузига қараб муомала қилиш адолатнинг бирламчи шари дидир:



*Керак қилса, улким тилар шоҳлиқ,
Сипаҳ борча ҳолидин огоҳлиқ.*

*Улуққа улуқча ато айласа –
Кичикка кичикча сахо айласа.*

*Ким этса васатлиқ йўлинда зуҳур,
Анга тузса ойини “хайрил-умур”.*

*Не тутса улуғни қошида кичик,
Не қилса кичикни улуғ чарғалиқ.*

(“Садди Искандарий”, 28-боб)

“Садди Искандарий” достонининг бир боби тўлиқ адолат таърифига бағишланган. Бунда шоир олдинги тўрт достонда айтилган фикрларни умумлаштириб, яхлит концепция шаклида баён этишга киришади. Унга кўра, адолат – жамиятдаги барча муносабатларни тартибга солувчи тушунча бўлиб, уни амалга ошириш энг аввало, мамлакат ҳукмдори ҳамда тайинланган раҳбарларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Адолат – шунчаки дунёвий ҳодиса эмас, балки илоҳий миссия эканини исботлаш учун мутафаккир Аллоҳнинг гўзал исмларини мисол келтиради. Унга кўра, Аллоҳ таолонинг меҳрибонлигини билдирувчи “Ар-Раҳим”, ўта карамли эканини билдирувчи “Ал-Карим” исми бор. Бошқа исмлари ҳам шундай.

Аммо адолатлигини билдирувчи сифати “Ал-Одил” (адолат қилувчи) эмас, балки “Ал-Адл” (адолат)нинг ўзидир. Бундан келиб чиқадики, адолат билан иш қилувчи подшоҳ Аллоҳнинг “Ал-Адл” исмининг мазҳари бўлиб, у Худонинг энг яқин дўстига айланади:

*Не асмоким, ул Ҳақ сифотиғадур,
Агар фикратинг ҳар бир отиғадур.
Не амреки бўлғай сифат дохили,
Ҳақ отидур ул амрнинг фоили.*

*Карам фартидиндур карим йлмоғи,
Тараҳҳум кўпидин раҳим йлмоғи.*


*Вале оти асмода одил эмас,
Ўқур чоғда эл они одил демас.*

*Адолатқа етганда қилмиш Худо,
Ўз отини “Ал-адл” бирла адо.*

*Бу отиға кўпрак учун эҳтимом,
Анинг бирла оламға берди низом.*

*Не шаҳким, анинг адл кирдоридур,
Десам, йўқ ажабким, Худо ёридур.*

(“Садди Искандарий”, 20-боб)



Подшоҳ – Худонинг ердаги сояси деган ҳикмат ҳам айни шу ҳақиқат асосида шаклланган, дейди Навоий. Яъни, зулм ва зўравонлик билан ҳукумат юритадиган зотлар илоҳий марҳаматдан бенасибдирлар. Аксинча, адолат билан иш юритувчи султонда мабодо қандайдир салбий ҳислатлари бўлса ҳамки, қиёмат куни кечирилади. Ҳаттоки мажусийлик динига эътиқод қилувчи сосоний ҳукмдор Анушервон адолатли бўлганлиги учун охиратда дўзах азобидан қутулиши ҳақида башорат қилинган. Анушервон Одил замонида туғилганини “Мен адолатли султон замонида туғилдим” дея фахр этган охирзамон пайғамбари (с.а.в.)дан ривоят қилинадиган ҳадисга кўра, мамлакатлар агар адолат билан бошқарилса, кофирлар юрти бўлса ҳамки, обод ва маъмур бўлади. Зулм ва зўравонлик билан бошқариладиган мамлакатлар эса мусулмонлар юрти бўлса ҳамки, албатта завол топажак:

*Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ
Ки, айлабдур они баёни фасиҳ:*

*“Қолур қуфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк”.*

Навоий ақидасига кўра, подшоҳ турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим. Унинг сиёсати одамлар орасидаги мол-мулк, ишлаб чиқариш, ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасидаги муносабатларни тартибга солиб, мувозанатни таъминлаши керак. Бировга берилган имтиёз кимнингдир манфаатини оёқости қилмаслиги керак. Айни пайтда,

Алишер Навоий ўзининг истеъдодини катта меҳнат ва машаққатлар билан, соф ният ва чексиз ғайрат билан камолга етказиб, буюкликнинг асрори – оддийлик, одамийликда эканини ўз ҳаёти мисолида исботлаган доно маслаҳатгўй, холис ёрдамчи, чин дўст ва донишманд муаллимдир. Унинг ҳаёт йўли ва маслак-матлабини тўғри ва тушунарли тилда етказиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда.

ижтимоий фаол бўлган кишиларни рағбатлантириб, уларда келажакка ишонч туйғусини мустаҳкамлаш учун қонун устуворлигини таъминлаши керак. Мутафаккирнинг қатъий ишончига кўра, икки ҳолат – беғуноҳлар жазоланадиган ҳамда айбдорлар жазога тортилмайдиган мамлакатнинг инқирозига сабаб бўлувчи бош омиллар ҳисобланади.

Навоий ушбу фикрларини исботлаш мақсадида Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётини ибрат келтиради. Ун-



га кўра, Султон Маҳмуд вафот этганидан сўнг бир куни валиахд ўғли Масъуднинг тушига киради. Масъуд ундан шоҳлик даврида қилган қайси амали учун жаннат боғида сайр қилиб юрганини сўрайди. Султон Маҳмуд жавоб берадиким:


...Ул замонким жаҳондор эдим
Адолат қилур фикрида бор эдим.

Ҳиндустонни фатҳ қилгандан кейин фармон бердимки, сипоҳийлар тинч аҳолига ҳеч қандай зиён-заҳмат етказишмасин. Фармон қандай бажарилаётганини кўрмоқчи бўлиб, сайрга чиқдим. Бир ўрмонни кезаётганимда, қашшоқ ҳинд қабиласига дуч келдим. Шу аснода бир аламли фарёдни эшитиб, ўша томонга от қўйдим. Кўрдимки, қўшимдан бир аскар ёғочу қамишдан ясалган бир бечораҳол кампирнинг уйига бостириб кириб, уйдан неча шох айириб, бир қоп сомон ҳамда кампирнинг бирдан-бир бойлиги бўлган яшил сопол косани тортиб олиб чиқаётган экан. Золим аскар олган ёғочлар, сомон тўрваси ва сопол косани кампирга қайтариб, кулбасини тузаттирдим. Аскарни бошқаларга ибрат-сабоқ бўлиши учун ўша кампирнинг уйи олдида дорга осишга буюрдим. Фоний дунёни тарк қилганимда ғайбдан нидо келдиким “жами гуноҳларинг бир муштипар кампирга қилган адолатинг туфайли кечирилди ва қилган ҳар бир риёсиз амалинг учун ҳадсиз-ҳисобсиз мукофот берилди”.

Сен ҳам, дейди Маҳмуд ўғлига, нариги дунёда гумроҳлар қаторига қўшилмасдан, абадий фароғатда яшашни истасанг, бу дунёда иложи борича яхшилик қилгин, адолатни ҳаётингни мазмуни деб бил. Тушдан тўғри сабоқ чиқарган Масъуд умрининг охирига қадар адолат билан ҳукмронлик қилади.

Қиссадан ҳисса чиқариш асносида шоир юқоридаги фикрларига қўшимча равишда янги-янги хулоса ва умумлашмаларини тақдим қилади. Унга кўра, мамлакат фаровонлиги, юрт равнақи ва осойишталиги айнан адолат барқарорлигига боғлиқ. Адолат туфайли халқнинг ҳукуматга ишончи ортиб, садоқат ва бирдамлик туйғуси кучаяди. Сипоҳийлар ҳам фидойилик билан мамлакатни қўриқлайди. Бошқа мамлакат раияти ҳам одил подшоҳни яхши кўриб, унинг ҳақиқага дуолар қилишади. Жиноятга жазо муқаррар бўлган мухитда ўз-ўзидан ўғрилиқ, қотиллик, зўравонлик, қароқчилик каби иллатлар камаяди. Зулмнинг катта-кичиги бўлмайди. Айрим ҳолларда арзимас бир жиноятга қаттиқ жазо чорасини қўллаш сиёсати ҳам адолат ва инсоф, холислик ва ҳақиқат тантанасига кўмак беради. Бу ҳол эса ҳукмдорнинг ҳам дунё ва ҳам охиратда саодатли умр кечириб, яхши ном қолдиришга сабаб бўлади.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам кўяркан, адолат тамойилини ислохотларнинг бош мезони сифатида танлади. Мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини энг олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар даврида мутафаккир шоирнинг хулосалари ҳар қачонгидан ҳаётий ва долзарб бўлиб қолмоқда. Маълум бўладики, жамиятдаги эзгу ниятли кучларни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи ушбу қадрият миллий давлатчилигимиз тафаккурида муҳим ўрин эгаллайди. Эндиги вазифа – мазкур маънавий-ҳуқуқий қадриятни яшаш тарзимизнинг бош мезонига айлантириш, ҳар бир ишда адолат тамойилига риоя этиш. Ўшанда Навоийнинг руҳи биздан шод, ҳаётимиз ва кўнглимиз обод бўлади.





Мирзо АНВАР

ҚОДИРИЙНИНГ КЎЗЛАРИ

Жулқунбой ҳайкали қаршисидаги ўйлар

Тошкентдаги Абдулла Қодирий боғи. Боғ марказидаги адиб ҳайкали...

Мен унинг олдида ўй суриб ўтирибман. Ҳеч кимни кутаётганим йўқ. Аслида, боғларга ёшлар учрашувга келади. Менинг назаримда, ҳар ҳолда шундоқ. Бари ёшлар жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирининг пинжига тиқилишиб ўтиришибди. Ора-сирада ёш гўдаклари, болаларини ўйнатгани олиб чиққанлар кўзга ташланиб қолади... Болалар шўх ўйнайди... Жуфтликлар эса

безовта. Боғнинг ичкарироғига йўл олади...

Мен эса ҳайкал олдидан кета олмайман. Мени ром этгани Қодирийнинг кўзлари... Фотосуратда инсоннинг кўзидаги маънони уқиш мумкин. Чизма суратда ҳам шундай инсоннинг дарду ташвиши, қувончини билса бўлади. Машҳур Мона Лиза кўзида чуқур маъно бор. Узоқлашсанг хафалик, яқинлашсанг шодлик зухур этармиш...

Лекин ҳайкал кўзларидаги маъ-

но... Тошдан ҳам шундай акс эттириш мумкинми?

Мумкин экан-да.. Мана, мени сеҳрлаб турган нарса ҳам шунда. Англагандирсиз энди...

Чимирилган қошлар остидаги дардли, ғамнок, аммо қатъият акс этган кўзлар. Тошлар ва ғишлар орасидан чиқиб келаётган Қодирийнинг қўлида китоб... Балки «Ўткан кунлар», балки «Меҳробдан чаён»... Бир-бирига чамбарчас боғланган композиция. Лекин унинг «авж нуқтаси» барибир кўзлари...

Хайкалтарошлик ҳам санъат. Бу ҳайкални ясагунча ҳайкалтарош қандай туйғуларни кечирган экан? Чунки дилдан ўт-маса, юрак кўри берилмаса, санъат яратилмайди.

Ҳайкални кўздан кечирамиз. Мана ҳайкалтарош имзоси: Жалоллидин Миртожи Турсунбой ўғли (Равшанбек). Бу биз билган машҳур ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ижоди экан-да!

Одатда шундай: кўплаб санъат асарларини ким яратганидан беҳабар юраверамиз. Шундай ёнидан ўтаверамиз, эътибор қилмаймиз. Санъаткор кимлигини билмаймиз. Ҳайкал, шунчаки, ҳайкал-да... Аммо бу асар яратилгунча, таъбир жоиз бўлса, «тошга жон битгунча» қанча-қанча ижод изтиробларини кўрган.

Ҳайкалтарош ижоди давомида қандай туйғуларни қалбдан кечирди экан?

Афсуски, Равшан Миртожиев, бугун орамизда йўқ. Аммо у яратган ижод олами билан танишиш имконимиз бор. Шогирдлари орамизда, сермахсул ижод қилмоқда.

Мен ҳайкалларни кўп кўрганман. Ҳар бирида ўзига хос хусусият бор. Улар буюкларнинг (ҳар кимга ҳам ҳайкал қўйилмайди, ахир) кечмишидан сўзлайди. Ҳайкалтарош учун мана шуниси қийин...

Равшан Миртожиев ижоди билан танишар эканмиз, у буни уйдалагани, уйдалаганда ҳам нозик қирралари билан намоён эта олганини кўрамиз. Мана қаранг-а! Фарғонийдаги ақл-идрок, Бобурдаги улуғворлик, Ойбекдаги кенг маъно, Ғафур Ғулломдаги шумлик, Зулфиядаги ўзбек оналарининг нуроний қиёфаси ва самимият...

Дарвоқе, ҳайкалтарош ижодида Алишер Навоий сиймоси муҳим ўрин тутди. У Навоийнинг ўндан ортиқ ҳайкалини яратган. Москва

марказидаги боғ, Япония пойтахти Токио, Вашингтондаги кутубхона конгрессидаги Навоий ҳайкали модели, Озарбайжон пойтахти Бoku, Хитойнинг Шанхай шаҳридаги «сўз соҳибқирони»нинг ҳайкаллари унга тегишли... Лекин ҳеч қайси-си бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бирида улуғ шоирни янгидан кашф қиласиз. Бундан ташқари, Латвия пойтахти Рига шаҳрида ўрнатилган Мирзо Улуғбек ва Ибн Сино, Хитойдаги Камоллидин Беҳзод, пойтахтимиздаги Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, «Ватанга қасамёд» монументи, Андижондаги Чўлпон, Самарқанддаги Рудакий, Мирзо Улуғбек, Бухородаги Фитрат, Ғазалкентдаги Элбек ҳайкаллари ҳам унинг ижоди маҳсули.

Қаранг-а, кўплаб аллома, буюк шахслар ҳайкалларининг аксарияти Равшан Миртожиевга тегишли эканини билмас эканмиз.

Лекин Қодирийнинг кўзлари... Бир томошабин сифатида қалбимни ўртаган бу ҳислар ҳайкалтарошни қанчалик қийнаган экан-а?..

Балки шогирдлари бу ҳақда яхшироқ билар... Шу мақсадда Бадиий академияга қўнғироқ қилдим. «Миллий рассомчилик ва дизайн институтига телефон қилинг, шогирдлари билан гаплашасиз» дейишди. Шогирди Ботир Ҳакимов билан учрашдик. Узоқ суҳбатлашдик. Ижод ҳақида, устознинг маҳорати, сабоқлари, ёшларга эътибори, қалб дунёси ҳақида...

– Устоз айтарди, – дейди у, – “Мен нонни қанчалик эъзозласам, лойни ҳам шунчалик қадрлайман. Чунки лой ҳайкалтарошнинг нонидир». Бизга ҳам шуни ўргатган. Шундай ишлашга ундаган. Устоз бир ҳайкал учун ўнлаб эскизлар чизарди, тун ярмигача ишларди, биз ёнида туриб, чарчаб қолардик. Эртасига келсак, устоз тонгда келган, ишлаётган бўларди. У киши ҳар бир

ишга қалб кўрини берарди.

Мен яна ўша саволга қайтаман: – Абдулла Қодирий ҳайкали ҳақида ҳам гапирганми?..

– Кўп марта айтиб берган. Композиция шундай бўлган экан: Яхлит тошдан Абдулла Қодирий руҳи чиқиб келаётган бўлиши керак. Устоз кейинчалик унга ғишларни танлаган. Чунки Қодирий қатл этилган жойда ғишт заводи бўлган. Умуман, устоз бу ҳайкал учун Қодирий асарлари ва аччиқ қисматини чуқур ўрганган. Кейин адибнинг машҳур суратига бот-бот мурожаат этган. Сиз ҳам кўргансиз у суратни... Терговда туширилган... Айтишларича, устоз бир ҳафта ҳеч иш қилмасдан, кеча-ю кундуз ўша суратга тикилиб ўтирган экан. «Ўша суратда Қодирийнинг ички туйғулари, дардлари ва дард билан бирга аралаш мардонавор маъно акс этган кўзларини кўриш мумкин» дердилар...

Суҳбатимиз давомида мен юрагимдаги ҳисларга бироз жавоб топгандек бўлдим. Қодирий дунёси билан бирга яна бир улуғ ижодкор оламини ўзим учун кашф қилдим. Бу Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон санъат арбоби, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Токио санъат музейининг Фуджи медали соҳиби, Бобур номидаги халқаро мукофот лауреати Равшан Миртожиевнинг ижод олами эди. Бу ҳақда ҳали ёзиш ва у оламини англаш истаги дилда ёна бошлади...

Ҳайкалларнинг борлиги бизга буюкларни ёдга солиб туради, ҳайкал орқали улуғларга эҳтиром кўрсатилади. Ижодини ўрганишга, улар оламига чуқурроқ киришга ундайди.. Улуғларимизни таниш орқали эса кимлигимизни англаймиз.

Жулқунбой ҳайкали қошида мен шуларни англадим...

Ўрол СОДИҚ,
ёзувчи

ЗЕРИКАЁТГАН ОДАМ

90-йиллар
ўзбек
эссечилиги
туркумидан

I

...Менинг қисман бир-икки нарсага ҳаққим бор бу ҳаётда. Мен сиз айтгандек эмас, ўзимга ўхшаб кун кўришни истайман. Майли, одамови бўлай. “Телбароқми?” деб шубҳаланинг. Лекин мана шу янграётган қўшиқни эшитиб жилмаёлмайман.

Ўзимнинг устимдан кулишга мажбур этманг мени, биродар. Бундай дейишга ҳаққим бор. Сиз эса билганингизни қилинг. Чунки, сизнинг ҳам қисман ҳаққингиз бор. Ана, телевизор, буранг, “мени ташлаб кетди” деб тиржайиб туради биттаси... Севги одамдан интеллект талаб қиладими? Наҳотки, у тажриба маҳсули бўлса... “Интеллектуал шахс севгиси авомникидан маънолироқ бўлади” деган гапга ҳеч ишонгим келмайди. Юзидан ёғ томиб турган хонанда бўлса қўшиқни тиржайиб туриб айтади. Сиз эса овқатга қўшиб истеъмол қиласиз бу қўшиқни. Айрилиқ ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Маъносиз кўзларини сузиб қўшиқ айтаётган хонанда ҳам, қисқичга қўшиқ сўзларини илдириб паққос тушираётган сиз ҳам... Дарвоқе, маъносиз кўзлар. Ўлаксахўр қузғунлар макони бўлмиш саҳро келбат кўзлар. Бу кўзларга кўпам маҳлиё бўлманг, биродар. У Тиржаяпти-ку, деб ўзингизни овуتمانг. Бу кўзларда минглаб шаҳидлар ётибди. Бу кўзлар поклар қабристонидир.

II

...Умримнинг нечанчи куни билмайман, мен адоий тамом бўла бошладим. Отамга хат ёздим! “Ота мен чарчадим, кўчмоқчиман... Суякларим совуқдан қисирлаб бораётир. Бу ҳашаматли бинода юзлаб одамлар истиқомат қилишади. Бурунлари терлаб, юзларидан ёғ томиб туради, уларнинг. Мен эса жунжикиб боряпман. Тўққиз қовурғали мана бу печ ўзидан тўхтовсиз совуқ пуркаётгандек туюлаётир. Китоблар, картиналар ҳамма-ҳаммаси музлатилгандек. Тўрт қават кўрпада қорга ағанагандек ётаман, Ота...” Кўп ўтмай отамдан хат келади. “Болам, сен энг катта шаҳарда яшаётгирсан. Бундан бўлак яна қаерга кўчмоқчисан. Ҳар нарсага кўнглингни бузмай, ишингни қил, Ё, қишлоққа қайт. Ҳар ҳолда қишлоқ илиқроқ...”

...Мен қишлоққа қайтолмасдим. Қўшиқларни шаҳарда қолдириб қишлоққа қайтолмаслигимни отам биларди. Билса-да, “қайт” деди. Меҳр билан айтди бу сўзни. Охирги илинжни-да айтди отам. Мен эса бу пайтда аллақачон кўчиб улгурган эдим. Бобурнинг “Баҳор айёми” ғазали билан айтилувчи бу қўшиқни биз уч киши бирга тингладик. Юраклар илингандай бўлди. Кўнгилга нур инди. Қўшиқ менга тўққиз қовурғали печлари бор ижарахонамиздан илиқроқ туюлди. Бу қўшиққа тикилиб ҳуркак қушчаларни, кўзидан ёш чиқиб

қақ-қақ ураётган оломонни кўрмадим, мен. Чексиз бир сахрони дарбадар кезиб, ўкириб-ўкириб йиғласанг-да, ҳеч кимга халал бермайдиган, ҳеч ким сенга ҳайратланиб қарамайдиган сахрони кўрдим. Ва эрта тонгда бу мамлакат дарвозасини қоқдим...

III

Баҳорнинг илк кунларида биз уч биродар ижарахонадан ҳайдалдик. Ижарачи — кўзлари доим чақчайиб турадиган, бу дунёда пул топишдан бўлак аъмоли бўлмаган, икки лунжи бўқоқдек осилиб тушган қоп-қора хотин лаш-лушларимизни ташқарига улоқтириб, эшикни зичлаб ёпиб олди. Биз, калласига ақл сиғмаган уч далли дийдираб анча маҳал остонада турдик. Балки ҳовуридан тушар, раҳм этар, деб кутдик. Садо бўлавермагач бошимизни эгиб бекат томон юрдик.

Бекатга егиб англадикки, ижарадор бизнинг барча буюмларимизни улоқтирган, ичкарида фақат севимли ҳофизимизнинг қўшиқлари ёзилган кассета қолган эди. Лорсилдоқ бу хотин бизда шу даражада нафрат уйғотган эдики, мабодо унинг қўлида кийим-кечагимиз ёхуд бошқа бир буюмимиз қолганида қайтиб бормас ва унга ялинмас эдик. Лекин тўрт-бешта китоб ва шу кассетадан бўлак бу шаҳарда бошқа илинжи бўлмаган ғариблар қайтиш азобига маҳкум эдик. “Қадрдон гўша”га мен бордим. Эшик қўнғироғини босишим билан қаршимда бир жуфт чақчайган кўз, одамни руҳан толиқтирадиган қоп-қора, беўхшов турқ намоён бўлди. “Кассетамиз қолган экан” дедим мен. “Чақаси йўғ-у қўшиқ эшитганига бало борми, буларнинг?” ўдағайлади ижарадор. Мен ялиндим: “Охирги илтимосимизни рад этманг, сизга бошқа қорамизниям кўрсатмаймиз, хўп денг, чиқариб беринг...” Хуллас, кассета ўттиз сўмга баҳоланди. Ўртоқларим ёнига бориб воқеани айтганимда улар унашмади. “Ўттиз сўмга иккита кассета олса бўлади. Эсинг жойидами”, дейишди улар. Мен таажжубда эдим. Унинг қўшиқлари ёзилган кассетани бу бефаросат хотин қўлида қолдиришга кўнглим чидамас, ундан қизғанар эдим. Дўстларимга эса, менинг кимдандир қарз олиб, кассетани қайтариб олиш фикрим эриш туюлиб энсаси қотарди. Ўша куни, хуллас, пул топдик ва шаҳарга оқшом оралаганда кассетани олиб қайтдик.



IV

Биз унинг қўшиқларини тинглаб улғайдик. Шунданми, кўнглимиз армонларга, орзуларга қўналға бўлиб қолди. Қишлоққа борсам ҳар гал “Излаганлар бизни сахройи балодан излангиз” ашуласи ёдимга келаверади. Чексиз дашту биёбонга тикилиб, ҳолдан тойган афтодаҳол ошиқ йигит сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Бу ерларда бир пайтлар мен шундай кезинганман. Мендан-да олдин кўпчилик кезинган бу ерларда. Қўшиқни тинглаб оғир-оғир хўрсинганман, йиғлаганман. Бир қанча ошиқ йигитлар йиғлаган қўшиқни эшитиб. Йиғилар кўп. Гармселдай мавжланиб ётибди йиғилар.

Қишлоқда чўпон амаким бор. Ул ҳофиз қўшиқ айтипти, деса отдан тушади. Қўшиқ тугагунча ҳеч кимни гапиртирмайди. Гапираётган одамга хўмрайиб ола қарайди. Ёши олтмишга бораётган бу одамга нима бўлган экан, деб ўйлайман мен. Сочлари оқарган одамнинг севги ҳақида қўшиқ тинглаб ўтириши эриш туюлади менга. “Эй, бунга етадиган йўқда. Шу эшитиб ўтириб-ўтириб, отни миниб бир ёқларга солиб кетсамми, дейман”, дейди амаким. Мен хавотирланаман. Амаким ҳозир отга ўтириб, осмону фалакка учиб кетадигандай туюлаверади. Мен учадиган отлар фақат эртақларда бўлишини биламан, шундай бўлса-да хавотирланавераман.

*Бир ажиб боғ ичра жонон
ўлтирур,
Сочларин ёйиб шамол ўйнаб
турур.
Сезмайин қолди ёнига
борганим,
Воҳ, санам, бунча паришон
ўлтирур.*

Сўзлар хонанданинг бўғзидан аланга бўлиб чиқади. Борлиқ эртакка дўнаётганга ўхшайди... Мен бундан қўрқаман...

Ёзнинг сўлим оқшомларидан бирида қишлоқда тўй бўлди. Амаким мени туртди, “Қара, қара, ўзи-я, нақ қуйиб қўйгандай”, Даврани олиб бораётган қўшиқчи бола. “Кўзинг нозик...” ашуласини куйлаётган эди бу маҳал. У овозни шу даражада ўхшатаётган эдики, олис-сроқда туриб эшитаётган одам тўйга ўша санъаткор келибди-да, деб ўйлаши мумкин эди. Амаким хумор қилиб ўтирди. Фақат тўй яримлаганда унинг авзойи бузилди. Бузилгандаям ёмон бузилди.

Ўтирган жойида қўшиқчи болани шу қадар бўра-
лаб сўқдики... Бечора бола шалпайиб, кенг давра
ичида мулзам бўлиб қолди. Ҳамма олазарак бизга
қарайди. Мен зўр бериб амакимга ёпишаман. У ши-
ракайф ғижиниб сўқинади: “Қўшиқни билмасанг
айтмагинда ҳе...” Ўша куни тўйдан жуда ҳолсиз
қайтдик. Мен бу воқеадан алланечук оғир бўлиб
олдинда борар, амаким бўлса, “Қўшиқни бузди
баччагар, қўшиқни бузиб айтди” деб тинмай ғулди-
раб келарди.

V

Мен қўшиқни ёлғиз ўзим эшитишни яхши кўраман.
Агар ёнимда биров бўлса безовталанаман. Маъшуқа-
сига севги изҳор этаётиб бехос бегона нигоҳга назари
тушган ошиқдек ўнғайсизланиб қоламан. Сўнг хижо-
латдаги ошиқ ҳолида бегона нигоҳни бошқа хонага
бошлаб кираман.

VI

Хонандалар кўп. Лекин... Балки, менга шун-
дай туюлар. Ҳар ҳолда қўшиқ айтиш билан қўшиқ
айтишнинг фарқи бор. У “Биринчи муҳаббатимни”
айтганда деярли ўспирин бўлган. Эҳтимол унинг
ўша пайтлари иқтидори, маҳорати бугунгидек юк-
сак бўлмагандир. Аммо у бу туйғуни яшаган, боши-
дан кечирган. Йўқса, қўшиқ бу қадар яшай олмас-
ди. Кўпчилик эса қўшиқ учун чиройли овоз, қуй ва
шеърнинг ўзи кифоя деб ўйлашади. Менда қўшиқ
қуйлаётган хонандалар икки хил таассурот уйғотади.
Бири шоир изтиробини йўл-йўлакай бировга ҳикоя
қилиб кетаётган йўловчи. Иккинчиси эса “Истаган-
лар бизни саҳрои балодан истангиз” дея кимсасиз
саҳро томон телбавор талпинаётган жунун. Жунунда
кибр бўлмайди. Худбинлик ва риёкорлик кўчасидан
юрмайди жунун ва биз шунинг учун ҳам уни сева-
миз, унга талпинамиз.

VII

...Саънат ва санъаткор деган сўзлар бор. Бунинг
маъно ва моҳияти кўпчиликка маълум. Лекин бу
сўзлар бизда шу қадар кўп ишлатиладики, ҳақиқий
санъаткорни нима деб аташни билмай каловланиб
қоламиз. Негаки, биз ҳар қандай отарчию, театр
ёки кинода ўткинчи рол ижро этадиган одамни-
ям, ҳақиқий истеъдод эгасиниям бир хил, санъат-
кор, деб атаймиз. Эҳтимол, у шунчаки, артист ёки

актёрдир. Йўқ, биз барчасини бир хил санъаткор
деб атаймиз. Чунки, товуш мавжуд экан, сўз тугун-
масдур, деб ўйлаймиз.

VIII

Гоҳида... Одам тафтини одам ололмайди. Миллионлаб
одамлар орасида зерикасан. Ҳар куни минглаб,
хиссиз, ҳаяжонсиз кўзларга дуч келасан. Уларга
қараб муомала қиласан. Тавозе билан табассум ҳада
этасан. Лекин барибир ёлғиздай ҳис этасан ўзингни.
Икки қўлингни бўм-бўш чўнтагинга солиб, бошин-
гни елкаларинг орасига олиб шаҳар кўчаларини ке-
засан. Дарахтлар ва турли рақамлар чаплаб ташлан-
ган симёғочлар узра жим одимлайсан. Қаршингда
юзлаб, минглаб тўрва қўлтиқлаган, йўлнинг шундоқ
ёқасига раста ёйиб, ҳайқириб молини мақтаётган
одамлар чиқади. Улардан тортиниб қўлларингни
чўнтагиндан суғуриб оласан. Бўм-бўш қўл ҳавода
гизланиб-гизланиб яна чўнтакка киради. Чунки уни
сен шунга маҳкум қилгансан. Беҳуда ва бемаврид
ҳаракатланишига изн бермайсан. Зерикаётганин-
гни сезган қўллар типирчилайди. Сен эса тишингни
тишинга босиб уйга йўл оласан. Етиб келиб чарчоқ
танангни курсиустига ташлайсан. Итоаткор ва содиқ
қўлларингни чўнтагиндан бир-бир суғуриб, стол
устига қўясан. Қўлларинг сендан имо кутмай маг-
нитофон сари йўналади. Оҳиста унинг тугмачасини
босади. Хонанданинг ўтлиғ овози янграйди.

*Кеча оқшом фалакда ой
бўзариб ботганда,
Рухимда бир маъюслик,
сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи
муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи
муҳаббатим...*

P/S:

**Мазкур эссе 1995 йил
“Оила ва жамият” га-
зетасида чоп этилган.
Эътибор берган бўл-
сангиз асарнинг бирор
жойида Шерали Жўраев
номи тилга олинмаган.
Маълумки, у даврларда
ҳофиз номи ўзбек мат-
буотида тилга олиниши
чекланган эди.**

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ВАТАН АБАДИЙ

*Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,
Насимлар эдилар илиқ, арабий.
Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Не зотлар ўтдилар Ватандин айро,
Севинчи савдою соғинчи сахро.
Кўксимни тўлдириб келди бир дарё,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,
Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.
Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?
Ким ахир бир кун асо тутмагай?
Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,
Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.
Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Олмон тупроғида бир немис аёл,
Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.
Халқим, нону тузинг ҳамини ҳалол,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,
Азим чинорларнинг ҳикматларида,
Ҳазрат Яссавийнинг хилқатларида
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Айб эмас аввалий ва ё сониймиз,
Агарчи инсонмиз вале фониймиз.
Барчамиз ушбу кун Туркистониймиз,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*

*Аста барг тўкмоқда зарҳал оғочлар,
Умр гўё тўлар божу хирожлар.
Келиб кетар экан қанча Сирожлар,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.*





“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига қўйилган обида.

У Президентимиз ғояси асосида давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган.

Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ифодаланган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темури салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

Монумент пойига “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда”, деган чуқур маъноли сўзлар битилган. Бу ота-боболаримиз хотирасига бутунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.



МУНДАРИЖА

Ўзбек келаётир...	2-3
Имтиҳон	4-5
Юрт қайғуси	6-11
Ўзбегим	12-13
“Ватан” ҳақида...	14-15
Ҳамжиҳатлигимиз боқий бўлсин!	16-17
Бизнинг ҳам журналнимиз бўлади	18-19
Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз	20-21
Ундан айро бахт бўлмас	22-25
Бузилмас кўрғон	26-33
Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!”	34-35
Марказий Осиё: минтақавий интеграция концепцияси, модели ва динамикаси	36-41
Китобхон Али қушчи жасорати	42-45
Тил ва тафаккур – дефиниция ва дескрипция	46-53
Шайбонийхон шахсияти нега эътиборсиз қолмоқда?	54-59
«Илоҳий ўйин». Кўпкарининг тарихини биламизми?	60-63
Онамнинг юрти	64-67
Улуғимсан, Ватаним	68-69
Таянч нуқтаси	70-71
Пикассо	72-75
Юрт қўшиғи	76-77
Адл ила олам юзин обод қил...	78-83
Қодирийнинг кўзлари	84-85
Зерикаётган одам	86-88
Ватан абадий	89



Йул бўшат, замона!
Йул бўшат, жаҳон!

ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР...

МУҚОВА: Суратда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан йўлга чиқиш лаҳзаси.

Фото: president.uz

Муассис:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси,
лойиҳа раҳбари),
Иброҳим ҒАДУРОВ,
Хуршид ДЎСТМУХАММАД,
Акмал САИДОВ,
Абдусайд КҮЧИМОВ,
Сирожиддин САЙИИД,
Отабек ҲАСАНОВ,
Азамат ЗИЁ,
Сайфулла АҲМЕДОВ,
Иркин УМАРАХУНОВ,
Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Урол СОДИҚ,
(адабий муҳаррир),
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
Раҳматилла ҚОРАБОЕВ
(маркетинг менежери)

Бош муҳаррир

Хусан ЭРМАТОВ
Масъул котиб
Меҳриддин ШУКУРОВ

Манзил:

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
e-mail: vatan2024@inbox.ru
Тел.: 71 256-25-36 (қабулхона);
71 256-52-78 (маркетинг ва реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан 20.02.2024 йилда №227510-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Босишга 21.02.2024 да рухсат берилди. Бичими 60x84 1/8.

Офсет усулида босилди.

Босма табоғи 11,0.

Буюртма № 594 Адади 5000 нуска.

ISSN 3030-3583

Журнал «KOLORPAK» МЧЖ нашриётида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 1А. Тел.: 78 129-29-29



Кейинги йилларда
бунёд этилган
Тошкент ер усти
метроси миллионлаб
инсонларнинг
узоғини яқин
қилмоқда.



